

Б.Ю. ХОДИЕВ, Ш.Ш. ШОДМОНОВ

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ЖАРАЁНИ ВА УНИ
ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ
СТРАТЕГИЯСИНИНГ
АМАЛГА ОШИРИЛИШИ**



338
20 - 69


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Б.Ю. ХОДИЕВ, Ш.Ш. ШОДМОНОВ

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИ ЖАДАЛ
РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИНГ АМАЛГА
ОШИРИЛИШИ**

Илмий-услубий рисола



ТОШКЕНТ-2018

338

+330.12

УЎК 338.3 №-69
КБК 65.2/4 (5Ў)

Б.Ю. Ходиев, Ш.Ш. Шодмонов. Ишлаб чиқариш жараёни ва уни жадал ривожлантириш стратегиясининг амалга оширилиши. –Т.: Замин нашр, 2018. –176 б.

Рисолада узвий боғлиқликда бўлган ишлаб чиқариш омиллари, мазкур жараёнига тегишли бўлган иқтисодий муносабат ва муаммолар баёни, инфратузилма тавсифи, мақсади ва мазмун - моҳияти очиб берилган. Натижалар ва самарадорлик, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таркибий қисмлари ва уларнинг функционал вазифалари билан боғлиқ масалалар атрофлича ёритилган. Шунингдек, мамлакатимиз Президенти томонидан 2017 йил 7 февралда қабул қилинган фармон билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегиясининг мазмунига, унда белгиланган вазифалар ва уларни амалга ошириш жараёни ва дастлабки эришилган натижаларини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган. Уни тайёрлашда “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида харажатлар миқдорини камайтириш, таркибини такомиллаштиришнинг фундаментал (назарий) асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги ОТ-Ф1-155 – рақамли фундаментал лойиҳа бўйича олиб борилаётган тадқиқот натижаларидан фойдаланилган. Рисола ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг янги инновацион шакли “кластер” хўжалигининг мазмуни ва йўналишлари ҳақидаги тушунчалар билан бойитилган.

Мазкур рисола ТДИУ кенгашининг 2018й 30 мартдаги 9-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

Тақризчилар:

- ТДИУ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудирини, доцент **Б.Ходжиев.**
- ТМИ профессори **Б.Рустамов.**

ISBN 978-9943-5129-7-9

© “Замин нашр”, 2018.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
1. Ишлаб чиқариш омиллари ва инфратузилмаси.....	6
2. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни.....	31
3. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари	43
4. Хизмат кўрсатиш – ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас қисми	57
5. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида яратилган маҳсулотнинг уч таркибий қисми ва уларнинг функционал вазифалари	70
6. Ишлаб чиқариш имкониятлари ва унинг чегараси.....	100
7. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари.....	106
8. Ишлаб чиқариш жараёнини жадал ривожлантириш стратегияси	111
9. Белгиланган стратегик вазифаларни амалга оширишнинг дастлабки натижалари.....	146
10. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг янги инновацион тизими – “кластер” ҳақида	152
Хулоса ва тавсиялар	166
Асосий таянч тушунчалар	171
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	174

КИРИШ

Жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг барча босқичларида, инсон ҳаётининг асосини моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ташкил этади. Чунки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари бўлмаса, айирбошлайдиган, тақсимлайдиган ва истеъмол қиладиган неъматларнинг ўзи бўлмайди. Ҳар қандай жамиятда инсоният истеъмолсиз яшай олмаганидек, ишлаб чиқармасдан ҳам туролмайди. Бу масала ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларининг катта муаммосига айланган. Чунки, дунёда рўй бераётган жаҳон иқтисодий инқирозлари, аҳоли сонининг ошиб бориши ва бошқа сабабларга кўра, аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулотлар миқдорининг ўсиш суръатлари сусайиши, бу кўрсаткичнинг айрим мамлакатларда сезиларли даражада пастлиги кузатилмоқда. Дунё мамлакатлари рейтингида бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон ҳам 187 та мамлакатлар ичида 134-ўринни эгаллаши ҳам яхши кўрсаткич эмас. Агар аҳоли сонининг ошиб бориши ва ҳар бир инсоннинг товарлар ва хизматларга бўлган талаби ошиб боришини ҳисобга олсак, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш ўта жиддий ва долзарб ҳаётий масала эканлиги ҳаммага аён бўлади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қилган маърузасида – “Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, жумладан, мақбул нархлар бўйича кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан халқимизни тўлиқ таъминлаш олдимизда турган муҳим вазифалар қаторига кирди”¹,

¹ Ш.Мирзиёев. «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз» // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи газетаси, 2016 йил 15 декабр

деб таъкидлашлари, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш”¹ вазифаси кўйилгани муаммонинг ўта жиддийлигидан далолат беради.

Бироқ, бугунги кунда Иқтисодиёт назарияси бўйича ёзилган айрим илмий ишлар, рисолалар, дарслик ва ўқув қўлланмаларда ишлаб чиқариш жараёнининг мазмун-моҳиятини ёритиш тамомила эътибордан четда қолмоқда. Бу бир томондан, кўпгина ўқувчи ёшларнинг, жумладан, талабаларнинг маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) қаерда, кимнинг меҳнати билан, ким томонидан, қандай ишлаб чиқарилишини, уни қандай ривожлантиришни, шу соҳаларда кишиларнинг тер тўкиб қилаётган меҳнатларининг аҳамиятини тушунмасликка, иккинчи томондан, иқтисодиётга қизиқувчи ва у билан шуғулланувчи барча кишиларнинг бутун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида содир бўлаётган ишлаб чиқариш муносабатларидан беҳабар қолишига, учинчидан эса, бутун жаҳонда содир бўлаётган иқтисодий инқирозларнинг туб сабабини тушунмасликка олиб келади. Ҳолбуки инқироз ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ўзининг турлари, сифати, ҳажми бўйича талабга жавоб бермаслиги яъни муомаладаги пул миқдори билан товарлар ва хизматлар ҳажми, турлари ва сифати ўртасидаги нисбатнинг бузилиши сабабли келиб чиқади. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш эса бундай инқирозларнинг олдини олиш омили бўлиб хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони.

1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ИНФРАТУЗИЛМАСИ

Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини чуқур англаш учун энг аввало, ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг таркибий қисмлари билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қўлланилувчи барча ресурслар ишлаб чиқариш омиллари дейилади. Иқтисодиётнинг тизими ва шаклидан қатъи назар ишлаб чиқариш содир бўлиши учун учта омил: ишчи кучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари бўлиши шарт. Бундан кўринадики, ишлаб чиқариш омиллари, иқтисодий ресурслардан фарқли ўларок, ўз ичига фақат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бевосита иштирок этувчи унсурларни олади. Мисол учун, иқтисодий ресурсларнинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланган пул ресурслари истеъмол моллари захиралари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қўлланилмаганлиги сабабли, ишлаб чиқариш омили бўла олмайди. Ишлаб чиқариш омилларининг моҳиятини янада кенгроқ тушуниш учун уларнинг ҳар бирига алоҳида таъриф бериб ўтамыз.

Ишчи кучи деб инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндисига айтилади. Ишчи кучи меҳнат қобилиятига эга бўлган кишилар учун хосдир. Лекин ишчи кучи инсоннинг ўзи эмас ёки унинг меҳнати ҳам эмас, унинг меҳнатга бўлган қобилиятидан иборатдир.

Меҳнат қуроллари деб, инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметларига таъсир қиладиган воситаларга айтилади. Буларга турли хилдаги машиналар, станоклар, тракторлар, қурилмалар, ускуналар ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Меҳнат предметлари эса бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсалардир. Ер, сув, хомашё ва бошқа турли материаллар меҳнат предметининг асосий турларини ташкил этади. Меҳнат предметлари табиатда тайёр ҳолда учраши мумкин ёки олдинги даврдаги меҳнат маҳсули, яъни хомашё бўлиши мумкин. Масалан, табиатда ўсиб турган турли хил ўсимликлар, дарахтлар, ўрмонлар, ер ости бойликлари ва бошқалар табиатда тайёр учрайдиган меҳнат предмети бўлса, қазиб олинган темир, мис, кўрғошин, нефт, ишлаб чиқарилган пахта, ғалла, сут каби маҳсулотлар инсон меҳнати ишловидан ўтган хомашёлардир.


Меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари биргаликда ишлаб чиқариш воситалари деб юритилади. Бу эса меҳнат жараёнининг табиатидан келиб чиқади; шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш воситалари барча ижтимоий-иқтисодий тизимлар, инсоният тараққиётининг ҳамма босқичлари учун хосдир.

Ишлаб чиқариш омиллари инсоният тараққиётининг ҳамма босқичлари учун умумий бўлсада, бу омилларга турли адабиётларда турлича таъриф берилади. Жумладан, «Сиёсий иқтисод» дарсликларида ишлаб чиқаришнинг икки омили: моддий ва шахсий омиллари мавжудлиги тан олинади. Бунда меҳнат қуроллари ва меҳнат предметларидан иборат ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришнинг моддий омилини ташкил этади, ишчи кучи эса унинг шахсий омили деб юритилади. Ҳозирги бозор иқтисодиётига доир кўпчилик адабиётларда эса ишлаб чиқаришнинг тўрт омили: меҳнат, капитал, ер, тадбиркорлик қобилияти тан олинади.

Бу ерда ишчи кучи билан меҳнат ўртасидаги фарқни англаб олиш жуда муҳимдир. Чунки, **меҳнат инсоннинг, тўғрироғи ишчи кучининг маълум мақсадга қаратилган фаолияти жараёни бўлиб, ишчи кучи тушунчасидан**

тамомила фарқланади. Кўшгина адабиётларда эса уларга синоним (бир хил тушунча) сифатида қаралиб, бундай ҳолат кўплаб чалкашликларни келтириб чиқаради. Бизга маълумки, **ишчи кучи инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндисидир. Меҳнат эса барча омилларнинг биргаликдаги ҳаракати ишчи кучининг ишлаб чиқариш воситалари билан кўшилиши натижасида содир бўладиган ва маълум самара олишга қаратилган фаолиятдир.**

Шунинг учун биз меҳнат деган тушунчани эмас, балки ишчи кучи деган тушунчани ишлаб чиқаришнинг омили деб биламиз ва ишлаб чиқариш омиллари ишчи кучи, капитал, табиат ва тадбиркорлик қобилиятидан иборат деб таъкидлаймиз (1-расм).



1-расм. Ишлаб чиқариш омилларининг туркумланиши

Ишчи кучи инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти даврида инсон эмас, меҳнат жараёни ҳам эмас, балки ишчи кучи товар сифатида сотилади ва сотиб олинади. Ишчи кучининг бошқа товарлар каби қиймати ва нафлилиги мавжуддир ва бинобарин, унинг бозори ҳам мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган меҳнат бозори тушунчаси ўрнига ишчи кучи бозори, меҳнат ресурслари ўрнига ишчи кучи ресурслари дейилса тўғри ва тушунарли бўлар эди.

Капитал тушунчаси ҳам турли адабиётларда турлича талкин қилинади. Кўпчилик капитал тушунчасини тарихий тушунча деб қараб, унинг капитализмга хослигини исботлайди ва капитални ўз эгасига қўшимча қиймат келтирувчи қиймат, ўз-ўзидан кўпаювчи, ўсувчи қиймат деб ҳисоблайди. Айрим ғарб иқтисодчилари ҳам, масалан, Ж.Кларк, Л.Вальрас, И.Фишерлар капиталга даромад келтирувчи, фойда келтирувчи, фоиз келтирувчи қиймат деб қарайдилар.

Қатор ғарб иқтисодчиларининг жумладан, Д.Хайман, П.Хейне, Э.Долон, Ж.Робинсон, Р.Дорнбуш ва бошқаларнинг фикрини келтириб ва уларни умумлаштириб, проф. В.Д.Камаев ўзининг раҳбарлигида ёзилган дарслигида «ҳақиқатдан ҳам – капитал ўзидан ўзи кўпаювчи қиймат»¹ деб ёзади. Бундай фикр Д.Д.Москвин, В.Я.Иохин, А.Г.Грязнова, Е.Ф.Борисов ва бошқаларнинг раҳбарлигида нашр этилган қатор иқтисодиёт назарияси китобларида ҳам айтилади. Лекин, Америка ва Европа мамлакатларидан кириб келган «Экономикс» дарсликлари ва бошқа айрим адабиётларда капитални барча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қўлланиладиган моддий воситалардан, яъни ҳамма турдаги машиналар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, завод-фабрикалар, омборлар, транспорт воситалари ва бошқа шу кабилардан иборат деб кўрсатади, унга пул ва товарни киритмайди. Бундан кўриниб турибдики, айрим иқтисодчилар капиталистик иқтисодий тузумнинг социал моҳиятини очиш учун масалага бир томонлама қараб, ишлаб чиқариш омилларининг қийматиغا эътиборни кучайтирган. Иқтисодчиларнинг айримлари эса капитални бир томонлама қараб, унинг қиймат тарафини эътиборга олмасдан фақат моддий - ашёвий томонини кўрсатадилар ва капитал тушунчасининг тарихийлигини эътибордан четда қолдирадилар. Шунинг учун ҳам улар уни қотиб қолган

¹ Қаранг: Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004, 217-бет.

доимий, ўзгармас тушунча, - деб ишлаб чиқариш воситаларини (унинг фақат моддий-ашёвий томонини ҳисобга олиб) капитал деб атайдилар. Биз бу капитал тушунчасига бўлган икки томонлама ёндашувни бир танганинг икки томони, бир тушунчанинг, яъни капитал тушунчасининг икки томони: унинг бир томони моддий ва ашёвий кўриниши, иккинчи томони эса унинг қиймат кўриниши эканлигини эътиборга оламиз ва уни бозор иқтисодиёти шароитида капитал деб ишлатамиз. Биз капитал деганда ёлланма меҳнат томонидан ҳаракатга келтирилиб, ўз эгаларига даромад, фойда келтирадиган, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳаларида қўлланадиган ишлаб чиқариш воситаларини, сотишга тайёр турган товарларни, янги воситалар ва ишчи кучини сотиб олишга мўлжалланган пул маблағларини, уларнинг ашёвий томони ва қийматининг бирлигини тушунамиз. Бошқача қилиб айтганда, «капитал» ҳам қийматга, ҳам нафлиликка эга бўлган, маълум фойда олиш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган, ёлланма ишчи кучи томонидан ҳаракатга келтирилладиган воситалардир.

Ҳамма адабиётларда ерга деярли бир хил тушунча берилади, яъни ер деганда тупроқнинг унумли қатлами, ўтлоқлар, яйловлар, сув, ҳаво, ўрмон, қазилма бойликлар, умуман табиий ресурслар тушунилади. Маълумки, кейинги вақтларда қуёшдан, шамолдан энергия олинмоқда, ҳаводан фойдаланилмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ер деган сўз ўрнига табиат сўзини ишлатсак тўғри бўлар деб ўйлаймиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида катта эътибор берилладиган омиллардан бири тадбиркорлик қобилиятидир. **Тадбиркор деб иқтисодий ресурслар, яъни ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи ресурсларининг, табиий ресурсларнинг бир-бирига қўшилишини таъминлайдиган, ташкилотчи, янгиликка интилувчи, ташаббускор,**

иктисодий ва бошқа хавфдан, жавобгарликдан қўрқмайдиган кишиларга айтилади; бу хислатлар мажмуи эса тадбиркорлик қобилияти деб юритилади. Ҳозирги даврда айрим адабиётларда ахборот ва унинг воситаларини, экологияни ҳам алоҳида омил деб кўрсатадилар. Бизнинг фикримизча, улар табиат ва капитал омилларида ўз ифодасини топади. Шунинг учун уларни алоҳида омил деб қарашга ҳожат йўқ.

Ишлаб чиқариш омиллари ҳеч қачон бир жойда қотиб турмайди, балки у доимо сифат жиҳатидан ривожланиб, миқдор жиҳатидан ўсиб боради. Ишлаб чиқариш воситалари ҳам, ишчи кучи ҳам доимо ҳаракатда, ривожланишда бўлади. Илгариги оддий белкурак, кетмон, омоч-бўйинтириқ, болға ва болтага асосланган ишлаб чиқаришдан ҳозирги замон механизациялашган, автоматлашган, компьютерлашган, роботлашган ишлаб чиқаришгача келиш фикримизнинг далилидир.

Ишлаб чиқариш жараёнининг содир бўлиши учун унинг омиллари билан бир қаторда инфратузилмаси маълум даражада ривожланган бўлиши зарур. Чунки, шу инфратузилма бўлмаган, ривожланмаган жойда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг кўпгина турларини амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун улар бир-бирига мос равишда ривожланиб бориши зарур.

Миллий иқтисодиётининг тараққий этишида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг роли ҳисобга олинган ҳолда унинг иқтисодий категория сифатидаги мазмун-моҳиятини чуқурроқ тушунишни ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги ўрнини аниқлаб олишни тақозо этади.

“Инфратузилма” тушунчаси латинча “*infra*” – қуйи, ости ва “*struktura*” – тузилма сўзларидан пайдо бўлган (яъни, “остки тузилма” ёки “қўшимча” маъносига талқин қилиш мумкин). XX аср бошларида бу атама орқали куроли кучларнинг ҳаракатини таъминловчи фронт орти


иншоотлар мажмуи ифодаланган (моддий воситалар омборлари, ҳарбий базалар, полигонлар ва ҳ.к.). 40-йилларнинг ўрталаридан бошлаб мазкур тушунча ғарб иқтисодий фанига, кейин эса амалий иқтисодиётга кириб келди. У орқали саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи хўжалик тармоқлари мажмуи тушунила бошланди¹.

Юқоридаги бир қатор фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, **ишлаб чиқариш инфратузилмаси деганда асосий ишлаб чиқариш соҳасига хизмат қилувчи, яъни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг нормал амал қилиши учун зарур бўлган умумий шарт-шароитларни яратувчи ва таъминловчи объектлар мажмуини тушунилади.**

Бундан кўринадики, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг табиати асосий ишлаб чиқаришга ёрдамчи хизматлар кўрсатувчи субъектларни мунтазам ажратиб бориш ҳамда тармоқдаги алоҳида корхоналар кўринишида ташкил этиш орқали намоён бўлади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналари асосий ишлаб чиқаришга нисбатан иккиламчи даражани намоён этиб, ўз тараққиётида доимо товар ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган бўлади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси иқтисодий тизимда такрор ишлаб чиқариш барча фазаларининг (ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол) бирлигини, унинг узлуксиз амал қилишини таъминлаб, иқтисодий тизим амал қилиши ва ривожланишининг бевосита ва мажбурий шартларидан бирига айланади.

Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг инфратузилмасининг бир-бири билан боғлиқлигини ва ўзаро таъсирини қуйида ифода этиш мумкин (2-расм).

¹ Комаров М.П. Инфраструктура регионов мира. – М.: 2006. – С.20.



2-расм. *Ишлаб чиқариш жараёни ва инфратузилмасининг бир-бири билан боғлиқлиги ва ўзаро таъсири*

Миллий иқтисодий модернизацциялаш ва диверсификациялаш, унинг мутаносиб ва барқарор ўсишини таъминлаш кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланганлик даражасига боғлиқ.

Мана шу сабабларга кўра, иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида умуман инфратузилмани, хусусан ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шунга кўра, кейинги йилларда Ўзбекистонда ишлаб чиқариш инфратузилмасини, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Жумладан, замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, шу асосда иқтисодий изчил ва барқарор юксалтириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрда “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-1446-сон Қарори билан маъқулланган “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Дастури қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, бу дастурни амалга ошириш мақсадида 85 та инвестиция лойиҳасини жорий этиш ва бу ишларга барча манбалар ҳисобидан қарийб 7 млрд дол. йўналтириш мўлжалланган бўлиб, улар тез суръатлар билан амалга оширилди. Бу чора-тадбирларнинг барчаси пировардида мамлакатимиз иқтисодийнинг жадал суръатлар билан ўсиши учун замин яратади.

Ҳозирги даврда мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан иқтисодий жадал ривожлантириш, уни модернизацциялаш ва диверсификациялаш шароитида мазкур йўналишга яъни ишлаб чиқариш инфратузилмасига

алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида “Йўл-транспорт ва коммуникация қурилишини янада ривожлантириш, иқтисодий-ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш”¹ вазифалари белгиланган. Бундай алоҳида эътиборнинг бир қатор сабаблари бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

1) инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни жойлаштириш ва бутун иқтисодий тараққий эттириш учун зарур қулай шарт-шароитлар яратиши, мамлакатимизнинг турли минтақа ва ҳудудларида мавжуд бўлган бой минерал-ҳомашё ресурсларини ўзлаштириш имкониятларини кенгайтириши;

2) ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқаришдаги умумий ҳаракатларни камайтиришнинг муҳим шarti ва омили ҳисобланиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бутун иқтисодий тизимнинг рақобатбардошлигини ошириши;

3) ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви, энергия билан таъминлаш, ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилиши;

4) инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қиладиган кенг кўламли соҳа ҳисобланиб, янги иш ўринларини ташкил этиш, ишчи кучи бандлигини таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш имконини бериши ва ҳ.к.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг айрим турлари ва йўналишларини жадал ривожлантириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

бўйича белгиланган вазифалар ва уларнинг бажарилиши ҳақидаги айрим жараёнларни келтириб ўтамиз.


Иқтисодиётнинг умумий ривож, аҳоли барча қатламларининг ҳаёт сифати йўл хўжалиги тизимининг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ. Мамлакатимизда кўп йиллардан бери умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бошқариш тизими, автомобиль йўллари сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларига йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги ҳамда ана шу йўлларнинг бугунги кундаги ҳолати билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳал этилмасдан қолаётган эди. Мамлакатимизда автомобиль йўллари тармоғи бўйича юзага келган ҳақиқий ҳолат ва ривожланиш даражаси йўл хўжалигининг барча йўналишига доир аниқ ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишни, автомобиль йўллари бошқаришда ҳамда иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжларига мувофиқ республикамизда йўл тармоғи ҳолатини сифат жиҳатидан ўзгартиришга қаратилган кўшимча чоралар қабул қилишни тақозо этиб турган эди.

Президентимизнинг 2017 йил 14 февралдаги “Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси (“Ўзавтойўл” ДАК) тугатилиб, унинг негизда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитаси ташкил этилди, кўмитанинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланди.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Йўл-қурилиш ишларининг сифати устидан назорат олиб борадиган Давлат назорати ташкил этилди. Мазкур Давлат назорати ҳуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан йўл қурилиши ишларида, йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкция-

ларни ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини назорат қилади. Қурилиши тугалланган йўл объектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида қатнашади. Йўл қурилиши бўйича шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилиниши устидан назорат қилишни ташкил этиш борасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифлар киритиш ва унда иштирок этади. Йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишларини олиб боради. Шунингдек, фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилиб, унинг асосий вазифалари белгиланди.

Мамлакатимиздаги минтақавий автомобиль йўлларининг йўл қопламалари ҳолатини зарур даражага келтириш ва уларни эксплуатация қилиш хусусиятларини ошириш орқали йўл-транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳаёт фаолияти учун, айниқса, қишлоқ жойларда қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини ва ҳудудларини истиқболли ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур дастурга мувофиқ 2017-2018 йилларда 5454 км (2017 йилда – 2700 км, 2018 йилда – 2754 км) хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овулларнинг кўчаларини капитал ва жорий таъмирланади. Хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овулларнинг кўчаларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун минтақавий йўлларни таъмирлашга ихтисос-



лаштирилган ташкилотлар 330 та йўл техникаси билан таъминланади. Мавжуд республика хўжаликлараро кишлок автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, кишлок ва овуллар кўчаларини босқичма-босқич хатловдан ўтказиш ва уларни паспортлаштириш, бу борадаги ишлар натижалари бўйича электрон маълумотлар базаси яратилмоқда.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 295 км, Андижон вилояти бўйича – 324 км, Бухоро вилояти бўйича – 439 км, Жиззах вилояти бўйича – 222 км, Қашқадарё вилояти бўйича – 679 км, Навоий вилояти бўйича – 216 км, Наманган вилояти бўйича – 309 км, Самарқанд вилояти бўйича – 479 км, Сурхондарё вилояти бўйича – 535 км, Сирдарё вилояти бўйича – 267 км, Тошкент вилояти бўйича – 516 км, Фарғона вилояти бўйича – 520 км, Хоразм вилояти бўйича – 321 км ва Тошкент шаҳри бўйича – 332 км йўллар ва кўчаларни таъмирлаш назарда тутилган.

Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида, аввало, йўл хўжалигини бошқариш тизими такомиллаштирилиб, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг замонавий тармоги янада ривожлантирилади. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларига йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги оширилади. Буларнинг барчаси иктисодиётимиз ривожига, шаҳар ва кишлокларимизни янада обод қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришга хизмат қилади.

Ундан ташқари Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги қарори билан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг пойтахтимиз атрофини тўлиқ камраб олувчи темир йўл линиясини қуриш ҳамда йўловчи поездлар қатновини йўлга қўйиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тасдиқланди. Мазкур темир йўл

шаҳар транспорт-коммуникациясини такомиллаштириш, экология, мусаффолигини таъминлаш, аҳолига қўшимча қулайлик яратиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Қолаверса, у пойтахтда бунёд этилаётган йўлсозлик ишлари билан ҳамоханг олиб борилади. Автомобиль ҳалқа йўли бўйлаб бунёд этиладиган линиянинг бир тарафлама узунлиги 71 км 200 м ни, жами узунлиги эса қарийб 145 км ни ташкил қилади.

“Boshtransloyiha” акциядорлик жамияти мутахассислари хорижнинг илғор тажрибасини пухта ўрганган ҳолда тайёрлаган лойиҳада ҳаракат хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилган. Электрлаштирилган янги темир йўлда 26 та тўхташ пункти бунёд этилади. У Бўзсув, Салар каналлари устидан ўтиши сабабли 70 та икки томонлама кўприк ва йўлўтказгичларни ўз ичига қамраб олади ҳамда улар поездларнинг хавфсиз ҳаракатланишига мослаштирилади. Шунингдек, лойиҳа доирасида бир нечта электр узатиш станциялари, Яшнобод туманида эса электропоездларга хизмат кўрсатувчи депо курилади. Ҳар бир тўхташ пункти транспорт инфратузилмасига мос равишда қад ростлайди. Яъни уларда кутиш ҳудуди, махсус айвонлар барпо этилиши баробарида, бошқа зарур хизматлар ҳам ташкил қилинади. Тўхташ пунктлари томонлари 5 та вагонга мўлжалланган 120 м узунликдаги платформа билан таъминланади. Лойиҳа амалиётга киритилгач, тирбандлик туфайли юзага келадиган кўплаб ноқулайликларнинг олди олинади. Яъни у нафақат шаҳар ичидаги транспорт воситалари ҳаракатини енгиллаштиради, балки пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари масофасини ҳам қисқартиради.

Шунингдек, 2017 йилда «Қарши-Термиз» темир йўл линиясини электрлаштириш, «Бухоро-Мискин» янги темир йўл линиясини куриш ишлари бажарилмоқда. 2017-2019 йилларда Поп-Наманган-Андижон темир йўл участкаси

электрлаштирилади, темир йўллар қайта тикланади, йўловчи вагонлар таркиби янгиланади.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг муҳим йўналишларидан бири ахборот ва коммуникациялар тармоғидир.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан ўтказилган ўрганиш натижаларига кўра, ҳозирги пайтда дунёда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) инновацияларнинг ривожланишида, мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётни диверсификация қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолининг ҳаёт даражасини оширишда муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда АКТнинг ривожланиш ҳолати ва мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ўртасидаги боғлиқлик илмий жиҳатдан исботланган бўлиб, кўпчиликка маълум.

Мамлакатимизда сўнги йилларда айниқса, 2017 йилда АКТни барча ижтимоий-иқтисодий тармоқларга, жумладан давлат бошқарувида ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида жорий қилиш бўйича босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилди. Бу ўз ўрнида мамлакатимизда электрон ҳукумат тизимини жорий қилишда сезиларли натижаларга эришиш имконини берди. Жумладан, АКТни кенг қўллаш натижасида халқ билан давлат ўртасида алоқа ўрнатишнинг самарали тизими жорий қилинди.

Бироқ аксарият ривожланган давлатларга таққослаганда Ўзбекистонда ахборот технологияларининг бугунги ҳолати, уларни иқтисодиёт соҳасига жорий қилиш, шунингдек экспорт даражаси паст бўлиб қолмоқда, рақобатбардош ахборот технологиялари соҳасини шакллантиришда мамлакатимизнинг илмий-тадқиқот салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бу ўз навбатида давлатимизнинг халқаро рейтингига ўз таъсирини кўрсатмоқда. АКТнинг жадал ривожланиши янги имкониятларни очиб берар экан, давлат

томонидан кенг қўламли қўллаб-қувватлашни ҳамда республиканинг халқаро АКТ бозоридаги ўрнини кучайтиришни талаб қилади.

Шу боис 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида 2017 йилда мамлакатимиз ҳудудларида 2300 км оптик толали алоқа линияларини қурилди. Бу ишларга 5,7 млн. дол. йўналтирилди. Натижада, мамлакатимиз аҳолисининг юқори тезликда Интернетга уланиши, мультимедиа ва IP-TV хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

2017-2018 йилларда амалга ошириладиган, 44,7 млн. дол.лик Коммутация марказларини IMS технологияси асосида модернизация қилиш лойиҳаси натижасида шаҳарлараро автоматик телефон станциялар сифимлари 17152 та Е1 портга оширилади.

2017 йилдаги яна бир лойиҳа – республика ҳудудларида мобиль алоқа операторларининг 1843 та база станцияларини ўрнатиш ишларига 115,2 млн. дол. йўналтирилмоқда. Бу билан мобиль алоқа операторларининг тармоқлари қамрови ҳудудларини кенгайтиришга эришилади. Шунингдек, бу йилда мамлакатимиз ҳудудларида 66 та юқори қувватли ва 328 та кам қувватли рақамли телевидение узаткичларини ўрнатиш ва ишга тушириш мўлжалланган. Бу лойиҳанинг қиймати 62,5 млн. дол. бўлиб, натижада, халқимизни, шу жумладан, тоғли ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси 100 фоизга етказилади.

Президентимизнинг 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган.

Мазкур фармон билан мамлакатимизда биринчи мартаба ахборот технологиялари соҳасида хўжалик юри-тувчи субъектларни, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқа-рувчиларни бирлаштирадиган Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази тузилди. Инновация маркази мамлакатимиз ҳудуди доира-сида экстерриториаллик тамойили асосида ташкил қилинди, яъни АКТ соҳасидаги корхоналар республикада жойлашган ҳудудидан қатъи назар, Инновация маркази резидентлари бўлиши мумкин. Ушбу тамойил мамлакатда АКТ маҳсулот-ларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Фармонга мувофиқ Инновация маркази рези-дентларига қатор имтиёз ва преференциялар берилди. **Биринчидан**, 2028 йилнинг 1 январигача улар барча тур-даги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбу-рий ажратмаларни, шунингдек ягона ижтимоий тўловни тўлашдан, белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат-лар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарил-майдиган, ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технологик хуж-жатлар, дастурий таъминот воситалари учун божхона тўлов-лари тўлашдан (божхона йиғимларидан ташқари), ўзи ишлаб чиқарадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотишдан озод этилди.

Иккинчидан, Инновация маркази резидентларига ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишдан тушган пул маблағлари доирасида ходимларга иш ҳақи ва дивидендларни халқаро тўлов қарталарига ўтказиш йўли билан нақд бўлмаган шаклда Ўзбекистон

Республикаси ҳудудида ҳисоб-китобларни чет эл валюта-сида амалга ошириш, шунингдек экспорт контракти мавжуд бўлмаган ҳолда Интернет тармоғидаги онлайн дўконлар орқали ишлар ва хизматлар экспортини чет эл валютасида амалга ошириш ҳуқуқи берилди. **Учинчидан**, Инновация маркази резидентларининг ходимлари учун кўшимча имтиёзлар, жумладан 2028 йилнинг 1 январига қадар олинган меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар 7,5 фоиз миқдордаги қатъи белгиланган ставка бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 4,5 фоизли ставка бўйича фуқароларнинг суғурта бадалларига тортилиши кўзда тутилган. Бунда ушбу даромадлар солиқ солиш мақсадида белгилан-диган жисмоний шахсларнинг умумий йиллик даромадлари ҳажмига киритилмаслиги белгилаб қўйилди. Мазкур фармоннинг амалга оширилиши ахборот технологиялари-нинг янада ривожланиши, АКТ соҳасида мутахассислар-нинг иштирокини кенгайтириш, илмий-тадқиқот ташкилот-ларининг ҳамда олий таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигини таъминлаш учун зарур таш-килий-техник ва иқтисодий шарт-шароитларни яратиш, шунингдек мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оши-риш имконини беради.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантиришни энергия ва унинг манбаисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Халқаро экспертларнинг фикрича, дунёда муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларини излаб топиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, бунда, аввало, қуёш, шамол, тўлқинлар каби қайта тикланувчи энергия манбала-ридан фойдаланишга қизиқиш жадал ўсиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби – жаҳон иқтисодиётида энергияга бўлган талабнинг йил сайин ортиб бораётганида. Боз устига, табиий газ, нефть, кўмир каби анъанавий табиий ресурслар захиралари кескин камайиб кетмоқда, уларнинг янги

манбаларини ўзлаштириш тобора қийинлашмоқда. Бугун энергия ресурслари манбаларига эга давлат наинки чексиз даромад олиш, балки халқаро майдонда ўз мавқеи ва таъсирини ошириш имконига ҳам эга бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимизда жадал ва барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида тикланувчи энергия ресурсларининг барча турларини оммалаштиришга, хусусан, биоэнергия, гидроэнергия, куёш ва шамол энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш, энергетик хавфсизликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов 2013 йил ноябрда пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё Куёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишидаги нутқида Ўзбекистонда куёш энергиясининг ялпи салоҳияти 51 млрд тонна нефть эквивалентидан ортиқ эканини, ана шу ресурслар ҳисобидан мамлакатимизда истеъмол қилинадиган электр энергиясидан 40 баробар кўп ҳажмдаги электр энергияси ишлаб чиқариш мумкинлигини таъкидлаганди.

Ўтган йиллар давомида бу борада кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, Биринчи Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2015 йил 5 майдаги “2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан энергия самарадорлиги ва энергиянинг қайта тикланувчи манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссияси ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги таркибида республика комиссиясининг ишчи органи сифатида энергия самарадорлигини ошириш бўлими ташкил этилди. Тошкент шаҳрида Куёш энергияси халқаро институти фаолият кўрсата бошлади.

Осиё тараққиёт банки кўмагида Ўзбекистонда қуёш энергетикасини ривожлантиришнинг “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Наманган вилоятининг Поп туманида Корея Республикасининг Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги кўмагида 2014 йилнинг декабрь ойида қуввати 130 кВт бўлган қуёш фотоэлектрик станцияси қурилди ва ишга туширилди. Ушбу станция ягона электр энергетикаси тармоғига уланган ва йилига 234.3 минг кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга. Сурхондарё, Наманган ва Навоий вилоятларида йирик қуёш фотоэлектрик станцияларини қуриш бўйича лойиҳалар тайёрланмоқда. Жаҳон банки иштирокида Ўзбекистон Республикасининг шамоллар Атласи ишлаб чиқилди, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида қуввати 750 кВт бўлган тажрибавий шамол энергоқурилмасини қуриш бўйича инвестиция лойиҳалари яқунловчи босқичига кирди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни жадал ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор ўз ечимини қутаётган масалалар мавжуд. Хусусан, мамлакатимиз ҳудудларида қайта тикланувчи энергия манбалари энергиясидан фойдаланиш бўйича захиралар тўлалигича ишга солинмагани улар бўйича ҳудудий манзилли дастурлар ишлаб чиқилиши заруратни юзага келтирди. 2030 йилга бориб 2016 йилга нисбатан яппи ички маҳсулотнинг энергия сифимини икки баробарга қисқартириш бўйича қўйилган топшириқларни ҳисобга олган ҳолда, корхона ва ташкилотларга энергия сарфи ҳажминини қисқартириш бўйича аниқ мақсадли параметрларни белгилаш ҳам кун тартибидаги масаладир.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 26 майда “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини

ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ иккита вазифани ҳал этиш орқали иқтисодиётни энергия ресурслари билан таъминлаш назарда тутилмоқда.

Биринчи вазифа – қайта тикланувчи энергия ресурсларидан кенг фойдаланиш орқали ёқилғи балансини диверсификациялаш бўлиб, бунда анъанавий ёқилғи турлари қайта тикланадиган энергия турларига алмаштирилиши ҳисобига уларнинг электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришдаги ҳиссасини камайтиришга эришилади.

Иккинчи вазифа – иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришнинг энергия сизимини қисқартиришнинг узоқ муддатли дастурини амалга ошириш бўлиб бунга саноат фаолияти ҳудудларининг экологик ҳолатини яхшилаш орқали эришилади.

Яқин истикболда устувор вазифа сифатида иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сизимини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергияни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш кўзда тутилмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан жадал фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш иссиқлик ва электр энергияси каби энергиянинг саноат турларини олишни таъминлашга йўналтирилган бўлиб, бу углеводородларнинг ўрнини босишга ва уларни юқори ликвидли маҳсулотлар, хусусан, полимерлар, ёқилғининг синтетик турларини ишлаб чиқаришга йўналтириш имконини беради.

Қарор билан қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари тасдиқланди. Бунда 2025 йилга келиб электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватлари таркибида қайта тикланувчи энергия манбаларининг ҳиссасини 12,7 фоиздан 19,7 фоизга (жумладан, гидроэлектростанциялар бўйича 12,7 фоиздан 15,8 фоизга,

куёш энергетикаси бўйича 2,3 фоизга, шамол энергетикаси бўйича 1,6 фоизга) етказиш кўзда тутилмоқда. Қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг рўйхати шакллантирилди. Бунга кўра 2017-2025 йилларда умумий қиймати 5,3 млрд дол. бўлган 810 лойиҳа амалга оширилади.

2017-2021 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, манзилли дастурлар ишлаб чиқиш ва бошқа устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича 28 та чора-тадбир кўзда тутилган. Шу даврда иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришнинг энергия сарф ҳажмини қисқартиришнинг мақсадли параметрлари, бунда 25 та йирик ташкилот ва корхона бўйича саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришда энергия сарфининг солиштирма нормаларини қисқартиришнинг прогноз кўрсаткичлари белгиланган.

2017-2021 йилларда бюджет ташкилотларида энергия истеъмоли жиҳатидан самарадор иситиш қозонларини жорий қилиш жадвалига кўра, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 6333 та бюджет ташкилотининг 17251 та иситиш қозонини алмаштириш кўзда тутилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари насос станцияларида энергия истеъмоли жиҳатидан самарадор насослар ва электродвигателларни жорий қилиш графиги, бунда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотларида 879 та насос ва 1523 та электродвигателни алмаштириш режалаштирилган. Ушбу ишларни молиялаштириш учун 2017-2021 йилларда давлат бюджетидан 314,1 млрд сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 1 июнда қабул қилинган “Қайта тикланувчи энергия бўйича Халқаро агентлик Уставини (Бонн, 2009 йил 26 январь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борадаги ишларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлади. Мазкур қонун мамлакатнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларни янги стратегик босқичга олиб чиқишга, кенг қамровли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, янги бозорларни ўзлаштириш, шунингдек, энергия тежовчи технологияларни ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз энергетика стратегиясининг муҳим вазифаларидан бири— энергия тежамкорлигини рағбатлантириш ҳисобланади. Бугунги кунда ёритиш тизимларида чўғланма лампалардан фойдаланиш аста-секин тўхтатилиб, люминецент ёки светодиод лампалардан фойдаланишга ўтилмоқда. Чўғланма лампалардан фойдаланиш — энергия тежамкорлик нуқтаи-назаридан бугун самарасиз амалиёт ҳисобланади. Чунки уларнинг фойдали иш коэффициенти 5 фоиздан камроқни ташкил этади. Бу электр энергиясининг 95 фоизи иссиқликка, фақатгина 5 фоизи ёритишга сарфланишини англатади. Меъёр бўйича ишлаш муддати 1 минг соатга яқин.

Энергия тежайдиган лампаларнинг ишлаш давомийлиги чўғланма лампаларга нисбатан 10 баробарга кўпроқ бўлиб, ёруғлик самарадорлиги 4-5 баробар юқори. Агар ёритиш ускуналарининг энергия самарадорлиги кўрсаткичи чўғланма лампаларда 1 ватт электр қувватига 13 люмен/ваттдан кам бўлмаган миқдорни ташкил этса, люминецент лампаларда 65 люмен/ваттни, светодиод лампаларда 110 люмен/ваттни ташкил этади.

Бугун «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти таркибидаги “EGL-NUR” Ўзбекистон – Жанубий Корея кўшма корхонасида ойига бир неча турдаги 200 минг дона светодиод лампа ва 1000 дона ёритгич ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу тежамкор лампалардан фойдаланиш муддати 30 минг соатдан ортиқ. Бу оддий чўғланма лампадан 30 баробар кўп дегани. Оддий чўғланма лампага нисбатан 9-10 баробар кам энергия сарфлайди. Светодиод лампалар ҳисобидан хонадонларда энергия сарфи бир неча баробар камаймоқда. Бу аҳоли турмуш даражасини яхшилаш билан бирга, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон – гидроэнергетика ресурсларига бой мамлакат. Бу борада республикада ўзлаштирилиши мумкин бўлган гидроэнергетика ресурслари йилига 27,4 млрд киловатт/соат электроэнергия ишлаб чиқариш ҳажмига тенглигини айтишнинг ўзи кифоя. Шу билан бирга, ҳозирда мамлакатимиз гидроэнергетика салоҳиятининг атиги 6,5 млрд киловатт/соати ёки 23,7 фоизи ўзлаштирилган, холос.

Гидроэнергетика ресурслари табиий, экологик тоза ва қайта тикланувчи энергия манбаи бўлгани сабабли улардан фойдаланишни ҳар томонлама кенгайтириш республикамизнинг замонавий тараққиёт стратегиясига мосдир. Бу саноат ва коммунал корхоналари, қишлоқ хўжалиги ва ҳудудларда аҳолининг электр энергиясига бўлган ошиб бораётган эҳтиёжини кафолатли қоплашни, мамлакатимиздаги органик ёқилғи захираларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тежашни, шунингдек, атроф-муҳитга зарарли чиқиндилар чиқарилиши камайтирилишини таъминлайди.

Президентимизнинг 2017 йил 2 майдаги қарори билан 2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. Мазкур дастур республикамизнинг гидроэнергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиш, электр энергия ишлаб чиқариш

таркибида қайта тикланувчи гидроэнергетик ресурслар улушини ошириш имконини беради. Янги экологик тоза ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ҳамда мавжуд гидроэлектростанцияларни техник ва технологик қайта жиҳозлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон гидроэнергетика соҳаси 36 та гидроэлектростанцияларни ўз ичига олади. Улардан 25 таси қирқ-саксон йил муқаддам ишга туширилган ва ўзининг техник ресурсларини деярли ўтаб бўлган, асбоб-ускуналар ва иншоотлар модернизация ва реконструкцияга муҳтождир. Қолаверса, гидроэлектростанцияларнинг йилига ўртача 5,2 млрд киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга 28 таси “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти тизимига кирса, йилига ўртача 1,3 млрд киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга 8 та гидроэлектростанция Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги «Ўзсувэнерго» бирлашмаси тасарруфида эди. Бу каби бўлиниш пировардида гидроэнергетика соҳасини техник бошқаришнинг зарурий яхлитлигини таъминламаслиги табиий.

Шу боис бу борадаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги фармони билан “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти таркибига кирган ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг “Ўзсувэнерго” бирлашмасига қарашли бўлган барча гидроэлектростанцияларни бирлаштирувчи “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти ташкил этилди.

Буларнинг натижасида республикамызда мавжуд барча гидроэлектростанцияларнинг моддий-техник базасини ва уларга хизмат кўрсатувчи қурилиш, монтаж, таъмирлаш, созлаш, илмий-лойиҳалашгириш ташкилотларини ягона гидроэнергетика соҳасига бирлаштириш имкони пайдо бўлди. Натижада, электр энергиясини ишлаб чиқариш

тартиби мувофиқлаштирилиб, гидроэлектростанцияларнинг асбоб-ускуналари ва иншоотларидан кўп йиллик хавфсиз фойдаланиш стратегияси амалга оширилади. Бу чоратadbирлар мавжуд табиий салоҳият ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабат орқали республикамизда сув ва энергетика манбалари комплекс ўзлаштирилишини таъминлаш, энергетика, сув хўжалиги, ирригация, ичимлик суви ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида улардан оқилона фойдаланишга хизмат қилади. Энг муҳими, мазкур амалий ишлар мамлакатимизнинг энергетика мустақиллигини кучайтириш, мавжуд гидроэлектростанциялардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш, юқори маневрли ва самарали янги электр энергияси ишлаб чиқариш ташкилотларини яратиш орқали Ўзбекистонда ягона гидроэнергетика соҳасини яратиш йўлида улкан қадам ҳисобланади.

Шундай қилиб ишлаб чиқариш омиллари ҳам унинг инфратузилмаси ҳам бир жойда қотиб турмайди, балки доимо ривожланишда бўлади. Айниқса, ҳозирги даврда уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, тез ривожлантирилмоқда ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантиришга база яратилмоқда.

2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИНГ МАЗМУНИ

Жамиятнинг иқтисодий асосини, инсон ҳаётининг фаолиятининг манбаини тушуниш учун ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини билиш зарур.

Ишлаб чиқариш жараёни – бу кишилик жамиятининг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятдир. Моддий ва маънавий неъматлар яратиш, турли хизматлар кўрсатиш жараёни кишилар иқтисодий фаолиятининг асосий томонидир.

Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш, биринчи навбатда, меҳнат жараёнидир ёки бошқача қилиб айтганда, табиатдаги бор нарсаларнинг кўринишини ўзгартириб, ўзининг истеъмоли учун мувофиқ ҳолга келтириш учун қилинган меҳнат фаолиятидан иборатдир. Масалан, кишилар табиатда мавжуд бўлган ердан фойдаланиб турли хил дехқончилик, чорвачилик маҳсулотларини етиштирадидлар. Ўрмонлардаги дарахтлардан фойдаланиб, уларнинг шаклини ўзгартириб, турли хил ёғоч буюмлар ясаидилар, уйлар курадидлар. Ер бағрида (конларда) мавжуд бўлган турли рудалар (темир, мис, рух, қўрғошин ва ҳ.к.), минерал хомашёлардан фойдаланиб, ўзлари учун зарур истеъмол буюмлари, ишлаб чиқариш воситалари яратадидлар. Ана шу меҳнат жараёнида кишилар, энг аввало, табиат билан, унинг кучлари ва ашёлари билан ҳамда ўзаро бир-бирлари билан маълум муносабатда бўладидлар.

Мамлакатимиз биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек, “хомашёни жаҳон бозорида талаб қатта бўлган маҳсулотга айлантириш учун қайта ишлашнинг 3-4 босқичли тизимига ўтишимиз зарур. Бу тизимнинг маъно-моҳияти шундан иборатки, у **биринчи босқичда** хомашёни дастлабки қайта ишлаш, яъни ярим фабрикатлар тайёрлаш, **кейинги босқичда** саноат асосида ишлаб чиқариш учун тайёр материалларга айлантириш, **учинчи, якуний босқичда** эса истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни назарда тутати.


Бу борадаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳар бир турдаги бирламчи хомашё, яъни ярим фабрикатларни чуқур қайта ишлашдан тортиб, уни истеъмол учун тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган якуний

босқичга қадар бутун ишлаб чиқариш жараёнини кузатиб бориш зарурати пайдо бўлмоқда”¹.

Кишилар ўзларининг онгли, мақсадга мувофиқ унумли меҳнати билан табиат моддаларининг шаклларини ўзгартирадилар ва истеъмол учун зарур бўлган маҳсулотни вужудга келтирадилар. Меҳнат жараёнида кишилар ҳамда табиат ўртасидаги моддалар алмашинуви билан бирга инсоннинг ўзи ҳам ҳар томонлама камол топиб боради, яъни кишилар ўзининг меҳнатга бўлган қобилиятини, билимини оширади ва уларни амалда қўллашни кенгайтириб боради. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш жараёни истеъмол қийматларни вужудга келтириш учун мақсадга мувофиқ қилинадиган ҳаракатдир, табиат яратган нарсаларни инсон истеъмоли учун ўзлаштириб олишдир, инсон билан табиат ўртасидаги модда алмашувининг умумий шартидир, инсон ҳаётининг абадий табиий шароитидир.

Ишлаб чиқаришнинг **таркибий тузилиши** муҳим аҳамият касб этиб, у турли соҳалар, бўлинмалар, яратилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар турларини ифодалайди. Энг аввало, ишлаб чиқаришни **моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларига ажратиш лозим (3-расм).**

¹ И.Каримов. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.



Хизмат кўрсатиш соҳаси

3-расм. *Ишлаб чиқаришнинг таркибий тuzилиши*

Ўз навбатида моддий ишлаб чиқариш соҳаси **моддий неъматларни ишлаб чиқариш** (масалан, автомобиль, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар ва х.к.) ва **моддий хизматлар кўрсатиш** (транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат ва бошқалар)дан иборат бўлади.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳаси ҳам **номоддий неъматларни ишлаб чиқариш** (масалан, мусиқа асарлари, бадиий ва илмий асарлар, ихтиро ва кашфиётлар) ва **номоддий хизматлар кўрсатиш** (хуқукий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)га ажралади. Бу соҳалар бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланади ва бир-бирига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида моддий товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ЯИМдаги мутлақ миқдори ва нисбий улуши ҳисобга олинади. Улар қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистон ЯИМда товарлар ва хизматлар улуши
(жорий нархларда)¹**

Кўрсаткичлар		Ялпи ички маҳсулот	Шу жумладан:		
			Ишлаб чиқарилган товарлар қиймати	Кўрсатилган хизматлар қиймати	Соф солиқлар
2000	млрд. сўм	3194,5	1614,2	1173,9	406,4
	%	100	50,5	36,8	12,7
2008	млрд. сўм	36839,4	16725,1	16688,2	3426,1
	%	100	45,4	45,3	9,3
2012	млрд. сўм	96589,8	40084,8	49036,5	7468,6
	%	100	41,5	50,8	7,7
2014	млрд. сўм	145846,4	54611,8	78754,4	12480,2
	%	100	37,4	54,0	8,6
2015	млрд. сўм	171369	62924,9	93367	15077,1
	%	100	36,7	54,5	8,8
2016	млрд. сўм	198871,6	90822,8	87230,3	20818,5
	%	100	45,7	43,9	10,5
2017	млрд. сўм	249136,4	118025,9	105803,9	25306,6
	%	100	47,4	42,5	10,2

¹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Жадвалдан кўринадик, 2000 йилда ЯИМ ҳажмининг 50,5 фоизини ишлаб чиқарилган моддий товарлар ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб эса бу кўрсаткич 47,4 фоизни ташкил этди. Бундан кўришимиз мумкинки, кейинги даврларда ишлаб чиқариш ҳажми тўхтовсиз ўсиб бориш билан бир қаторда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасига кенгроқ этибор бериши натижасида ЯИМ таркибида моддий ишлаб чиқаришнинг улуши нисбатан пасайиб, номоддий ишлаб чиқариш улуши эса ўсиб бормоқда.

Ишлаб чиқарилган моддий товарлар ва хизматлар таркибининг ўзгаришига қарамай ЯИМ ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. ЯИМнинг изчил ўсиб бориши янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилиши ёки эскиларининг кенгайтирилиши эвазига содир бўлмоқда. Масалан, 2015 йилда Тошкент иссиқлик электр станциясида 370 мегаватт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмаси барпо этилди, Чорвоқ ГЭСи гидрогенераторлари модернизация қилинди, Қўнғирот сода заводида кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш кенгайтирилди, «Самарқандкимё» акциядорлик жамиятида 240 минг тонна қувватга эга бўлган мураккаб таркибли янги ўғитлар ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Шунингдек, «Мотор заводи» акциядорлик жамиятининг фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонларида трактор тиркамалари, жумладан, катта ҳажмли тиркамалар, маиший техника учун таркибий қисмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилди¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Бош мақсадимиз – мавжуд кийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни,

Шу билан бирга мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси сезиларли равишда ривожланиб бормоқда. Республика ЯИМдаги хизмат кўрсатишнинг улуши 2000 йилда 36,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 54,0 фоизни, 2015 йилда эса 54,5 фоизни ташкил қилди. Бу эса мамлакатимизда кейинги йилларда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш учун олиб бораётган комплекс тадбирлар каторида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган Давлат дастурларининг амалга оширилиши натижаси ҳисобланади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаси ўз навбатида икки бўлинмадан иборат бўлиб, биринчи бўлинмада **ишлаб чиқариш воситалари** (станок, машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, хомашё ва турли материаллар) яратилса, иккинчи бўлинмада эса **истеъмол буюмлари** ишлаб чиқарилади.

Биринчи бўлинмада ишлаб чиқаришдан чиққан товарлар шу йилнинг ўзида иккинчи бўлинмада ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаб чиқариш воситаси сифатида ишлатилиши мумкин, иккинчи бўлинмада яратилган товарлар ва номоддий соҳа хизматлари ўз навбатида биринчи бўлинма учун зарурдир. Шунинг учун улар ўргасида доимо товар айирбошлаш ва бошқа иқтисодий алоқалар содир бўлиб туради.

Сарфланаётган меҳнат икки хил тавсифга эга бўлганлиги учун ҳар қандай маҳсулот, шу жумладан, бозор шароитидаги ёки унга ўтиш давридаги меҳнат маҳсули ҳам икки хил хусусиятга эга: истеъмол қийматига, яъни маълум бир нафлиликка ва қийматга эга бўлиб, жонли ва буюм-

иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

лашган меҳнат сарфининг маълум миқдорини ўзида мужас-самлаштиради. Бу товарнинг ўзаро боғлиқ ва ҳамиша бир-бирини тақозо қиладиган икки томонидир (бу ҳақда кейинги бобда батафсилроқ тўхталамиз). Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш жараёнига ҳамиша унинг пировард мақсади билан биргаликда қаралади. Ишлаб чиқаришнинг мақсади чекланган ресурслардан унумли фойдаланиб, кишилар эҳтиёжини қондириш экан, унинг самараси товар ва хизматларнинг натурал ва қиймат жиҳатдан ўсишида, кўпайишида кўри-нади. Шу нуқтаи назардан олганда ишлаб чиқариш жараёни ҳамиша нафлиликни, яъни истеъмол қийматини яратиш, кўпайтириш ва қийматларнинг ўсиш жараёни ҳисобланади, унинг асосий мақсади эса, истеъмол қийматини, яъни нафли товарни яратишдан иборат бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг чекланган ресурслардан фойдаланган ҳолда кишилар эҳтиёжини қондиришга қаратилиши ва шунга зарур бўлган сифат ва миқдорда истеъмол қиймати яратишни бош мақсад қилиб қўйиши унинг ижтимоий йўналишини ифода этади. Лекин бу умумий ижтимоий йўналиш аниқ кишиларнинг, тадбиркорларнинг манфаати билан боғлангандагина амалга ошади. Бозор иқтисодиёти шароитида ёки унга ўтиш даврида ҳар бир мулк эгаси ёки тадбиркор маълум миқдорда фойда олишни, сарфланган воситаларига, пул маблағларига нисбатан кўпроқ қийматга эга бўлишни мақсад қилиб қўяди. Шунинг учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни бир томондан, нафлиликни яратиш жараёни бўлса, иккинчи томондан, қийматнинг ўсиш жараёни бўлиб ҳисобланади.


Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай ишлаб чиқариш, бир томондан товарларнинг (махсулот) нафлиликни яратиш ва кўпайтиришидир, иккинчи томондан, моддий воситалар ва меҳнатнинг сарфланиши, янги қийматнинг яратилиши, бошқача қилиб

айтганда, қийматнинг ўсиш жараёнидир. Бу ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонлама хусусиятидир.

Масалан, тадбиркор ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 10 млн. сўмлик пахта толаси сотиб олди, дейлик. Толадан ип йигириш учун қўлланилган асосий воситалар амортизацияси, энергия, ёнилғи ва бошқа харажатлар 4 млн. сўмни, иш ҳақи 3 млн. сўмни ташкил этиб, 3 млн. сўмлик кўшимча маҳсулот яратилиб, уни тадбиркор фойда сифатида оладиган бўлса, яратилган маҳсулотнинг қиймати 20 млн. сўмни, кўшилган қиймат 10 млн. сўмни, янги яратилган қиймат 6 млн.сўмни ташкил этади. Агар (4 млн. сўм + 10 млн. сўмни) олдинги яратилган қиймат деб ҳисобласак, у 6 млн. сўмга кўпайиб 20 млн. сўмга етади. Бу 20 млн. сўм ҳам нафтлиликнинг ҳам қийматнинг ўсишини ифодалайди.

Агар биз 8 млн. сўмлик кўшилган қийматдан 2 млн. сўмини амортизация, энергия ва бошқалардан иборат моддий харажатлар, яъни олдиндан яратилган қийматлар деб қарасак, 6 млн. сўмлик қиймат, яъни 4 млн. сўмлик иш ҳақи ва 2 млн. сўмлик фойда шу ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил қилинган янги қиймат ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонлама табиатини қуйидагича ифода этишимиз мумкин (4-расм).




4-расм. Ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонлама табиати

Ишлаб чиқариш жараёнини икки томонлама таҳлил қилиб ўрганиш унинг мазмунини тўғри тушуниш имконини беради ва турли хил чалкашлиқлар, мунозарали тортишувларга чек қўяди. Жумладан, шунга таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётган ишлаб чиқариш воситалари қиймати кўпаймаган ҳолда, қанча қийматга эга бўлса шунча қиймат аниқ меҳнат билан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматига ўтказилади. Лекин ишлаб чиқаришнинг охирида қиймат ошиқчаа бўлиб чиқади. Бу ишчи кучи томонидан яратилган янги қиймат эвазига содир бўлади.

Ишлаб чиқариш воситалари нафлиликни яратишда тўлиқ қатнашади, қийматнинг ташкил топишида эса қисман, яъни унинг эскирган қисми қатнашади. Бу ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган айрим табиий кучлар (масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда тупроқ унумдорлиги, қуёш ва шамол энергияси) қийматга эга эмас, шунинг учун улар товарнинг нафлилигини ҳосил қилишда омил сифатида тўлиқ қатнашсада, лекин қийматнинг ташкил топишида, унинг кўпайишида умуман қатнашмайди (5-расм).

Демак, ишлаб чиқарилган товарларнинг нафлилигини яратишда ҳар учала омил: табиат, капитал, ишчи кучи қатнашади, қийматнинг ташкил топишида эса меҳнат тўлиқ, капитал қисман қатнашади, табиат эса умуман қатнашмайди. Бу нарсани билиш, муҳим назарий ва услубий аҳамиятга эга бўлиб, қиймат ёки нафлиликнинг ўсишида қайси омил муҳим роль ўйнашини билиш имконини беради ва шу билан бирга турли хил беҳуда мунозараларга чек қўйилади.



5-расм. Товар ва хизматлар нафлилиги ва қийматининг яратилишида ишлаб чиқариш омилларининг роли

Ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонлама табиати унинг натижаларининг ҳам икки томонлама тавсифи борлигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш жараёнининг даражаси бир жойда тўхтаб турмайди, доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлади ва унинг натижаси ҳам кўнаиб боради.

3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ УМУМИЙ ВА ПИРОВАРД НАТИЖАЛАРИ

Ишлаб чиқариш жараёнида турли омилларнинг бир-бирлари билан ўзаро таъсирда бўлиши ва бирикиши асосан турли хилдаги корхоналарда амалга оширилади. Бундай корхоналар сонининг ўсиши ва йириклашуви айти пайтда иқтисодиётдаги товар ва хизматлар турлари ва ҳажмининг ўсишидан дарак беради. Жумладан, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, энг муҳими, Конституциямизда кўзда тутилганидек, хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, Ўзбекистон иқтисодиётида товар ва хизматлар ҳажмини босқичма-босқич кўпайтиришга қаратилган.

Юзаки қараганда, ҳар бир корхонадаги (давлат, хусусий, кўшма корхона, фермер, деҳқон, томорка хўжалиги) индивидуал ишлаб чиқариш мустақил, бир-биридан ажралган ҳолда амалга ошадиганга ўхшаб кўринади. Аммо хилма-хил товарлар ва ресурсларнинг узлуксиз оқимида индивидуал ишлаб чиқарилган товарлар ва маблағларнинг ҳаракатлари бир-бири билан кўшилиб, ўралиб-чатишиб кетади. Чунки алоҳида олинган индивидуал ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти ва айрим маблағлар, маҳсулотларнинг ҳаракати ўзаро боғлангандир. Шу сабабли, индивидуал меҳнатлар ва товарлар ҳаракатининг кўшилиб кетиши, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, жами яратилган товар ва хизматларнинг ҳаракатини билдиради. Демак, **ижтимоий ишлаб чиқариш ўзаро боғланган ва алоқада бўлган барча индивидуал ишлаб чиқаришларнинг йиғиндиси**дир. Ҳар бир индивидуал ишлаб чиқариш, унинг сармояси ва ресурслари эса ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ажралмас бир бўлагидир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш, яъни турли омилларнинг ҳаракати натижасида жуда кўп турдаги товарлар ва хизматлар массасидан иборат бўлган ялпи ички маҳсулот вужудга келади. Бу яратилган маҳсулотлар мамлакатимиз аҳолисининг талабларин қондириб, уларнинг турмуш даражасини оширишга, ишлаб чиқаришни сифат ва миқдор жиҳатдан янада кенгайтиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирлари изчил амалга ошириб келинмоқда.

Маълумки, ҳар йили йилнинг бошида мамлакатимизда олдинги йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг яқунлари ва янги йилдаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб олинади. Ушбу устувор йўналишлардан келиб чиқувчи вазифалар амалга оширилиб, салмоқли натижа ва сезиларли ўзгаришлар қўлга киритилмоқда. Иқтисодиётнинг юқори барқарор суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мувозанати ва мутаносиблиги маълум даражада таъминланмоқда, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, диверсификациялаш ишлари давом эттирилмоқда. Шунини айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда бу борадаги ишлар танқидий таҳлил қилиниб, янгича ёндашув билан олиб борилмоқда. Айни вақтда бу таҳлиллар юқори салоҳиятга эга бўлган корхоналарга ҳар бир турдаги маҳсулотни хомашё ва ярим фабрикат бўйича чуқур қайта ишлашнинг узоқ ва яқин келажакдаги йилларга мўлжалланган аниқ истиқболга эга бўлган мутлақо янги дастурий комплекс ёндашуви асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни талаб этмоқда. Бу кўрилган чора ва тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб келмоқда. 2017 йилда бу кўрсаткич 5,5 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ва саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чоратадбирларнинг амалга оширилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 6,6 фоизга ўсишини таъминлади. Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган саноат тармоқларида динамик ривожланиш таъминланди. 2016 йилда маҳаллий хомашё ресурсларини босқичма-босқич чуқур қайта ишлаш ва тайёр истеъмол маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш тармоқлари эвазига саноат маҳсулотларининг юқори ўсиш суръатларига эришилди. Хусусан, тўқимачилик буюмлари, кийим ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш 111,7 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари 110,8 фоиз, фармацевтика маҳсулоти ва препаратлари 123,9 фоиз, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари 129,7 фоиз, бошқа норуда минерал маҳсулотлар 113,8 фоизга ошди.

Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди (2-жадвал).

**Ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг
асосий тармоқлар бўйича таркиби (%)¹**

Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Саноат	22,3	23,3	23,9	24	24	24,1	24,0	24,3	25,7	30,1
Қурилиш	5,6	5,8	6,5	6,1	5,9	6,4	6,7	7,3	7,2	
Қишлоқ хўжалиги	19,4	18,2	17,5	17,5	17,5	17,4	17,4	16,7	17,6	17,2
Хизматлар соҳаси	42,8	43,1	42,9	43,8	44,4	43,9	43,5	42,9	49,5	42,5
Соф солиқлар	9,9	9,6	9,2	8,6	8,2	8,2	8,6	8,8	8,7	10,2

Республика ялпи ички маҳсулотининг ишлаб чиқариш таркиби бўйича саноат маҳсулотининг нисбатан тезроқ ўсиши натижада унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2008 йилдаги 22,3 фоизни, қурилиш эса 5,6 фоизни ташкил қилган эди, 2017 йилда эса қурилиш саноатнинг таркибига киритилиб юборилганлиги сабабли 2017 йилда 30,1 фоизни ташкил этди. Шу давр ичида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари салмоғининг 19,4 фоиздан 17,2 фоизга қадар пасайиши эса мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибининг такомиллашиб, унда саноат, қурилиш ва

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши йилдан-йилга ошиб бораётганлигини англатади. Айти пайтда ялпи ички маҳсулот таркибидаги соф солиқлар ҳиссасининг 9,9 фоиздан 8,7 фоизга қадар қисқарганлиги мамлакатимиздаги солиқ юкининг тобора пасайиб бораётганлигини кўрсатади.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳар йили бир канча янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ишга туширилиб, ЯИМ ҳажмини оширишга хизмат қилади. Масалан, 2015 йилда “Хоразм вилоятида «Женерал моторс – Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида умумий қиймати қарийб 6 млн. дол.лик лойиҳа асосида «Шевроле Лабо» кичик юк машинаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бу ерда йилига фермерларимиз ва хусусий тадбиркорларимиз учун жуда зарур бўлган 5 мингта ана шундай машина ишлаб чиқарилади. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу модель янги «Хоразм авто» заводида тайёрланаётган «Дамас» ва «Орландо» автомобилларидан кейинги учинчи турдаги автомобиль бўлди.

Наманган вилоятининг Поп туманида 130 киловатт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Ҳозирча бу лойиҳа синовдан ўтказилмоқда. 2020 йилга бориб мамлакатимизда ҳар бири 100 мегаватт қувватга эга яна учта қуёш электр станциясини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда”.

2016 йилда инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 5,2 млрд. дол.лик 164 та йирик ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди. Жумладан, АО “GM Uzbekistan” корхонасида енгил автомобилнинг “Т-250” моделини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жиззах цемент заводининг ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилди. Таллимаржон иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш станциясида 950 МВт қувватли иккита газ-пар қурилмаси ишга туширилди. Ангрен ИЭСда 130-150 МВт қувватга эга бўлган кўмир билан ишлайдиган энергоблок ишга тушурилди.

Бундан ташқари 2016 йилда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида 28 мингдан кўпроқ лойиҳа амалга оширилди, саноат маҳсулотларининг 80 дан ортиқ янги тури ўзлаштирилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида қиймати 6145,8 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Фарғона водийсини мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан ишончли транспорт алоқасини боғловчи, Қамчиқ дово-нидан 19,2 км узунликдаги ер ости йўли орқали ўтувчи янги Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини қурилди. Мазкур темир йўлининг фойдаланишга топширилиши билан мамлакатимизни барча ҳудудларини камраб олувчи ягона тўлиқ темир йўл тизими яратилди.

Тошкент-Бухоро ва Бухоро-Тошкент йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган «Афросиёб» йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди. 291,5 км узунликдаги Самарқанд-Бухоро темирйўл қисмини электрлаштириш лойиҳаси якунланди. Ҳаво кемалари парки 2 та замонавий «Боинг 787-800 Дреамлинер» самолётлари билан тўлдирилди.¹

ЯИМ ҳажмини ва унинг ўсиб боришини ифодалашда уни тўғри ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эгадир. Мустақилликдан олдинги даврда собиқ Иттифоқда ва унинг таркибида бўлган ҳозирги МДҲ давлатларида мамлакат бўйича ишлаб чиқаришда вужудга келтирилган маҳсулотлар йиғиндиси жами ижтимоий маҳсулот деб аталган. **Жами ижтимоий маҳсулот кўрсаткичида йил мобайнида яратилган моддий неъматлар йиғиндиси ҳисобга олинган, унда хизмат кўрсатиш соҳаларида вужудга келтирилган маънавий неъматлар ва хизматлар қиймати акс этмаган.**

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Лекин бир ишлаб чиқариш тармоғидан чиққан ҳозирги вақтда оралик истеъмоли деб аталмиш хомашё, материаллар, ёнилғи ва энергияларнинг қиймати бошқа босқичларда ва тармоқларда ишлатилиб, бир неча бор такрор-такрор ҳисобга олиниб, маҳсулотнинг ҳажми сунъий равишда ошириб кўрсатилган, истеъмолга бориб тушадиган тайёр маҳсулот эса ундан бир неча баробар кам бўлган. (3-жадвал).

3-жадвал

Ялли ички маҳсулотнинг технологик босқичлар бўйича тузилиши

(шартли рақамлар мисолида)

Изчил тармоқлар	Оралик маҳсулот (хомашё, ёқилғи)	Кўшилган қиймат				Ялли ички маҳсулот	Жами ижтимоий маҳсулот
		Амортизация	Иш ҳақи	Солиқ ва тўловлар	Фойда		
	Истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати (с)	Зарурий маҳсулот т (v)	Кўшимча маҳсулот (m)				
Пахта ишлаб чиқариш	40	30	30	20	20	100	140
Пахтани қайта ишлаш	140	40	50	25	30	145	285
Тўқима чилик	285	50	60	30	40	180	465
Тикув чилик	465	45	50	35	30	160	625
Жами	930	165	190	110	120	585	1515
	с=1095		v=190	m=230		585	1515

Жадвалдан кўринадики, жами ижтимоий маҳсулот 1515 бирликни, ялли ички маҳсулот эса 585 бирликни ташкил этади. Демак, мамлакат миқёсида такрор ҳисобга йўл қўймаслик учун ялли ички маҳсулотни ҳисоблашда сотиб олинган хомашё, ёнилғи ва материаллар қиймати

ҳисобга олинмайди, фақат қўшилган қиймат ҳисобга олинади. Аммо ҳар бир корхона ва тармоқ учун сотилган товар маҳсулоти фақатгина ялпи ички маҳсулотдан эмас, балки яратилган ялпи маҳсулотдан иборатдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, жами ижтимоий маҳсулот ёки ялпи маҳсулот таркибида оралиқ маҳсулот ҳамда айрим такрорий ҳисоблар мавжуд бўлганлиги сабабли у ишлаб чиқариш натижасига тўғри баҳо бера олмайди.

Такрорий ҳисоб – бу тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг бир неча технологик босқичлардан ўтиши натижасида оралиқ истеъмоли деб аталмиш баъзи маҳсулот (хомашё, ёқилғи, материал, энергия ва х.к.)лар қийматларининг такроран ҳисобга олинishi. Жадвалдаги мисолимиздан кўринадики, пахта толаси, йигирилган ип, газламанинг қийматини ташкил этувчи хомашё, ёқилғи, материал ва бошқаларнинг ишлаб чиқаришнинг турли технологик босқичларида қайта-қайта қатнашади, уларнинг ҳисобга олинishi натижасида такрорий ҳисоб 930 бирликни ташкил этган.

Ялпи ички маҳсулот қийматини тўғри баҳолаш, унда такрорий ҳисобга йўл қўймаслик учун оралиқ ва пировард маҳсулот тушунчаларини ҳам ажратиб олиш лозим. **Оралиқ маҳсулот** – бу тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгусида яна қайта ишлов берилиши зарур бўлган ёки қайта сотиш учун мўлжалланган товар ва хизматлардир. Бизнинг мисолимизда 140 бирлик пахта хомашёси, 285 бирлик пахта толаси ва йигирилган ип, 465 бирлик тўқилган газялама оралиқ маҳсулотлар бўлиб ҳисобланади. Чунки улар тикувчилик маҳсулоти (кўйлак ёки костюм) ишлаб чиқаришнинг изчил жараёнида навбатдаги босқичда қайта ишлов беришга муҳтождирлар. Айнан 625 бирлик қийматга эга тикувчилик маҳсулоти эса пировард маҳсулот ҳисобланади. Демак, **пировард маҳсулот** – бу ишлаб чиқаришнинг барча технологик жараёнларидан ўтган ҳамда

бевосита истеъмол учун мўлжалланган тайёр маҳсулотдир.

Бундан кўринадики, жамият аъзоларини ишлаб чиқаришнинг умумий натижасидан кўра кўпроқ ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари қизиқтиради.

Ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси бўлиб такрорий ҳисобни ўз ичига олмаган, жамият аъзоларининг эҳтиёжларини бевосита қондиришга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ва хизматлар ҳисобланади. Шунга кўра, кўпинча ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси сифатида ялпи ички маҳсулот, соф ички маҳсулот (миллий даромад) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. **Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин (1993 йилдан бошлаб) миллий ҳисоблар тизими жорий қилинди ва бунга асосан мамлакат ҳудудида яратилган маҳсулот ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) деб аталиб, шу шаклда ҳисобга олина бошланди.**

Ялпи ички маҳсулот деб мамлакатда йил давомида меҳнат қилаётган кишилар томонидан яратилган, шу мамлакат тараққиёти ва аҳолиси фаровонлиги йўлида фойдаланадиган, бевосита истеъмолчиларга етказиладиган тайёр маҳсулотга айтилади.

Яратилган ялпи ички маҳсулот ҳажми ва таркибини ҳисоблашда унинг ўзгариш динамикасини таҳлил қилишда икки томонлама – нафлилик (натурал ашёвий) ва қиймат жиҳатидан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга ЯИМнинг ўзгариш динамикасини таҳлил қилишда доимо уни такрор ишлаб чиқариш нуктаи назаридан қараб, унинг уч қисмдан иборат эканлигини ва ҳар бир қисмининг функционал вазифаси борлигини ҳисобга олиш лозим.

Нафлилик (натурал ашёвий) жиҳатдан ёндашилганда, ишлаб чиқариш жараёнини давом эттириш учун, биринчидан, истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларини факат қиймат ҳолидагина эмас, балки уни моддий

буюм шаклида ҳам қайта тиклаш зарур. Бунинг учун албатта мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот таркибида маълум миқдорда турли-туман ишлаб чиқариш воситалари натурал (асосий ва айланма воситалар) шаклда мавжуд бўлиши керак. Чунки бу воситаларсиз ишлаб чиқаришни такрорлаб бўлмайди. Иккинчидан, ишчи кучининг қайта тикланиши учун зарур истеъмол буюмлари мавжуд бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам моддий маҳсулотлар икки хил товар маҳсулот сифатида ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари шаклида мавжуд бўлади, бу эса ўз навбатида, икки йирик бўлинма ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи бўлинмалар ўртасида товар айирбошлаш имконини беради. Ундан ташқари жуда кўп корхона ва ташкилотлар аҳолига турли-туман хизмат кўрсатиш билан шуғулланадики, улар меҳнатининг натижаси хизматларда намоён бўлади. Бу эса ялпи ички маҳсулотнинг муҳим қисми бўлган турли хил хизматлардан иборат эканлигини кўрсатади. Шундай қилиб, йил давомида мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот нафлилик (натурал ашёвий) жиҳатидан уч қисмдан: ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари ва турли хил хизматлардан иборат бўлади. Йил давомида ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни, яъни миллий маҳсулотни бундай учта кўринишга бўлиб ўрганиш ва билиш муҳим илмий, амалий ва услубий аҳамиятга эгадир. Чунки уларнинг ҳар бир тури бўйича талаб ва таклифлар ўрганилиб, талабга яраша ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имконини беради.

Бу ерда шу нарсани таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари икки қисмдан: асосий ва айланма воситалардан иборат бўлади. Лекин ялпи ички маҳсулот таркибига фақат ейилган асосий воситалар қиймати киради, айланма

воситалар эса кўшилмайди, улар оралик маҳсулотлар таркибида қолади.

Яратилган маҳсулот **қиймат жиҳатдан** ҳам уч қисмдан иборат бўлади, яъни:

1) ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган **ишлаб чиқариш воситалари қийматининг маҳсулотга ўтган қисми амортизация фонди (АФ)**;

2) янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг бир қисми, яъни, ишчиларга тегишли қисми – **зарурий маҳсулот қиймати (ЗМ)**;

3) янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг мулкдорлар, тадбиркорлар ва жамият учун ишлаб чиқарилган қисми – **кўшимча маҳсулот қиймати (ҚМ)**дан иборатдир.

Ҳозирги даврдаги бозор иқтисодиётига доир адабиётларда ишлаб чиқариш омиллари билан унинг самараси ўртасидаги боғлиқлик **ишлаб чиқариш функцияси** деб аталади. Масалан, ишлаб чиқариш омиллари – табиат (N), капитал (K) ва ишчи кучи (L)ни ишлаб чиқаришда қўллашдан олинган маҳсулотни M дан иборат деб фараз қилсак, ишлаб чиқариш функцияси $M = f(N, K, L)$ дан иборат бўлади. Бу формула ишлаб чиқаришга жалб қилинган омилларнинг, яъни сарфларнинг ҳар бирлиги эвазига олинган маҳсулотни билдиради ва эътиборни кам ресурс сарфлаб, кўпроқ маҳсулот олиш имкониятини кидиришга қаратади. Ундан ташқари, бу кўрсаткич ҳар бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга ва кўпайтириш мўлжалланган маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқаришга қанча ресурс сарфи талаб қилинишини олдиндан аниқлаш имконини беради.

Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган турли хил омиллар сарфини бирданига ёки уларнинг айрим турларини кўпайтириш йўли билан маҳсулот ҳажмини кўпайтириш мумкин. Лекин бошқа омиллар ва шароитлар тенг бўлгани

ҳолда айрим омиллар сарфини ошириш йўли билан маҳсулотни чексиз кўпайтириб бўлмайди. Омиллардан фойдаланиш ва уларнинг миқдорини ошириш эвазига олинган маҳсулот уч хил ўлчанади: умумий маҳсулот, ўртача маҳсулот ва сўнгги қўшилган маҳсулот.

Умумий маҳсулот – жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш эвазига олинган маҳсулотнинг мутлақ ҳажми. Одатда корхона ёки якка тартибдаги ишлаб чиқарувчининг фаолияти энг аввало унинг умумий маҳсулоти орқали баҳоланади. Мисол учун, «А» корхонада 1 ой давомида барча мавжуд ресурслардан фойдаланган ҳолда 100 бирлик маҳсулот яратилди, деб фараз қилайлик. Бу ўринда 100 бирлик ҳажмдаги умумий маҳсулот уни яратишга сарфланган ресурслар тўғрисида маълумот бера олмайди. Биз фақат ушбу корхона фаолиятини бошқа бир корхона фаолияти натижасига таққослаб, баҳолашимиз мумкин. Масалан, худди шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи «В» корхонада бир ой давомида 80 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, дейлик. У ҳолда, «А» корхонада «В» корхонага нисбатан 1,25 баравар кўп умумий маҳсулот ишлаб чиқарилган, деб хулоса чиқариш мумкин. Бирок, бу маҳсулот нима эвазига, қандай сарфлар ҳисобига яратилганлигини айта олмаймиз. Бунинг учун бизга ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган омиллар тўғрисида ҳам маълумот керак бўлади. Бу маълумотлардан фойдаланган ҳолда ўртача маҳсулотни ҳисоблаш мумкин.

Ўртача маҳсулот – жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларининг бир бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми:

$$\bar{M} = M / (I, K).$$

Айтайлик, 100 бирлик маҳсулот 10 бирлик ишчи кучи, 8 бирлик капитал ва 15 бирлик табиий ресурсларни сарфлаш

эвазига яратилган. У холда ҳар қайси омилнинг бир бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмини ҳисоблаймиз:

1) ишчи кучи омили бирлигига тўғри келадиган ўртача маҳсулот:

$$UM_{И} = \frac{100}{10} = 10 \text{ бирликка тенг.}$$

2) капитал омили бирлигига тўғри келадиган ўртача маҳсулот:

$$UM_{К} = \frac{100}{8} = 12,5 \text{ бирликка тенг.}$$

3) табиий ресурс омили бирлигига тўғри келадиган ўртача маҳсулот:

$$UM_{Е} = \frac{100}{15} \approx 6,7 \text{ бирликка тенг.}$$

Ишлаб чиқариш натижасини баҳолашда ишлаб чиқариш омиллари навбатдаги бирлигини сарфлашнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш, яъни ҳар бир омил қўшимча сарфининг у келтирадиган самара билан таққослаш муҳимдир. Бу сўнгги қўшилган маҳсулот кўрсаткичи орқали ифодаланади.

Сўнгги қўшилган маҳсулот – энг сўнгги қўшилган омил (капитал ёки ишчи кучи) эвазига ўсган маҳсулот ҳажми.

«А» корхонада кейинги ойда бошқа ишлаб чиқариш омиллари сарфи ўзгармагани ҳолда, ишчи кучи ресурсларининг сони 2 бирликка оширилган, яъни 12 бирликни ташкил этиб, бунинг натижасида умумий маҳсулот 110 бирликка етган бўлсин. У холда, ишчи кучи омилининг сўнгги қўшилган маҳсулоти 5 бирлик (10/2)ни ташкил этади.

Ҳар бир қўшилган омил эвазига олинган қўшилган маҳсулот сўнгги қўшилган омил унумдорлиги деб

айтилади. Сўнги қўшилган маҳсулот (ўсган) миқдорини сўнги қўшилган (ўсган) ишчи кучи ёки капитал миқдорига бўлиш йўли билан қўшилган омил, яъни қўшилган капитал ёки қўшилган ишчи кучи унумдорлиги аниқланади, яъни:

$$KM = \Delta M / \Delta K \text{ ёки } KM = \Delta M / \Delta L.$$

Бу тушунчаларни яна бир шартли мисол аниқроқ ифодалаш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Қўшилган маҳсулот ва қўшилган омиллар унумдорлиги

	1-йил	2-йил	Сўнги қўшилган миқдор	Қўшилган омиллар унумдорлиги $\Delta M / \Delta O$
Жалб қилинган капитал, минг сўм	120	150	30	1
Ишчи кучи (ишчилар сони, нафар)	100	120	20	1,5
Олинган умумий маҳсулот, дона	100	130	30	-
Ўртача маҳсулот:	100	130	30	-
а) минг сўм капиталга, дона	0,83	0,87	0,04	-
б) 1 ишчига, дона	1	1,08	0,08	-

Юқорида айтилганидек, алоҳида олинган омил эвазига қўшилган маҳсулот маълум даражага боргандан кейин камая бошлайди. Бу камайиш айниқса унинг ҳар бир бирлиги эвазига қўшилган маҳсулотда аниқ сезилади. Мана шу қўшилган омил унумдорлигининг пасайишига қараб маржиналистик йўналиш вакиллари **унумдорликнинг пасайиб бориши қонуни** деган қонунни кашф қилишган. Уларнинг ғояси бўйича ҳар бир кейинги қилинган харажат ёки омил олдингисига қараганда кам самара беради ва оқибатда умумий ўртача маҳсулот ҳам пасайиб кетади.

Бирок, шуни таъкидлаш лозимки, кейинги жалб қилинган омил ёки харажат унумдорлигининг пасайиб бориши қонуни ҳар доим ҳам амал қилавермайди. Балки у қуйидагича тўрт ҳолат мавжуд бўлган шароитдагина амал қилиши мумкин:

1) ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари ўзгармай фақат бир омил тўхтовсиз оширилганда;

2) фан-техника тараққий этмай тўхтаб қолганда ёки унинг янгиликлари ишлаб чиқаришга жалб қилинмаганда;

3) омиллар ўртасидаги миқдор ва сифат нисбатлари бузилганда;

4) шарт-шароитни ҳисобга олмасдан харажатлар хўжасизларча, кўр-кўрона амалга оширилганда.

Юқорида белгилангандан бошқа ҳолатларда бу қонун амал қилмайди.

4. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Хизмат кўрсатиш жараёни ишлаб чиқариш жараёни-нинг ажралмас қисми ва муҳим йўналишидир.

Шунинг учун ҳам дунёнинг кўпгина мамлакатларида хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш эвазига ялпи ички маҳсулот ҳажмини кўпайтириш аҳолининг турмуш даражасини оширишга эришилмоқда. Ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида ишчи кучининг 70 фоиздан ортиғи ушбу соҳада фаолият юритиш-моқда. 2016 йил маълумотларига кўра АҚШ ялпи ички маҳсулотида хизматлар соҳасининг улуши 81 фоиз, Японияда 76 фоиз, Германияда 69 фоиз ва Россияда 62 фоизни ташкил қилмоқда.¹

¹ Ю.Иванов Доля сферы услуг в ВВП России. –М.: Вопросы статистики. 2017 й. №3

Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳаларининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва уни интенсив ривожлантиришнинг аниқ йўллари излаб топиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу борада мамлакатимиз Президентги Ш.М.Мирзиёев томонидан – “Якин вақт ичида транспорт ва савдо хизматини яхшилаш, автомобиль йўллари ва ичимлик сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш бўйича хужжатлар тўпламини қайта ишлаб чиқиб, тақдим этиш керак.”¹ - деб аниқ белгилаб берилган вазифалардан мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш нақадар долзарб аҳамиятга молик бўлган масалалардан бири эканлигига ҳеч қандай шубҳа қолмайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида ҳам мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Жумладан, мазкур Фармон асосида қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да - “Хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, яъни ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини, энг аввало, хизматларнинг

¹ Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якуналари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 15.01.2017 й.

замонавий, технологик турларини тубдан ўзгартириш”¹ лозимлиги белгилаб қўйилиши ушбу соҳанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида нақадар катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ҳаммамизга маълумки, собиқ иттифоқ даврида унинг таркибига кирувчи барча республикалар, жумладан Ўзбекистонда ҳам нашр қилинган иқтисодий адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳеч қандай қиймат, маҳсулот ва даромад яратилмаслиги тўғрисидаги нотўғри назариялар мавжуд эди. Ўша даврда уларнинг фикрича, фақатгина моддий ишлаб чиқариш соҳаларида маҳсулот яратилади ва у барча даромадлар, шу жумладан, жамият миллий даромадининг асосий манбаи деб ҳисобланган. Хизмат кўрсатиш соҳасида эса ҳеч қандай маҳсулот яратилмайди ва у жамиятнинг моддий бойлигини кўпайтирмайди, деб ўйлашган.

Бундай нотўғри ғоянинг асосчиси машҳур иқтисодчи олим А.Смит бўлиб, унинг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари” номли асарида бу ғоя илгари сурилган. Ушбу нотўғри концепция фақатгина илмий ғоя сифатида эмас, балки кўпгина мамлакатларнинг, жумладан собиқ Иттифоқнинг ҳам иқтисодий ва статистик амалиётининг асосини ташкил қилди. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг маҳсулоти миллий маҳсулот ҳажми ва таркибида ҳисобга олинмас эди.

Ривожланган мамлакатларнинг аксарияти ушбу концепциянинг нотўғри эканлигини анча илгари тушунишди ва ўз иқтисодий амалиётида миллий маҳсулот ҳажми ва таркибини ҳисоблаш жараёнида хизматлар соҳасининг маҳсулотларини ҳисобга оладиган бўлишди.

¹ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин (1993 йилдан бошлаб) босқичма-босқич миллий ҳисоблар тизимига ўтишни бошлади ва шундан кейингина ЯИМ таркибида хизматлар соҳасининг маҳсули ҳисобга олинадиган бўлди.

ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг маҳсулини ҳисобга олишнинг тўғри ва зарурлигини тушунишда унинг назарий жиҳатларига эътибор бериш муҳим ҳисобланади. Айниқса, кўрсатилган хизматлар маҳсулининг икки томонлама табиатини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Хизмат кўрсатиш соҳасида яратилган маҳсулот бошқа буюмлашган товарларга ўхшаб моддий шаклда намоён бўлмайди. Лекин, кўрсатилган хизматлар ҳам худди бошқа буюмлашган товарлар сингари икки томонлама хусусиятга эга: нафлилик (истеъмол қиймат) ва қиймат (алмашинув қиймати). Хизмат кўрсатиш соҳаси маҳсулотининг бундай иккита хусусиятга эга бўлиши хизмат кўрсатиш жараёнида унга сарфланган меҳнатнинг икки ёқлама характеридан яъни, меҳнатнинг аниқ ва абстракт тавсифга эгалигидан келиб чиқади.

Хизматлар маҳсулининг истеъмол қиймати (нафлилик) унга сарфланган аниқ нафли меҳнат маҳсули эканлигидадир. Маълум бир самарали натижага эришиш учун муайян мақсадга йўналтирилган аниқ меҳнат ва шунга мос равишда ишлаб чиқариш воситалари, яъни, энергия, ёнилғи, хомашё ва шу кабилар сарфланади. Бундан кўринадики, барча сарфлар аниқ меҳнат ва аниқ моддий-буюмлашган шаклда амалга ошади.

Бироқ, хизматлар меҳнат маҳсули сифатида моддий-буюмлашган шаклга эга бўлмайди ва аксарият ҳолатларда улар ишлаб чиқариш жараёнининг ўзидаёқ истеъмол қилинади. Масалан, врачнинг беморни даволаши, ўқитувчининг дарс бериши, саргарош ва бошқа касб эгаларининг кўрсатадиган хизматлари ўша хизмат кўрсатилган пайтнинг

Ўзидаёқ истеъмол қилинади ва инсонларнинг эҳтиёжини қондиради. Бу ерда хизматларнинг ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниш вақти бир пайтнинг ўзида амалга ошади. Бундан ташқари, хизматларнинг истеъмол қилиниши ўздан кейин маълум бир фойдали натижалар қолдиради. Масалан, бемор шифо топади, саводсиз киши билимли бўлади, пасажжир ёки юк ўз манзилига етади, уй ёки квартира таъмирланади ва ҳоказолар.


Шундай қилиб, аҳолининг турли хилдаги хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш жараёнида турли хил шакллардаги аниқ меҳнат ва ишлаб чиқариш воситалари сарфланади ва эвазига самарали нафлиликнинг турли хил шакллари етказиб берилади. Хизмат маҳсулотининг қиймати кўрсатилган хизматнинг самарали нафлиликига айланади.

Кўрсатилган хизматларнинг қиймати худди моддий буюмлашган товарлар қиймати каби унга сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат билан яъни, ишлаб чиқариш харажатлари (ишчи кучига тўланган иш ҳақи, ишлаб чиқариш воситалари) ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритаётган ишчилар ва хизматчиларнинг қўшимча меҳнати билан яратилган қўшимча маҳсулот қиймати билан белгиланади.

Хизматлар қиймати худди моддий буюмлашган товарлар қиймати шакллангани каби қўлланилаётган воситаларга ишчи кучига сарфланган харажатлар қиймати ва қўшимча маҳсулот қийматидан иборат бўлиб, ўз табиатига эга бўлади ва ўзининг ҳаракати жараёнида умумиктисодий қонуниятларга бўйсунди.

Товар – “хизмат” бошқа товарлар каби ўз эквиваленти бўйича пулга алмашади, яъни пул шаклидаги худди шундай қийматга алмашади.

Товар – “хизмат”нинг иккиёқлама табиатини қуйидаги 6-чизмада тез ва осон тушуниш мумкин:



6-чизма. Товар – “хизмат”нинг икки ёқлама табиати

Товар – “хизмат” иккиёқлама табиатининг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш жуда катта илмий, услубий ва амалий аҳамиятга эгадир. Товар – “хизмат” нафлилигининг хусусияти шундаки, у яратилган вақтнинг ўзидаёқ истеъмол килинади, у бошқа моддий буюмлашган товарлар каби узоқ муддат ҳаракатда юрмайди, сақланмайди ва жамғарилмайди. Унинг пул шаклидаги қиймати эса ўз ҳаракатини давом килдираверади ва у худди моддий буюмлашган товарлар қиймати каби такрор ишлаб чиқарилади ва жамғарилади. Товар – “хизмат”нинг ушбу қиймати бошқа товарларга айрбошланади, яъни хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган барча корхона ва ташкилотлар ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган асосий ва айланма воситалар ҳамда ишчи кучини ўз товар – “хизмат”ларини сотишдан тушган пул

маблағлари ҳисобига сотиб олишади. Бундан ташқари, йилдан йилга уларнинг пул ва бошқа маблағлари ошиб, кўпайиб боради. Товар – “хизмат”ларнинг иккиёқлама табиатини тушунишнинг муҳимлиги шундаки, хизматлар йил давомида яратилган яши ички маҳсулот ҳажмининг ошишида, ишлаб чиқариш кучларининг кенгайишида ва аҳолининг турли хилдаги хизматларга бўлган эҳтиёжини кондиришда жуда катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари, у мамлакат статистика тизими ва иқтисодийтни прогнозлаштиришда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Хизматлар соҳасининг иқтисодий тараққиётдаги салмоқли ўрнини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида, иқтисодийтни диверсификациялаш ва таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, мамлакат аҳолисининг бандлигини, даромадларини ва турмуш сифатини оширишнинг, эҳтиёжларни кондиришнинг муҳим йўналишлари ва омилларидан бири сифатида хизматлар соҳаси ва сервисни жадал ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, иқтисодийнинг барқарор ўсишини таъминлашда мазкур соҳа муҳим ўринни эгалламоқда.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурининг асосий вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш жараёнида, 2010-2016 йилларда бозор хизматлари ҳажми 2,7 мартага ошиб, 92,5 трлн.сўмгача кўпайди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми мазкур даврда 2,3 мартага ўсди ва 2,9 млн. сўмни ташкил этди (5-жадвал).

**2010-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси
бўйича хизматлар соҳаси асосий кўрсаткичларининг
динамикаси¹**

	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Хизматлар ҳажми, трлн. сўм	26,0	33,7	42,6	53,7	65,9	75,4	92,5
Ўтган йилга нисбатан ўсиш, фоизда	116,1	117,2	114,7	114,4	115,1	114,0	114,5
2009 йилга нисбатан ўсиш, фоизда	116,1	136,1	156,1	178,6	2,1 м.	2,3 м.	2,7 м.
Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми, минг сўм	911,7	1148,7	1429,1	1774,0	2141,9	2407,6	2905,6


Ҳозирги вақтда, республикада хизматлар соҳасида 16,5 мингдан ортиқ йирик ташкилотлар (бозор хизматларини кўрсатувчи ноτιжорат ташкилотларини қўшган ҳолда) ва 126 мингдан ортиқ кичик тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши ҳисобига Ўзбекистон Республикасида 2010 йилдан 2016 йилгача соҳанинг ЯИМдаги ҳиссаси ортиб борди. Хусусан, 2010 йилда ЯИМда хизматлар соҳасининг улуши 46,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йил якуни бўйича (дастлабки маълумот) 49,5 фоизга етди (7-расм). Лекин бошқа тармоқларнинг (саноат ва қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) жадал ривожланиши

¹ <https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2027-o-zbekiston-respublikasida-xizmatlar-sohasining-rivojlanishi>

натижасида 2017 йилда хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши нисбатан пасайди (42,5 фоиз).

Аҳоли томонидан ҳар хил турдаги хизмат кўрсатиш турларига бўлган талабнинг доимий ўсиши ва давлат томонидан ушбу соҳага алоқадор инфратузилмаларни (ижтимоий, транспорт-коммуникация, савдо ва бошқалар) ривожлантириш бўйича кўриляётган амалий чоралар хизматлар соҳасининг барча тармоқларини жадал ривожланишини таъминлади.




7-расм. ЯИМда хизматлар улуши, фоизда¹

Телекоммуникация тармоқлари, компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш миллий дастурларининг амалга оширилиши, симсиз телефон алоқаларнинг ўсишига, уяли алоқа

¹<https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2027-o-zbekiston-respublikasida-xizmatlar-sohasining-rivojlanishi>

абонентлари ва Интернет тармоғига жамоавий уланиш жойлари сонининг кўпайишига олиб келмоқда.

2010-2016 йилларда молиявий хизматлар ҳажми ўтган йилга нисбатан ўсиш даражаси бир меёрда амалга оширилиб келаётганлигина инobatга оладиган бўлсак, 2017 йилда амалга оширилган ислохотлар натижасида 2016 йилга нисбатан 35,9 фоизга ошди. Бундай ўсишга, тижорат банкларининг, уларни капиталлаштириш ва молиявий барқарорлигини оширишни ўз ичига олган фаолиятларини такомиллаштириш натижасида эришилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг такомиллашган механизми, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлашни кенгайтириш, шунингдек янги электрон тўлов технологияларини жорий қилган ҳолда молиявий ташкилотларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш молиявий хизматларнинг ўсишига таъсир кўрсатган бошқа омиллар бўлди (8-расм).




8-расм. Молиявий хизматларнинг ўсиши (ўтган йилга нисбатан фоизда)¹

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш бўйича кўрсатилаётган хизматлар тизимининг ислох қилиниши,

¹<https://stat.uz/uz/432-analitcheskie-materialy-uz/2027-o-zbekiston-respublikasida-xizmatlar-sohasining-rivojlanishi>

юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг оширилиши, соғлиқни сақлаш амалиётига илғор чет эл тажрибаларини кенг жорий этилиши соғлиқни сақлаш соҳаси хизматларини 4,9 мартага ошириш имконини берди (9-расм).



9-расм. Соғлиқни сақлаш соҳасида хизматлар ҳажми, млрд.сўм¹

Ҳозирги вақтда, хизматлар ишлаб чиқариш истеъмолчиларнинг даромадлари даражаси, диди ва нимани афзал кўришларига қараб табақаланиб бормоқда.


Ҳажмларнинг ўсиши билан бирга, бозор хизматларининг таркибий нисбатлари ҳам ўзгарди. Хизматлар умумий ҳажмида транспорт хизматлари кискариб, янги бозор хизматларининг улуши кўпайди.

Хусусан, 2010-2016 йилларда транспорт хизматларининг улуши 36,2 фоиздан 28,2 фоизга, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 8,0 фоиздан 6,8 фоизга камайган. Шу билан бирга, савдо хизматларининг улуши 25,4 фоиздан 29,6 фоизга, молиявий хизматлар улуши 10,2 фоиздан 10,7 фоизга, таълим соҳасидаги хизматлар 2,9 фоиздан 3,5 фоизга, яшаш ва овқатланиш хизматлари 1,1 фоиздан 3,3 фоизга, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар 3,1 фоиздан 3,7 фоизга кўпайди. Компютерлар ва маиший товарларни

¹<https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2027-o-zbekiston-respublikasida-xizmatlar-sohasining-rivojlanishi>

таъмирлаш бўйича хизматлар, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар ва бошқа хизматларнинг жами хизматлар ҳажмидаги улуши ўзгаришсиз қолган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан хизматлар ишлаб чиқаришнинг кенгайиши хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминламоқда. Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида, тадбиркорлик субъектларига, хизматлар кўрсатиш бўйича янги ташкил этиладиган корхоналарни технологик жиҳозлаш учун катта миқдордаги имтиёзли кредитлар тақдим этилди. Натижада, кичик тадбиркорликнинг бозор хизматлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 53,9 фоиздан 61,4 фоизга кўпайди (10-расм).



10-расм. 2010-2016 йилларда кичик тадбиркорликнинг хизматлар соҳасидаги улуши ¹

Умуман хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакатда иқтисодиёт субъектлари томонидан кўрсатилган ҳар қандай хизмат турларининг икки томонлама табиатини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Хизматлар ҳам худди моддий товарлар сингари иккита

¹<https://stat.uz/uz/432-analitcheskie-materialy-uz/2027-o-zbekiston-respublikasida-xizmatlar-sohasining-rivojlanishi>

хусусиятга (нафлилик ва қиймат) эга бўлиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринларини ташкил этиш, ушбу соҳада инвестиция, солиқ, пул-кредит ва илмий-техник сиёсатни такомиллаштириш ҳамда янги ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, бозор хизматларининг тармоқ тузилмасида сифатли таркибий ўзгаришлар амалга ошириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш омиллари ҳисобланади. Ушбу омиллардан самарали фойдаланиш мамлакатимиз аҳолисига турли хилдаги хизматлар кўрсатиш ва уларни истеъмол қилишнинг оқилона тузилмасини шакллантириш ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада оширилишини таъминлаш имконини беради. Бежизга “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да республикамизда хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш учун – “...туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификациялаш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш, йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш”¹ - белгилаб қўйилмаган.

¹ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

5. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИДА ЯРАТИЛГАН МАҲСУЛОТНИНГ УЧ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ ВА УЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ВАЗИФАЛАРИ

Ишлаб чиқаришнинг умумий натижаси асосан ялпи ички маҳсулотда намоён бўлиб, у уч таркибий қисмдан иборат бўлади.

$$\text{ЯИМ}=\text{А}+\text{ЗМ}+\text{ҚМ} \text{ (1)}^1$$

Яъни:

1) ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қийматининг маҳсулотга ўтган қисми: Амортизация (**А**);

2) янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг бир қисми, яъни, ишчиларга тегишли қисми - зарурий маҳсулот (**ЗМ**);


3) янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортиқча қисми, яъни, мулкдорлар, тадбиркорлар ва давлат учун ишлаб чиқарилган қисми, кўшимча маҳсулот (**ҚМ**)дан иборатдир.

Бошқача қилиб айтганда, ЯИМ олдинги ишлаб чиқариш жараёнларида яратилган ва ушбу ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий ишлаб чиқариш воситаларининг қийматидан ҳамда шу ишлаб чиқариш жараёнида яратилган янги маҳсулотдан иборатдир. Чунки яратилган маҳсулотнинг бир қисмидан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг ўрнини қоплаш, уни қайта тиклаш ва ривожлантириш учун фойдаланилади. Ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этиши ва ривожланиши учун истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари асбоб-ускуналар, хомашё, ёқилги ва бошқа ёрдамчи материаллар ўрнини тўлдириб, қопланиб, янгиланиб туриши талаб қилинади. Бунинг учун ишлаб чиқарилган

¹ Ушбу формула муаллиф ишланмаси

маҳсулотнинг бир қисмидан фойдаланилади. Усиз ишлаб чиқаришни барқарор такрорлаб, жамиятнинг турли хил маҳсулотга бўлган талабини кондириб бўлмайди. Бу ҳодиса такрор ишлаб чиқаришнинг умумий қонуниятидир. Яратилган маҳсулотдан истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати чегириб ташланса, қолган қисми соф маҳсулот дейилади. Демак, соф маҳсулот бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган иш юритувчилар, ишчилар, деҳқонлар, мухандислар, техник ходимлар ва бошқаларнинг янгидан сарф қилинган меҳнати билан яратилган зарурий маҳсулот ва қўшимча маҳсулотдан иборатдир. Буни яхши тушуниб олиш учун яратилган маҳсулотнинг таркибий қисмларга бўлиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида таҳлил қиламиз.

Ялпи ички маҳсулотнинг уч таркибий қисмлари амортизация, зарурий маҳсулот ва қўшимча маҳсулотдан иборат бўлади (11-расм).



11-расм. ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркиби¹

10-расмдан кўринадики, амортизация ва соф ички маҳсулот ялпи ички маҳсулотнинг таркибий қисмлари бўлиб, агар ялпи ички маҳсулотдан амортизация ажратмасини

¹ Муаллифлар ишланмаси.

чегириб ташласак, кейинги қолган қисми соф маҳсулотдир. Биз соф ички маҳсулотни моҳиятини аниқлашдан олдин амортизация ажратмаси тушунчасини аниқлашимиз, яъни тўғри ва аниқ тушуниб олишимиз лозим.

Шунинг учун биз бу ерда ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ялпи ички маҳсулотнинг уч таркибий қисмига алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз деб ҳисобладик.

Амортизация асосий капитал эскириб боришига қараб, унинг қийматини аста-секин ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказиш, асосий капитални кейинчалик қайта тиклаш мақсадларида маҳсулотнинг амортизация миқдорига тенг қисмини ажратиб боришдан иборат. Асосий капиталнинг эскириши билан амортизация ўртасида мустаҳкам алоқа бор. Бироқ булар бир хил тушунчалар эмас. Эскириш асосий воситалардан фойдаланиш жараёнида уларнинг техник-ишлаб чиқариш хоссаларининг аста-секин йўқотиб бориш жараёнини акс этиради. Амортизация анча мураккаб жараён бўлиб, истемол қилинган асосий воситалар қийматини уларнинг эскиришига мувофиқ равишда маҳсулотга ўтказиб бориши, истемол қилинган асосий воситаларнинг ўрнини қоплаш мақсадида пул фондини жамғариш жараёнини акс этиради. Шундай қилиб, эскириш амортизациянинг дастлабки босқичи ва шарт-шароитидир.

Амалиётда амортизация нормаси деган тушунча мавжуд. Амортизация нормаси амортизация ажратмалари йиллик суммасининг шу асосий капитал қийматиغا нисбатан аниқланади ва фоизда ифодаланади. Амортизация ажратмаларининг умумий нормаси асосий капитални такрор ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ равишда икки қисмдан иборат бўлади: бир қисми асосий капитални тўла қоплашга (қайта тиклашга), иккинчиси уларни қисман қоплашга (капитал таъмирлашга) мўлжалланади.

Амалиётда умумий йиллик амортизация нормаларини (A_n) белгилашда асосий капитал қиймати (K_{ac}) асосий капиталнинг ҳаракат қилиши муддати давомида капитал таъмирлаш учун сарфлар, (T_k) эскирган меҳнат воситаларини тугатишдан олинган маблағ (M_t) ва шу воситанинг хизмат даври (X_d) ҳисобга олинади:

$$A_n = \frac{K_{ac} + T_k + M_t}{X_d} \times 100\% \quad (1)^1$$

Амортизация нормалари меҳнат воситалари жисмоний ва маънавий ейилишининг ҳақиқий миқдорини акс эттириши керак. Оширилган нормалар маҳсулот таннархини сунъий равишда ўстириб юборади, пасайтирилган нормалар эса асосий капитал тикланиш даврини кечиктиради ва шу тариқа таракқиётга тўсик бўлади.

Ҳозирги шароитда амортизация ажратмалари ривожланган мамлакатларда капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шунга кўра давлат кўпинча фирмаларга жадаллаштирилган амортизация усулини қўллашга рухсат беради. Жадаллаштирилган амортизация ажратмаларнинг юқори нормаларини белгилаш орқали асосий фондлар қийматини нисбатан қисқароқ вақт ичида ҳисобдан чиқариш имконини беради.

Бундай ҳолатда маҳсулотнинг қиймати ошади, лекин нафлилиги (натурал ашёвий жиҳати) кўпаймайди. Ишлаб чиқарувчи компаниялар ва уларнинг бир тўда эгалари катта фойда кўради, унинг оғирлиги эса истеъмолчиларга бориб тушади. Шунинг учун бизнинг фикримизча жадаллашган амортизация усулидан кўра одатда меъерий амортизация нормасини қўллаган маъқул деб ҳисоблаймиз. Одатда

¹ Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров. Иктисодиёт назарияси. –Т.:Молия, 2010 й. 182-б.

жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш асосий капиталнинг актив қисми учун рухсат этилади. Бироқ, бу ҳолат нафақат асосий капиталнинг тезроқ янгиланишини, балки ишлаб чиқариш харажатларини амортизация ажратмаларига тўғри келувчи қисмининг ва маҳсулот таннархининг, охиروқибатда баҳоларнинг ошиб кетишига ҳам олиб келади.

Асосий капитал кўпчилик турларининг фойдали хизмат муддати узок даврни ташкил қилиб, уларнинг қиймати жонли аниқ меҳнат ёрдамида яратилган маҳсулотга қисман ўтказиб борилади. Инвестицион товарларни сотиб олишга қилинадиган сарфлар ва уларнинг унумли хизмат муддати амалда бир даврга тўғри келмайди. Шу сабабли корхоналар инвестицион товарларнинг фойдали хизмат муддатини ҳисоблайди ва уларнинг умумий қийматини бутун хизмат муддатига тенг тақсимлайди. Асосий капиталнинг йил давомида ейилиб ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган қисми амортизация, яратилаётган маҳсулотдан кўчирилган қиймати эса амортизация ажратмаси дейилади. Амортизация ажратмаси асосий капитал турлари бўйича белгиланган меъёردа ҳар йили ажратиб борилади. Масалан, тўқув дастгоҳининг қиймати 5 млн. сўм, хизмат муддати 10 йилга тенг деб олинса, йиллик амортизация ажратмаси 0,5 млн. сўмни (5:10) ташкил қилади.

Амортизация ажратмаси шу йил ишлаб чиқарилган маҳсулот (ЯИМ) қиймати таркибига ишлаб чиқариш харажатлари сифатида кириб, маҳсулот сотилиши натижасида пул шаклида қайтиб келади ва амортизация фонди ҳисобида тўпланиб бориб, амортизация фондини ташкил этади.

Амортизация фондининг функционал вазифаси - йиғилган маблағлар ҳисобига истеъмол қилинган асосий капитални қайта тиклаш, яъни янги инвестицион товарлар сотиб олиш ва амал қилиб турганларини капитал таъмирлаш, ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш, уни кенгайтириш ва кредит ресурсларининг манбаини шакллантириш ҳисобланади.

ЯИМни ишлаб чиқариш таркибининг иккинчи муҳим қисми зарурий маҳсулот деб аталиб, ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этишини, яъни такрор ишлаб чиқаришни бир маромда олиб боришда алоҳида ўрин тутади. **Зарурий маҳсулот деб ишчи ва хизматчилар иш вақтининг бир қисми бўлган зарурий иш вақтида зарурий меҳнат билан яратилган, ишчи кучини нормал ҳолатда сақлаш ва қайта тиклаш учун зарур бўлган маҳсулотга айтилади.** Бунга келгуси авлод ишчиларини етиштириш, яъни ишчиларнинг оиласи ва болалари учун зарур бўлган маҳсулот ҳам киради.

Зарурий маҳсулотнинг объектив асосини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритувчи ишчи ва хизматчи ходимларнинг ўз ишчи кучларини такрор ҳосил қилиш жараёни ташкил қилади. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш учун сарфланадиган барча моддий ва маънавий воситалар зарурий маҳсулот ҳажмини ташкил қилади. Унинг ҳар бир ишчига тўғри келадиган муғлок ҳажми йилдан йилга ортиши мумкин. Техника-технология даражаси ошгани сари ушбу кўрсаткич нафақат турли даврларда, балки турли хил мамлакатларда ва минтақаларда турли хил соҳа ва тармоқларда ҳам турлича бўлиши мумкин. Чунки ҳар хил минтақаларда, соҳа ва тармоқларда ҳамда меҳнат шароити ва интенсивлигига турлича бўлган турли хил даражада малакага эга бўлган ишчилар фаолият юритади. Ходимларнинг меҳнат интенсивлиги ва малакаси, юқори бўлган тармоқ ва корхоналарда меҳнат унумдорлиги юқори бўлади ва кўпроқ соф маҳсулот яратилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир ишчи-ходимга тўғри келадиган зарурий маҳсулотнинг ҳам юқори даражада бўлишига олиб келади. Лекин фан-техника ва технологияларнинг юксалиши, инновацион технологияларнинг қўлланилиши ишчи ва хизматчи ходимлар малакасининг, билим савиясининг юқори даражада бўлишини, маълум тайёргарликдан

Ўтишини такозо этади, ўз навбатида бу ишчи хизматчи ходимларни тайёрлаш харажатларининг, яъни зарурий маҳсулот миқдорининг ошиб боришига олиб келади. Фан-техника тараққиёти натижасида меҳнат унумдорлигининг ошиши эвазига зарурий маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетадиган иш вақти миқдори камайиб бориш, натижада қўшимча иш вақти узайиб, қўшимча маҳсулот миқдори эса ошиб бориши мумкин. Бу албатта зиддиятли ҳолат бўлиб, алоҳида тадқиқот талаб қиладиган жараёндир.

Зарурий маҳсулот ўз ичига моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ишчи, хизматчилар ва улар оилаларининг ўзларини жисмоний эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ҳаётий воситалар фонди, шунингдек, ишчилар ҳамда жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ривож даражасига мос келувчи маълум сифатдаги ишчи кучига айланиши учун уларнинг фарзандларига таълим бериш ва тарбиялаш харажатларини ҳам ўз ичига олади. Бунда нафақат табиий ва жисмоний шарт-шароитлар орқали пайдо бўлган моддий неъматларга алоҳида эҳтиёжларни, шу билан бирга ижтимоий шарт-шароитлардан келиб чиқувчи эҳтиёжларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Бунга ўқитиш, билим савияси ва малакасини ошириш, дам олиш учун кетган харажатлар ҳам киради.

Таъкидлаш мумкинки, **зарурий маҳсулотнинг функционал вазифаси** – нафақат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритувчи ишчиларнинг ўз ишчи кучларини, балки мамлакат бўйича ялпи ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, келгуси авлод ишчиларини етиштириш, турли хилдаги ижтимоий фондларни ҳосил қилиш ва шу орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдан иборат.

Шундай қилиб зарурий маҳсулот соф ички маҳсулотнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, бевосита ишчи ва хизматчиларга тегишлидир. Зарурий маҳсулот тушунчаси бир жойда қотиб қолган ўзгармас тушунча эмас. У ҳам

бошқа иқтисодий категориялар каби доимо ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда бўлади. Зарурий маҳсулот такрор ишлаб чиқариш фазаларидаги ҳаракатида ҳам ўз шаклини ўзгартиради. Масалан, у ишлаб чиқариш бошланишидан олдин мулк шаклидан қатъи назар тадбиркор ихтиёридаги ишчи кучини сотиб олишга мўлжалланган пул капитали, аниқроғи, айланма капиталнинг бир қисми сифатида мавжуд бўлади. Ишлаб чиқариш жараёнида эса у тадбиркор кўлидан иш ҳақи шаклида ишчининг қўлига ўтади. Иш ҳақи ҳозирги даврда ҳам кўпчилик мамлакатларда жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам зарурий маҳсулотнинг асосий ўзгарган шакли сифатида намоён бўлмоқда. Албатта, зарурий маҳсулотнинг реал иқтисодий ҳаётдаги юзага чиқиб кўринадиган аниқ шакллари бир нечта турларда намоён бўлади. Ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар натижасида зарурий маҳсулот ўзгарган шакллари кўпайиб турлича кўринишларда намоён бўлмоқда.

Зарурий маҳсулотнинг модификациялашган (ўзгарган) шакллари қуйидаги расмда аниқроқ кўришимиз мумкин (12-расм).



12-расм. Зарурий маҳсулотнинг одификациялашган (ўзгарган) шакллари

Ҳаммага маълумки, илгари собик шўро даврида зарурий маҳсулотнинг реал ҳаётдаги аниқ шакли фақат икки хил кўринишда, яъни иш ҳақи ва ижтимоий истеъмол фондлари сифатида намоён бўларди. Ҳозир эса у бир қанча шаклларда намоён бўлмоқда. Буларга мисол қилиб иш ҳақи, ижтимоий тўловлар (пенсия, нафақа, стипендия ва х.к), уй хўжаликларидан олинган маҳсулотлар, хунарамандчилик, касаначилик ва турли хил хизматлар кўрсатишдан олинган даромадларни кўрсатиш мумкин.

Масалан, 2016 йил маълумотлари бўйича даромадлар таркибида меҳнат фаолиятдан олинган даромадларнинг улуши 73,3 фоизни (2010 йилда 69,9 фоиз), трансферт шаклида олинган даромадларнинг улуши 20,3 фоизни (2010 йилда 25,9 фоиз), мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши 4,0 фоизни (2010 йилда 2,4 фоиз), шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуши эса 2,4 фоизни (2010 йилда 1,8 фоиз) ташкил этган. Меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар улуши кўпайишининг асосий омили бўлиб янги иш ўринларини яратиш орқали ишчи кучи бандлигини оширишга қаратилган мақсадли чора-тадбирларни амалга оширилиши натижасида юзага келганлигидир.

Мамлакатимизда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ва унинг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган тўртинчи устувор йўналишининг 4.1-бандида – “Аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш, аҳолининг реал пул даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, бюджет муассасаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақаларнинг ҳажмини инфляция суръатларига

нисбатан жадал миқдорда босқичма-босқич ошириш¹ – вазифаларининг белгилаб қўйилиши мамлакатимизда зарурий маҳсулотнинг энг асосий таркибий қисмлари бўлган иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни ошириш орқали аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга нақадар катта аҳамият берилаётганлигидан далолат беради.

Сўнги йилларда ҳукуратимиз томонидан аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада ошириш, фуқароларни ижтимоий қўллаб қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар, иш ҳақи ва пенсиялар изчил равишда ўсиб боргани яққол намоён бўлмоқда.

Қуйида келтирилган маълумотларга кўра, 2000-2017 йилларда аҳоли жон бошига даромадлар, иш ҳақи ва пенсияларнинг йилдан-йилга ўсиб бориш тенденцияларини кузатиш мумкин (6-жадвал).

6-жадвал

**2000-2016 йилларда Республика аҳолиси
даромадлари, иш ҳақи ва пенсияларнинг ўзгариш
динамикаси²**

Кўрсаткичлар номи	2000	2005	2010	2016	2017
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, минг сўмда	96,4	371,8	1668,1	4565,2	5750,2
Йиллик ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақи, минг сўмда	13,5	81,5	504,8	1293,8	1453,2
Белгиланган ўртача пенсия миқдори (йил охирига), минг сўмда	7,4	31,7	171,9	494,2	564,4

¹ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

² <http://stat.uz/136-tahliliy-ma-lumotlar/1477-o-zbekiston-respublikasida-aholi-turmush-darajasi-va-faravonligining-rivojlanishi-tahlili>

Ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига даромадлар мунтазам равишда ошиб борган ва 2017 йилда 5750,2 мингн сўмни ташкил этган. Шунингдек, ушбу давр оралиғида ўртача иш ҳақи ҳамда пенсиялар миқдори мос равишда 1453,2 минг сўм ва 564,2 минг сўмни ташкил этган.

Зарурий маҳсулот модификациялашган шаклларида бири бу – уй, деҳқон ва томорқа хўжаликларида етиштирилдиган маҳсулотлар ҳисобланади.

Уй хўжаликлари истеъмоли ички бозорни кенгайтириб иқтисодий ўсишга шароит ҳозирласа, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ЯИМ ҳажмини кўпайтиришга бевосита ҳисса қўшади. Бу ердаги ишлаб чиқариш жараёни бевосита меҳнат жараёни, асосан нафтлиликни, ўз истеъмоли учун товар ва хизматларни яратишдир.

Уй хўжаликларида уларнинг индивидуал мулки бўлган моддий ва пул ресурслари қатнашади. Булар хонадоннинг умумий мулки бўлади ва айрим кишилар ўртасида тақсимланмайди. Булар автомобиль, меҳнат қуроллари, турли ашёлар, кичик қурилмалар ва шу қабилардан иборатдир.

Ушбу хўжаликларда ишлаб чиқариш жараёни ўзи ва оила аъзолари меҳнати асосида амалга ошади. Бу хўжаликлардан олинган маҳсулотлар, айниқса, деҳқон ва томорқа хўжаликлари маҳсулотларининг бир қисми натурал ҳолда ўз эҳтиёжларини қондириш учун ишлатилиши мумкин. Бу кичик хўжаликларда ишлаб чиқаришнинг мақсади фойда олиш эмас, балки, ўз оилавий эҳтиёжларини қондиришдир. Ушбу ишлаб чиқариш тури кўлами кичик бўлганлиги сабабли уни мини ишлаб чиқариш деб ҳам айтиш мумкин. Улар томонидан яратилган маҳсулот ва хизматлар иккиёқлама ҳарактерга эга. Биринчидан, бу маҳсулотлар қисман натурал ҳарактерга эга. Чунки, унинг бир қисми ишлаб чиқарувчининг ўзи томонидан истеъмол қилинади. Айрим ҳолларда ишлаб чиқариш билан бир вақтнинг ўзида истеъмол ҳам юз беради. Иккинчидан, товар ҳарактерига эга, яъни унинг ўз истеъмолидан ортикча қисми бозорга чиқариб сотилади.

Уй хўжаликлардаги ишлаб чиқаришни ўзига хос натурал-товар ишлаб чиқариш деб айтиш мумкин. Айтилган белгилар уй хўжалигидаги ишлаб чиқаришни корхоналар ва фермер хўжаликларидagi ишлаб чиқаришдан фарқлантириш учун асос бўлади.

Айрим иқтисодчилар уй хўжалиги ишлаб чиқаришига кичик ва оилавий бизнес ҳамда касаначиликни киритадилар. Лекин бунда қандай илмий мезонлар қўлланилгани номаълумлигича қолади¹. Кичик бизнесга келсак, у фойда топишни кўзлайди, ишлаб чиқаришга капитални жалб этади ва чекланган бўлсада ишлаб чиқариш жараёнида ёлланма меҳнатдан фойдаланади. Ушбу белгилари билан кичик ёки оилавий бизнес уй хўжаликларидан ажралиб туради. Касаначиликда ишчилар корхоналар буюртмаси бўйича уй шароитида фаолият юритишади. Ишлаб чиқариш жараёнидаги ресурслар корхонага тегишли бўлиб, ходимдан фақатгина ўз ишчи кучини сарфлаши талаб қилинади.

Бизнинг фикримизча, уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолияти куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Томорқа ва дехқон хўжалиги.
2. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти (хунармандчилик, касаначилик).
3. Уй рўзгордаги ишлаб чиқариш.
4. Турли хилдаги хизматлар кўрсатиш.

Булар орасида томорқа-деҳқон хўжалиги илгариги даврдан сақланиб келган, лекин у бозор ислохотлари туфайли трансформациялашган ишлаб чиқаришдир. Республика-мизда томорқа хўжаликлари мустақилликдан кейинги даврларда чуқур аграр илохотлар натижасида янгидан шаклланди ва ривожланди. Уларнинг экин майдони кенгайтирилди ва бириктирилган ерларга умрбод эгалик қилиш ва унинг авлоддан-авлодга ўтишига эришилди. Томорқалар-

¹ Ахмедов Ф.А. Бозор муносабатлари шароитида хонадон хўжаликларини ривожлантиришнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатлари.- Т.: 2011. 13-бет.

нинг бир қисми деҳқон хўжаликларига айлантирилди. Шу сабабли у янги бозор муносабатларини биринчилар каторида ва тезда ўзига сингдира олди. Улар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг муҳим жабҳасига айланди. Бу хўжалик ўз характери жиҳатидан кичик оилавий бизнесга яқин туради ва майда товар ишлаб чиқарувчилар сифатида сон жиҳатидан жуда кўпчиликни ташкил қилади. Улар эркин деҳқон бозори учун ишлайди ва бу бозордаги ўзгаришларга тез мослаша олади. Бирок, улар ғоят тарқоқ хўжалик бўлиб, уларнинг фаолиятига стихиялик хосдир. Томорқа-деҳқон хўжаликлари оилавий меҳнатга таянади ва у ердаги ишлаб чиқариш қисман бўлсада натурал ҳарактерга эга. Либераллик даражаси бошқаларга нисбатан юқори, чунки у катта мустақилликка эга ва эркин рақобатли бозор шароитида фаолият юритади.

Мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ва аҳолининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, уларнинг ер майдонларидан самарали фойдаланиш масаласи алоҳида ўрин тутади.

Шу сабабли ўтган давр мобайнида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш каби йўналишларда бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони¹ ва 2017–2021 йилларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.10.2017 йилдаги ПФ-5199 сонли «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹да белгиланган устувор вазифалар мамлакатимизда ушбу соҳани жадал ривожлантириш, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш, ушбу соҳада меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, соҳа субъектларининг экин майдонларидан самарали фойдаланишдаги шахсий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгаларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг тайёрлов, қайта ишлаш, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида замонавий бозор механизмларини жорий этиш, «**Томорқа – қўшимча даромад манбаи!**» шиорини қишлоқ аҳолиси орасида кенг тарғиб қилиш ҳамда ер эгаларининг кундалик фаолиятига сингдириш, ер эгаларининг билим ва тажрибаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш каби бир қатор аниқ чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди.

Соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортиқча қисми, яъни ишчи ва хизматчилар томонидан қўшимча иш вақтида қўшимча меҳнат билан яратилган қисми қўшимча маҳсулот дейилади.

Қўшимча маҳсулот иқтисодиёт назарияси фанининг марказий бўғинларидан бири ҳисобланиб, шунчаки бир иқтисодий категория бўлиб қолмасдан, балки жамият

экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 41-сон, 1061-модда.

¹ http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

тараққиётининг асосини, унинг ривожлананиш даражасини кўрсатиб ва изоҳлаб берувчи, ўзининг ривожланиши оркали ижтимоий маҳсулотнинг яратилиши, тақсимланиши ва истеъмол қилиниши жараёнларининг тараққиёт даражасини акс эттирувчи муҳим марказий тугунлардан ҳисобланади.

Қўшимча маҳсулот иқтисодийёт назарияси фанининг марказий бўғини сифатида доимо кишиларни кизиқтириб келган. Кишилиқ жамияти тараққиётининг қулдорлик, феодализм ва капитализм деб аталмиш босқичларида қўшимча маҳсулотнинг мавжудлиги ҳақида ҳеч ким мунозара қилмайди.

Қўшимча маҳсулот тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар «Иқтисодийёт назарияси» фани ривожининг ўзок тарихига бориб тақалади. Масалан, араб олими Ибн Холдун Абдурахмон Абу Зайд ўзининг 1370 йилда ёзилган «Китобул-ибар» (Ибратли мисоллар китоби)да зарурий ва қўшимча маҳсулотнинг фарқига бориб, уларни ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилган¹.

Кейинчалик физиократлар мактабининг асосчиси Ф.Кенэ ўзининг «Иқтисодий жадвал» асарида меркантилистлардан фарқли иқтисодий фанда олға кадам ташлаб бойлик савдода ёки ташки савдода кўпаймаслигини, у фақат ишлаб чиқаришда ўсиб кўпайишини, бойликнинг бу кўпайиши соф маҳсулот, айникса қўшимча маҳсулот эвазига содир бўлишини кўрсатиб берди. Ф.Кенэ ишлаб чиқарилган маҳсулот билан қилинган харажатлар ўртасидаги фарқни, яъни қўшимча маҳсулот ни соф маҳсулот деб атаган эди.

Кейинчалик қўшимча қиймат назарияси А.Смит ва Д.Рикардолар томонидан анча багафсил ривожлантирилди. Улар янги қиймат ёлланма ишчилар томонидан яратилишини, ёлланма ишчининг иш вақти иккига бўлиниб, зарурий

¹ А.Раззоков, Ш.Тошматов, Н.Урмонов. Иқтисодий таълимотлар тарихи. –Тошкент: «Молия» нашриёти, 2002, 41-42-бетлар

иш вақтида ўзини ва оиласини боқиш учун зарур бўлган қиймат яратишини, иш кунининг қолган қисми бўлган кўшимча иш вақтида эса мулк эгалари ўзлаштириб оладиган кўшимча қиймат яратилишини кўрсатиб берган эдилар¹.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида Россияда 2000 йилдан кейинги йилларда нашр этилган катор янги адабиётларда, жумладан: В.Я.Иохин, В.Б.Акулов, О.В.Акулова, Е.Ф.Борисовлар томонидан ёзилган, шунингдек Д.Д.Москвин, А.Г.Грязнова ва Т.В.Чечеловалар раҳбарлигида муаллифлар гуруҳи томонидан ёзилиб, нашр қилинган иқтисодиёт назарияси дарсликлари ва қўлланмаларида, шунингдек В.П.Петровнинг “Стоимость, деньги. Экономические кризисы перепроизводства” китоби ва “О коррективке теории прибавочной стоимости” деган мақоласида Гюсилнинг “Стоимость потребительная стоимость и потребительская стоимость” каби мақолаларида соф маҳсулотнинг таркибий - қисмлари бўлмиш зарурий ва кўшимча қийматларнинг мазмуни, ҳосил бўлиш жараёнлари, кўшимча қиймат турлари, массаси ва нормаси, уларни кўпайтириш усуллари ҳақидаги масалалар қисман ёритилган.²

Бу ва бошқа чоп этилган кўпчилик адабиётларда ёзилганлардан кўриниб турибдики, асосан кўшимча маҳсулотнинг бир томонига, яъни қиймат тарафига эътибор берилган ва уни кўшимча қиймат деб таърифланган. Ҳолбуки, биз юқорида айтганимиздек, кўшимча қиймат кўшимча маҳсулотнинг бир тарафи, яъни қиймат томони бўлиб, унинг нафлилик тарафи эътибордан четда қолдирилган. Ҳолбуки нафлилик бўлмаса қиймат мавжуд бўлмайди. Лекин шунини таъкидлаш жоизки, кўшимча маҳсулотни ким

¹ Смит А. «Исследование о природе и причинах богатства народов»; Рикардо Д. «Начало политической экономии и налогового обложения». Анталогия экономической классики.- М: 1993. Стр. 46,199.

² Акулов В.Б., Акулова О.В. “Экономическая теория”. Учебное пособие.- Петрозаводск: Петр ГУ. 2002. Стр 156


қандай шаклда тушунишидан қатъи назар, у доимо мавжуд бўлиб, объектив умумиктисодий категория сифатида олимлар томонидан тан олинган.

Қўшимча маҳсулот иктисодиёт назарияси фанининг марказий бўғинларидан бири ҳисобланиб, шунчаки бир иктисодий категория бўлиб қолмасдан, балки жамият тараққиётининг асосини, унинг ривожлананиш даражасини кўрсатиб ва изоҳлаб берувчи, ўзининг ривожланиши орқали миллий маҳсулотнинг яратилиши, тақсимланиши ва истеъмол қилиниши жараёнларининг тараққиёт даражасини акс эттирувчи муҳим марказий тугунлардан ҳисобланади. Қўшимча маҳсулотнинг пайдо бўлиши билан инсониятнинг нафақат яшаб қолиши, балки тараққий этиши учун моддий асос яратилди. Минг йиллар давомида қўшимча меҳнат миқдорини ва бинобарин, қўшимча маҳсулот ҳажмини оширишга бўлган ҳатти-ҳаракатлар, уринишлар пировардида турли элатлар ва мамлакатларнинг иктисодий жиҳатдан ривожланишига, аста секинлик билан бўлсада, инсон эркинлигининг шаклланишига, аҳоли турмуш даражасининг ошишига олиб келди.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, иктисодий тизимларнинг ўзгаришидаги баъзи бир ҳолатлар ҳамда объектив иктисодий ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятига юзаки субъектив ёндашувлар, қўшимча маҳсулотнинг умумиктисодий категория эканлигини унутиш, уни қўшимча қиймат шаклида тасаввур қилиб, фақат капитализмга хос тушунча деган ноўрин тасаввурлар туфайли, қўшимча маҳсулотнинг мазмуни, унинг объектив асослари, амал қилиш шакллари тўғрисидаги назарий тадқиқотлар маълум даражада чекланиб қолди. Бу эса, нафақат фанда, балки иктисодий ривожланиш амалиётида ҳам тараққиётнинг реал асоси тўғрисидаги тасаввурларга, фойда, рента, фоиз, солиқлар каби пул шаклида намоён бўладиган муҳим молиявий кўрсаткичларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги асл манбааларини тушунишга салбий тўсиқ сифатида

таъсир кўрсатди. Амалиётда эса кўшимча маҳсулот массаси ва нормасини аниқлашга, уларни кўпайтириш омиллари ва йўлларини топишга ҳаракат қилинмади. Масаланинг энг ёмон томони шундаки, кўшимча маҳсулот етарли даражада ўрганилмаётганлиги туфайли кўпгина кишилар кўшимча қиймат, кўшилган қиймат ва кўшимча маҳсулот каби алоҳида иктисодий тушунчаларни бир хил синоним тушунча деб қараб чалкашликларга йўл қўймоқда. Ҳолбуки улар орасида сифат ва миқдор жиҳатдан жуда катта фарқлар бўлиб, алоҳида-алоҳида тушунчалардир.

Кўшимча маҳсулотнинг мазмуни ва унинг кўшимча қийматдан фарқини тушуниш учун унинг икки томонлама табиатига эътибор бериш лозим бўлади (13-расм).



13-расм. Яратилган кўшимча маҳсулотнинг икки томонлама табиати¹

Бу чизмадан кўриниб турибдики, кўшимча қиймат кўшимча маҳсулотдан фарқ қилиб, унинг фақат бир томони-ни, яъни қиймат тарафини ифодалайди, кўшимча маҳсулот

¹ Ш.Ш.Шодмонов Кўшимча маҳсулот иктисодий тараққиётнинг мезони ва манбаидир. Иктисод ва молия журнали. –Т.: 2017 й. №8 сон, 11-б.

эса хар иккала томонни, ҳам қўшимча нафлиликни, ҳам қўшимча қийматни ва уларнинг ўзгаришини ифодалайди. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши натижасида меҳнат унумдорлигининг ўсиши (зарурий маҳсулот ўзгармаган ҳолатда) қўшимча маҳсулот миқдорининг ўсишига олиб келади. Қўшимча қиймат эса ўзгармай қолади.

Қўшимча маҳсулот – қўшимча қиймат ва меҳнатнинг унумдорлик кучи кўпайтмасига тенгдир. Демак, қўшимча маҳсулот миқдор жиҳатидан қўшимча қийматдан меҳнатнинг унумдорлик кучи миқдориغا тенг даражада кўпроқ бўлади. Масалан, қўшимча қиймат миқдори 200 минг сўм бўлиб, меҳнат унумдорлиги 1,5 баробарга ошган бўлса қўшимча маҳсулот ($200 \cdot 1,5 = 300$) 300 минг сўмга тенг бўлади.

Яна шу нарсани ҳам таъкидлаш жоизки, иктисодий адабиётлар ва даврий матбуотда айрим муаллифлар қўшилган қиймат билан қўшимча қийматни бир хил тушунча деб қарамокдалар. Лекин улар орасида миқдор ва сифат жиҳатдан жуда катта фарқ мавжуддир.

Қўшилган қиймат – амортизация фонди, иш ҳақи, турли ижтимоий фондлар, солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олади.

Қўшимча маҳсулот эса қўшилган қийматдан амортизация, иш ҳақи ва турли ижтимоий фондлар чегириб ташлангандан қолган қисмини ўз ичига олади.

Мана шу таъкидланган жиҳатлар ва қўшимча маҳсулотнинг функционал вазифасини билиш қўшимча маҳсулот мазмунини тўғри тушуниш имконини беради.

Қўшимча маҳсулотнинг функционал вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Қўшимча маҳсулот уни яратувчи ишчига эмас, балки тадбиркорлар, мулкдорлар ва давлатга, умуман олганда, бутун жамиятга тегишли бўлиб, у орқали ижтимоий ишлаб

чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари кенгайтирилади ва такомиллаштирилади. Шунинг учун, яратилган кўшимча маҳсулотнинг маълум қисми ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларини кўпайтиришга, кўшимча ишчиларни ёллашга, яъни унумли жамғаришга йўналтирилган бўлиши лозим.

2. Кўшимча маҳсулотнинг бир қисми янги мактаблар, касалхоналар, стадионлар, ижтимоий объектлар ва ҳоказолар қуришга, яъни ноишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши учун - мўлжалланган капитал қўйилмаларга, ишлаб чиқаришга янги жалб этилган ишчиларни ҳаётий воситалар билан таъминлашга хизмат қилди. Бу соҳаларга кўшимча маҳсулотнинг бир қисмини ажратиш орқали жамиятнинг прогрессив ривожланишни таъминлаш мумкин.

3. Кўшимча маҳсулот мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш, тартиб интизомни сақлаш ва мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш, шунингдек, давлатни бошқаришга кетадиган харажатларни молиялаширишга хизмат қилди.

Кўришиб турибдики, кўшимча маҳсулотни кўпайтириш ҳеч кимга зарар бермайди, аксинча жамият аъзоларининг ҳаммаси учун манфаатлидир.

Бу айтилганлар мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг иқтисодий манбаи сифатида кўшимча маҳсулотни тўхтовсиз кўпайтириб боришни тақозо этади.

Йил давомида олинган кўшимча маҳсулотлар йиғиндиси кўшимча маҳсулот массаси, унинг зарурий маҳсулотга нисбати эса (фоизда ифодаланиши) кўшимча маҳсулот нормаси деб юритилади.

Ишлаб чиқарилган кўшимча маҳсулот икки таркибий қисмларга бўлинади: биринчи қисми - типик кўшимча маҳсулот; иккинчи қисми устама кўшимча маҳсулот. Кўшимча маҳсулотнинг биринчи қисми ҳар бир муайян ишлаб чиқариш тармоғининг барча корхоналари учун одатий ҳисобланган меҳнат қуроллари, технологиялар, меҳнатни ташкил

этиш шакллари ва ишлаб чиқаришни бошқариш шаклларида яратилади. Бу қўшимча маҳсулот иқтисодий адабиётларда одатдаги, анъанавий, асл қўшимча маҳсулот каби номлар билан юритилади.

Устама қўшимча маҳсулот типик қўшимча маҳсулотдан фарқли ўлароқ тармоқдаги у ёки бу корхонада нисбатан яхшироқ табиий ва иқтисодий шароитлар, омиллар, ресурслар ёрдамида таркиб топади. Ишлаб чиқаришнинг табиий омиллари иқтисодий (сунъий) омиллардан фарқ қилиши сабабли устама қўшимча маҳсулотнинг ҳам икки тури фарқланади. Биринчи тури нисбатан қулай табиий ресурслар (нисбатан юқори тупроқ унумдорлиги, қулай биологик жараён, бозорга нисбатан қулай жойлашув ва ҳ-к.) шароитида таркиб топади. Табиий омилларнинг ҳам тармоқ ичида, ҳам ҳудуд ичидаги табақалашуви жуда кескин намоён бўлади. Меҳнат унумдорлигига табиат кучларининг таъсири ижобий ва салбий бўлади. Ўта қулай шароитдаги омилнинг самардорлиги нисбатан пастроқ қулайликдаги омилнинг самардорлигидан бир неча баробар катта бўлиши мумкин. Ижобий табиат кучларининг табақалашуви биринчи кўринишдаги устама қўшимча маҳсулотнинг табақалашувини белгилаб беради. Салбий табиат кучлари нафақат биринчи турдаги устама қўшимча маҳсулотни, балки унинг муайян жой ва муайян вақтдаги умумий ҳажмининг пасайишига олиб келади. Биринчи турдаги устама қўшимча маҳсулот доимий ҳисобланади.

Иккинчи турдаги устама қўшимча маҳсулот нисбатан қулай сунъий омиллар воситасида таркиб топади. Булар - техник, технологик, ташкилий янгиликларнинг жорий этилиши - ишлаб чиқаришга фан-техника тараққиётининг ютуқларини жорий этиш натижаси ҳисобланади ва келгусидаги тараққиётнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш миқёси ва мулк шаклидан қатъи назар ҳар бир корхонада, тармоқда қўшимча маҳсулотни кўпайтиришга ҳаракат қилинади. Уни кўпайтириш асосан уч йўл

билан - ишловчилар сонини кўпайтириш, иш кунини ўзайтириш ва иш куни чегараси ўзгармаган ҳолда зарурий иш вақтини камайтириш эвазига кўшимча иш вақтини узайтириш йўли билан амалга оширилади.

Ишчилар сонини кўпайтириш ва иш кунини ўзайтириш йўли билан олинган кўшимча маҳсулот **абсолют кўшимча маҳсулот** деб, иш куни ўзгармаган ҳолда, зарурий иш вақтини камайтириб, кўшимча иш вақтини узайтириш эвазига олинган кўшимча маҳсулот эса **нисбий кўшимча маҳсулот** деб аталади. Кўшимча маҳсулотни кўпайтиришнинг биринчи икки йўли чекланган тавсифга эга бўлиб, тарихан ўз умрини ўтаб бўлган усуллардир. Унинг учинчи йўли эса чекланмаган тавсифга эга бўлиб, ҳозирги ва кейинги давр учун мосдир. Фақат у фан техника, технологиялар ривожини талаб этадиган йўлдир.

Шундай қилиб, зарурий ва кўшимча маҳсулотларнинг бир-биридан фаркланиш жиҳатларини қуйидагилар билан изоҳлашимиз мумкин:

1. Соф маҳсулотни зарурий ва кўшимча маҳсулотларга бўлишнинг асосида ишчи кучини нормал ҳолатда такрор хосил қилиш масаласи ётиши керак. Шунинг учун ҳам соф маҳсулотнинг ишчи кучини такрор хосил қилишга сарфланган қисми зарурий маҳсулот, ундан ортгани эса кўшимча маҳсулот ҳисобланади.

2. Фан-техника ютуқларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши умумтаълим тизимининг ривожлантирилишини ва ходимларнинг малакасини ошириш талаб қилади. Шунинг учун ҳам зарурий маҳсулот ҳажми бир томондан нафақат табиий шарт-шароитларга, балки муайян даврда ва маконда фан, техника, маданият, таълим соҳаларида эришилган ютуқларга ва бинобарин меҳнат унумдорлиги даражасига ҳам боғлиқ ҳисобланади. Шу сабабли зарурий маҳсулот ҳажмининг ҳар бир ишчи ходимга тўғри келадиган қисми нафақат йиллар ёки худудлар бўйича,

балки тармоқлар, корхона ва ташкилотлар бўйича ҳам бири-бирдан фарқ қилади.


3. Зарурий ва қўшимча маҳсулотларнинг ҳажмини ҳисоблашда зарурий маҳсулот таркибига соф маҳсулотнинг қуйидаги унсурларини киритишимиз зарур: ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган ишчи ходимларнинг иш ҳақи; аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол фондлари; уй хўжаликларида етиштириладиган соф маҳсулот.

Иктисодиётнинг соҳа ва тармоқлари бўйича зарурий маҳсулот меъри ва массасини ҳисоблашдан олдин уларда яратилаётган соф маҳсулот ҳажмини аниқлаш зарур. Ишлаб чиқариш жараёнида сарфланган қўшимча меҳнат ҳар доим иш кунининг маълум бир қисминигина ташкил қилади, қўшимча қиймат эса барча янгитдан яратилган қийматларнинг бир қисмини ўзида мужассамлаштиради. Яратилган қўшимча маҳсулотнинг ҳажми нафақат соф маҳсулот ҳажмига, балки зарурий маҳсулот ҳажмига ҳам боғлиқдир.

Бу баён этилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, қўшимча меҳнат ва бинобарин, қўшимча маҳсулот бутун-бутун тарихий тараққиёт давомида ишлаб чиқаришни, фан техникани, таълимни, соғлиқни сақлашни, маданиятни ривожлантиришнинг иқтисодий манбаи бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ушбу масалага бағишланган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, зарурий ва қўшимча маҳсулотни ким қандай тушунишидан қатъи назар, доимо мавжуд бўлган объектив умумиқтисодий категориядир. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврдаги адабиётларда ҳам асосан зарурий ва қўшимча маҳсулотнинг бир томонига, яъни қиймат тарафига эътибор берилган, уни зарурий ва қўшимча қиймат деб таърифланган. Ҳолбуки, биз юқорида айтганимиздек, зарурий ва қўшимча қиймат зарурий ва қўшимча маҳсулотнинг бир тарафи, яъни уларнинг қиймат тарафи бўлиб, унинг нафлилик тарафи эътибордан четда қолмоқда.

ЯИМни учга бўлиб ўрганишни ва унинг бир қисми бўлган қўшимча маҳсулотни рад қилиш ўрнига унинг мазмунини, ҳаракат шаклларини пухта ўрганиб, янада кўпайтириш ва тақсимланишини такомиллаштириш йўлларини кидиришга куч сарфлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қўшимча маҳсулотларнинг мазмунини тушунишда уларнинг реал ҳаётдаги модификациялашган шаклларини билиш муҳим рол ўйнайди. Маълумки, қўшимча маҳсулот уларнинг бевосита ишлаб чиқариш жараёнидаги кўринишидир. Аммо, улар айрибошлаш (олди-сотди) ва тақсимлаш жараёнларидан ўтиб, ўз шаклларини ўзгартириб, модификациялашган шакл оладилар. Яратилган қўшимча маҳсулотнинг модификациялашган шакллари 14-расмда аниқроқ тасвирлаш мумкин.



14-расм. Қўшимча маҳсулотнинг модификациялашган шакллари

Фойданинг турли тўловлардан қолган қисми эса тадбиркорларнинг соф фойдаси бўлиб, унинг ҳисобидан ўзларининг истеъмолини кондиради, инвестицияни, турли социал йўналишдаги ишларни амалга оширадилар. Кўриниб турибдики, қўшимча маҳсулотни кўпайтириш ҳеч кимга зарар бермайди, аксинча жамият абзоларининг ҳаммаси учун манфаатлидир.

Ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган қўшимча маҳсулот айрибошлаш (олди-сотди) ва

таксимланиш жараёнида фойдага айланади. Буни ҳозирги даврда корхонанинг умумий фойдаси деб юритилади. Фойдадан давлат солиқ сифатида, ссуда капитал эгалари эса фоиз сифатида, ер эгалари рента сифатида ўз улушларини оладилар. Бу даромад турлари кўшимча маҳсулотнинг сотилиб, дастлабки таксимлангандан кейинги ўзгарган шакллари дир. Юзаки реал ҳаётда кўшимча маҳсулот юкоридаги шаклларда намоён бўлади.

Иқтисодий жараёнлар, рўй бераётган иқтисодий воқеа ва ҳодисаларни тадқиқ қилишда ва реал иқтисодий ҳаётда кўшимча маҳсулотнинг эътиборсиз қолдирилаётганлигига асосий сабаблардан бири, бизнинг назаримизда, унинг юзаки реал иқтисодий ҳаётдаги ўзгарган, модификациялашган шакллари билан чуқур илдизи ўртасидаги боғланишни ва уларнинг бевосита бир-бирига ўзаро таъсирини билмасликдан келиб чикса керак, деб ўйлаймиз. Мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларидаги олинган ялпи фойда миқдори даражаси кўшимча маҳсулот массасига тенг бўлади. Лекин тармоқлар, ҳудудлар ва корхоналарда яратилган кўшимча маҳсулот миқдори билан ялпи фойда ҳажми бир-бирига тенг келмайди, чунки, рақобат курашлари, нархлар ва бошқа таксимлаш механизмлари орқали бир муайян корхона, тармоқ ёки ҳудудда яратилган кўшимча маҳсулот бошқаларига ўтиб кетиш ҳолатлари юз бериб туради.

Товар ва хизматлар сотилганда уларнинг умумий қиймати пул тушумига, яъни пул даромадларига, ундаги кўшимча маҳсулот эса ялпи фойдага айланади. Бундан кўришиб турибдики, олинган ялпи фойданинг ҳақиқий манбаи кўшимча маҳсулот дир.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, республикамызда таҳлил қилинаётган даврда кўшимча маҳсулот модификациялашган шакллари билан бири бўлган фойда ҳажми иқтисодиётнинг турли хил тармоқ ва соҳаларида турлича даражада ўсиш тенденцияси кузатилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқларида фойда миқдорининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. (7-жадвал).

**Иқтисодий тармоқлари бўйича фойда, зарар(-)
(млрд. сўм)***

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2000	2005	2010	2015	2016
Фойда – жами	283,3	1837,2	4520,8	14364,1	19323,1
Шу жумладан					
Саноат	84,4	1246,7	3245,1	9762,4	13658,4
Қишлоқ хўжалиги	18,6	-48,9	28,4	46,3	53,7
Қурилиш	16,0	43,6	81,5	346,1	420,9
Транспорт ва алоқа	98,8	451,3	879,2	2637,5	3215,4
Тайёрлов	0,7	0,5	1,1	1,4	1,4
Моддий-техника таъминоти ва сотиш	18,3	8,2	1,3	12,6	18,4
Савдо ва умумий оватланиш	28,4	40,2	220,6	1237,4	1584,6
Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	1,5	0,3	6,3	49,2	56,3
Коммунал хўжалик	3,5	65,5	-12,4	44,1	49,2
Бошқа тармоқлар	13,1	29,8	69,7	227,1	264,8

7-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2000 йил саноатда ялпи фойда миқдори 84 млрд сўмдан ортиқроқ бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилга келиб 14 баробарга, 2016 йилда эса, 2000 йилга нисбатан 162 баробарга ортган ва

¹ “Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2015” 207-бет, Т: 2016, Ўз.Рес. давлат статистика қўмитаси ва интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

* Бюджет ва суғурта ташкилотлари, банклар, чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, кичик корхона ва микрофирмлар, деҳқон ва фермер хўжаликларисиз.

иқтисодиёт ялпи фойдасининг деярли 71,5 фоиздан ортиғини ташкил этган. Бундан ташқари, транспорт, алоқа, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида ҳам фойда миқдорида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилган. Бу мамлакатимизда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлигидан далолоат беради. Бунга асосан, давлат томонидан қулай инвестицион муҳитнинг яратилганлиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига турли хилдаги имтиёзларнинг берилганлиги, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ишларининг пухта ўйлаб чиқилганлиги ва иқтисодиётни модернизациялаш дастурларининг амалга оширилганлиги туфайли эришилди. Лекин шу билан биргаликда иқтисодиётимизнинг айрим тармоқларида фойда миқдорининг жуда секинлик билан ўсаётганлигини ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, 2005-2009 йилларда зарар билан яқунланган. Фақат 2010-йиллардан кейинги даврларда ушбу соҳа фойда билан чиққанлигини кузатишимиз мумкин. Бунга асосий сабаб, бизнинг назаримизда, бир томондан, ўша даврларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоклаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги бўлса, иккинчи томондан, деҳқончилик маҳсулотларига нисбатан паст нархларнинг ўрнатилганлигидадир. 2010 йилдан кейинги даврларда бундай салбий ҳолатларни бартараф қилиш мақсадида ҳукуватимиз томонидан жуда катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши ва ушбу масала юзасидан Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши, аграр соҳадаги ислоҳотлар ҳамда таркибий ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги тармоғининг кейинги йилларда фойда билан чиқишига сабаб бўлди.

7-жадвал маълумотлари иқтисодиётда фойда ҳажмининг номинал кўринишини ифодалайди ҳолос. Ушбу кўрсат-

кичларга асосланиб, хулоса чиқаришдан олдин мамлакатда нархлар даражасининг ўзгариши (ўсиши) реал иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга таъсирини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун иқтисодиётда ялпи фойда ҳажмини ЯИМга нисбатан фоизда ифодалаш иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг реал ҳолатини акс эттиришда ва тегишли хулосалар чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Илмий изланишларимиз натижасида республикада ЯИМ ҳажмининг ортиши ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ҳали-ҳанузгача экстенсив омиллар ҳисобига амалга оширилаётганлиги кузатилмоқда. Буни республика иқтисодиётида яратилган маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи пул тушумларида таннарх ва фойда улушининг ўзгаришидан англаш мумкин. (8-жадвал)

8-жадвал

Республикада ялпи пул тушумларида сотилган маҳсулот таннархи ва фойда улушининг ўзгариши, (% да)¹

	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Ялпи пул тушумлари (маҳсулот сотишдан)	100	100	100	100	100	100	100	100	100
<i>Ялпи пул тушумларидаги улуш</i>									
сотилган маҳсулот таннархи	74,1	73,8	72,6	72,1	71,7	71,9	72,8	74,2	74,6
ялпи фойда	26,2	26,9	27,4	27,9	28,3	28,1	27,2	25,8	25,4
солиқлар тўлангунга қадар фойда	10,8	11,2	11,7	12,7	10,8	13,5	12,2	9,8	11,2
соф фойда	7,3	7,6	8,1	8,2	7,0	9,3	8,2	6,5	7,9

¹ Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

8-жадвал маълумотларидан кўринадики, сотилган маҳсулот таннархнинг ялпи пул тушумларидаги салмоғи 2012 йилгача бироз камайиб борган бўлса-да, кейинги йилларда у янада ортиб 2016 йилда 2000 йилдаги даражадан ҳам ортиб кетган. Фойда барча турларининг ялпи пул тушумларидаги улушининг ўзгариши таннархнинг ўзгаришига мос равишда рўй берган. Уларнинг пул тушумларидаги салмоғи 2012 йилгача қисман ортиб, кейинги йиллардан пасайиб, 2016 йилда 2000 йилдаги даражадан 0,6 пунктга ортиқ бўлган. Бу пасайиш 2000 йилга таққосланганда ялпи фойда бўйича 0,8% ни ташкил этган.

ЯИМ таркибининг сифат жиҳатдан такомиллаштириб борилиши ва иктисодий ўсишда интенсив омиллар ролини ошириш талаби маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларни камайтириш ҳисобига унинг таннархини пасайтириб боришни тақозо этади. Ҳолбуки, таҳлилларимиз натижасида, республикада маҳсулот таннархи ва уларнинг сотишдан олинган пул тушумларида фойда улушининг бир хил даражада сақланиб қолишга мойиллиги кузатилди (9-жадвал).

9-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМ қиймат таркибидаги ўзгаришларнинг тамойиллари¹

	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Сотилган 100 сўмлик маҳсулот таннархи (сўм)	71,3	71,8	72,6	72,1	72,1	71,9	72,8	72,4	73,1
<i>Сотилган маҳсулотнинг 100 сўми ҳисобига олинган</i>									
ялпи фойда	28,8	28,3	27,4	27,9	28,4	28,1	27,2	27,6	26,9
солиқлар тўлангунга қадар фойда	12,8	12,5	11,7	12,7	10,8	13,5	12,2	12,7	13,2
соф фойда	9,1	8,8	8,1	8,2	7,0	9,3	8,2	7,9	8,4

¹ Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

9-жадвал маълумотлари, бу ҳолат, мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатлари ва ЯИМ ҳажмининг ортиши устувор экстенсив омиллар ҳисобига таъминланаётганлигини англатади. Ички бозорда нархларнинг нисбатан барқарор сақланиб туриши, импорт товарлар нархининг ўсиб бориши, жаҳон бозорида экспорт қилинадиган товарлар нархларидаги салбий ўзгаришлар (асосан хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларига) ҳам ЯИМ таннархининг ўсиб, сотилган маҳсулот бирлиги ҳисобига олинган фойда миқдорининг камайиб боришига ўз таъсирини кўрсатган.

Ушбу салбий оқибатларни бартараф қилиш мақсадида мамлакатимизда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилди ва унда иқтисодий интенсив омиллар ҳисобига ривожлантиришни таъминлайдиган бир қатор аниқ вазифалар белгилаб қўйилди. Республикада иқтисодий интенсив ривожлантириш орқали унинг тармоқ ва соҳаларида фойда меъёрининг ошишига фақатгина “...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш” орқали эришиш мумкин.¹

Иқтисодий таҳлил ва кузатувларимиз шуни кўрсатдики, олинаётган фойда бир томондан, ЯИМ ҳажми ва қўшимча маҳсулот массасининг ошиш натижаси бўлса, иккинчи томондан, ҳар бир корхона, тармоқ ва ҳудуд фойдани кўпайтиришга интилиб, ЯИМ ва қўшимча маҳсулотнинг тўхтовсиз кўпайиб боришига таъсир кўрсатмоқда. Фойда ЯИМ

¹ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

ҳажмини кўпайтиришни рағбатлантиришнинг ўта таъсирчан ричаги бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини ривожлантиришда ушбу ричагдан унумли фойдаланиш зарур.

Кўшимча маҳсулотнинг модификациялашган шаклларида яна бири бу - фоиз ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаларига қарзга берилган пул капитали (кредит) ҳисобига олинadиган даромад фоиз ёки фоизли даромад дейилади.

Ҳар қандай мамлакатда кредит муносабатлари, ставкалари ва тартиб-қоидалари Марказий банкнинг монетар сиёсати орқали тартибга солинади.

Кўшимча маҳсулот муаммоси жуда катта масала бўлиб, биз бу бир рисола ёки мақолада уни ҳар томонлама батафсил ёрита олмаймиз. Биз фақат кўшимча маҳсулотнинг келиб чиқиши, мазмуни таркиби, ва реал иқтисодий ҳаётдаги модификациялашган кўринишлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик.

Бугунги кунда иқтисодиёт назарияси фанида кўшимча маҳсулот тўғрисидаги тадқиқотларни янада чуқурлаштириш, унинг яратилиши ва тақсимланиши механизмларини ўрганиб, уларни такомиллаштириш, турли модификациялашган шакллари иқтисодий табиатини ўрганиш, уни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

6. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ЧЕГАРАСИ

Иқтисодиёт назарияси фани мавжуд чекланган иқтисодий ресурслардан қандай қилиб фойдаланилганда жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини тўлароқ қондириб бориш мумкин, деган муаммо устида бош қотиради. Бунда, биринчидан, иқтисодий ресурслардан фойдаланишнинг турли хил

муқобил вариантлари мавжуд бўлиши кўзда тутилиб, улардан энг самаралиси, яъни жамият эҳтиёжларини анча тўла-роқ қондирадиган миқдорда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш имконини берадиган турини танлаб олишга ҳаракат қилинади.

Иккинчидан, иқтисодий ресурслар нисбатан чекланганлиги сабабли жамият аъзоларининг барча эҳтиёжларини бирданига қондириш мумкин бўлмайди. Шунинг учун жамиятга қайси маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайсиларидан вақтинча воз кечиш лозимлигини ҳал қилиш, яъни танлашни амалга ошириш зарур бўлади. Шундай танлаш орқали, ресурсларнинг мавжуд даражасида маҳсулот олишнинг аниқланган энг юқори миқдори жамиятнинг ишлаб чиқариш имкониятини кўрсатади. Жамиятнинг ишлаб чиқариш имкониятидан тўлиқ фойдаланиш учун иқтисодий ресурсларнинг тўла бандлигига эришиш ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажмини таъминлаш зарур.

Тўла бандлик – иқтисодиётдаги ишлаб чиқаришга яроқли бўлган барча ресурслардан тўла унум билан фойдаланиш ҳолати. Бунда ишчи мажбурий ишсиз бўлиб қолмаслиги, иқтисодиёт ишлашни хоҳлаган ва унга лаёқатли бўлган барча ишчи кучини иш билан таъминлаши, ҳайдаладиган ерлар, бино ва иншоотлар ёки капитал ускуналар ҳам бўш қолмаслиги ҳамда тўла қувват билан ишлаши лозим.

Ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажми, ресурсларни самарали тақсимлашни, яъни улардан маҳсулотнинг умумий ҳажмига энг кўп хисса қўшадиган қилиб фойдаланишни ва мавжуд технологияларнинг энг яхшисини қўллашни ҳам билдиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш имкониятларининг маълум чегараси бўлади. Чунки, ресурслар камёб бўлганлиги сабабли иқтисодиёт тўла бандлик ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажмида ҳам товар ва хизматларни

чекланмаган миқдорда ишлаб чиқаришни таъминлай олмайди.

Ишлаб чиқариш имконияти чегарасини жадвал маълумотларидан фойдаланиб янада аниқроқ тасвирлаш мумкин (10-жадвал).

10-жадвал

**Ресурслар тўлиқ банд бўлганда ишлаб чиқариш
имкониятлари
(шартли рақамлар)**

Маҳсулот тури	Муқобил вариантлар				
	А	В	С	Д	Е
Нон (млн. дона)	0	1	2	3	4
Тегирмон (минг дона)	10	9	7	4	0

Ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси тўғрисида яхшироқ тасаввурга эга бўлиш учун:

биринчидан, иқтисодиёт фақат икки хил маҳсулот – нон ва тегирмон ишлаб чиқаради (бунда нон истеъмол товарларини, тегирмон ишлаб чиқариш воситаларини билдиради);

иккинчидан, иқтисодий ресурслар миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгармайди;

учинчидан, меҳнат унумдорлиги ва технология доимий бўлиб қолади, деб фараз қиламиз.

Мавжуд ресурслар чекланганлиги сабабли иқтисодиётнинг тегирмон ва нон ишлаб чиқариш ҳажмини бирданига кўпайтириб бориш имконияти чекланган. Ресурсларнинг чекланганлиги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг чекланганлигини билдиради. Бундай шароитда тегирмон ишлаб чиқаришни ҳар қандай кўпайтиришга ресурсларнинг бир қисмини – нон ишлаб чиқаришни камайитириш орқали эришади. Аксинча, агар нон ишлаб чиқаришни кўпайтириш афзал кўринса,


бунинг учун зарур ресурслар фақат тегирмон ишлаб чиқаришни қисқартириш ҳисобига олиниши мумкин.

Жадвалда жамият танлаши мумкин бўлган саноат тегирмонлари ва нон миқдорининг муқобил уйғунлашуви ифодаланган. А муқобил вариантга биноан, иқтисодиёт ўзининг бутун ресурсларини тегирмон, яъни ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришга йўналтиради. Е муқобил вариантда эса мавжуд ресурслар тўлиғича нон, яъни истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Жадвалдаги асосий ғоя қуйидагича: ҳар қандай вақт оралиғида иқтисодиёт тўла бандлик ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажмида нон маҳсулотини кўпроқ ишлаб чиқариши учун тегирмоннинг бир қисмидан воз кечиши зарур. Иқтисодий ресурслар камёб бўлганлиги сабабли, иқтисодиёт нон ва тегирмон ишлаб чиқариш ҳажмини бир вақтда кўпайтира олмайди.

Ишлаб чиқариш имконияти ҳақидаги тушунчани чуқурлаштириш учун жадвалда келтирилган маълумотларни расмда тасвирлаймиз (15-расм).

Ишлаб чиқариш имконияти эгри чизигидаги ҳар бир нуқта икки хил маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қандайдир энг кўп ҳажмини кўрсатади. Жамият учун маҳсулотларнинг эришиб бўладиган ҳар хил уйғунлашувларидан танлаб олиш имконияти эгри чизиқ ичида жойлашади.

Нон ва тегирмон ишлаб чиқаришнинг ҳар хил уйғунлашувини амалга ошириш учун жамият улардаги мавжуд ресурсларнинг тўла бандлиги ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажмини таъминлаши зарур. Нон ва тегирмоннинг барча уйғунлашуви уларнинг энг кўп миқдорини кўрсатиб, бу барча мавжуд ресурслардан эса самарали фойдаланиш натижасида олиниши мумкин.



15-расм. **Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи**

Иқтисодиётда ресурсларнинг тўла бандлиги ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш учун ҳар иккала маҳсулотнинг танланган ҳажми ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи деб номланувчи ABCDE чизиғида жойлашган бўлиши лозим. Бу чизиқдан чап томонда жойлашган ҳар қандай нукта ресурслардан тўлиқ фойдаланмасликни англатади. Масалан, расмдаги G нукта иқтисодиётда 1,6 млн. дона нон ва 5 минг донга яқин тегирмон ишлаб чиқарилаётганини билдиради. Бу эса, ресурслардан фойдаланишнинг муайян даражасида, кўшимча ресурсларни жалб этмаган ҳолда, куйидаги ҳаракатларни амалга ошириш имконияти мавжудлигини кўрсатади:

а) нон ишлаб чиқаришнинг мавжуд ҳажмини сақлаб қолган ҳолда, тегирмон ишлаб чиқариш ҳажмини 8 минг донагача етказиш;

б) тегирмон ишлаб чиқаришнинг мавжуд ҳажмини сақлаб қолган ҳолда, нон ишлаб чиқариш ҳажмини 2,7 млн. донагача етказиш;

в) бир вақтнинг ўзида ҳар иккала маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш.

Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигидан ташқарида жойлашган ҳар қандай нуқтага (масалан W) ресурсларнинг мавжуд ҳажми ва ишлаб чиқаришнинг мавжуд технологияси даражасида эришиб бўлмайди.

Жамият бу маҳсулотлар уйғунлашувидан бирортасини танлаши зарур: кўпроқ тегирмон ишлаб чиқариш камроқ нон ишлаб чиқаришни билдиради ва аксинча. **Ҳар қандай маҳсулотнинг қандайдир миқдорини олиш учун, воз кечишга тўғри келадиган бошқа маҳсулот миқдори бу маҳсулотнинг муқобил харажатлари деб аталади.**

Биз бу ерда фақат икки нарса тегирмон ва нон мисолида иқтисодий ресурсларнинг тўла бандлиги ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажми билан хусусиятли деб ҳисобладик. Агар банд бўлмаган ресурслар бўлса ёки ресурслардан самарасиз фойдаланилса (тўлиқ фойдаланилмаса) иқтисодиёт жадвалда кўрсатилган ҳар бир муқобил вариантдагидан камроқ маҳсулот ишлаб чиқарган ва бу расмда келтирилган ишлаб чиқариш имконияти эгри чизигининг ичида жойлашган бўлар эди.

Агар ресурсларнинг миқдори, сифати ҳамда техника, технология ўзгарса иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ҳам (ишлаб чиқариш имконияти эгри чизигининг ҳолати) ўзгаради. Мавжуд ресурсларнинг кўпайиши ҳар бир вариантда битта ёки ҳар иккала маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишига олиб келади.

Ҳозирги даврда фан-техника тараққиёти ва бинобарин техника ва технологиялар ўзгариши жадаллашган вақтда ишлаб чиқариш имконияти тўхтовсиз кенгайиб боради. Энергиянинг, хомашё ва материалларнинг янги турлари топилиб ишга тушурилади. Янги техника ва технологиялар қўлланилиб, меҳнат унумдорлиги, ерлар ҳосилдорлигини, чорва моллари маҳсулдорлигини, тежамкорликни ошириш имконини беради.

7. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА УНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва уни ошириш масаласи ҳар доим иқтисодиёт назарияси фанининг долзарб муаммоси сифатида, унинг диққат марказида бўлиб келади. Айниқса, ҳозирги иқтисодий тараққиётни жадаллаштириб, уни янги босқичга кўтариш пайтида, бу масала янада кескин қўйилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан туриб мамлакатимиз олдида турган муҳим масала – мустақил иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, уни илғор мамлакатлар қаторига киритиш, халқ фаровонлигини ошириш вазифасини амалга ошириб бўлмайди. **Самарадорликнинг иқтисодий мазмуни сифатида ҳар доим ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан унга авансланган ресурслар, маблағлар ёки қилинган харажатлар ўртасидаги нисбат тушунилади.**

Лекин, турли ижтимоий-иқтисодий тизимлар шароитида шу жамиятнинг мақсадидан келиб чиқиб, самарадорлик муаммосининг туб моҳияти ўзгаради. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилганлиги сабабли ҳар бир иқтисодий субъект кўпроқ фойда олишга интилади. Иқтисодий адабиётларда самарадорликнинг бош мезони ҳақида ҳам турлича фикрлар мавжуд. Айрим олимлар ишлаб чиқариш

самарадорлигининг бош мезони фойда, бошқа бирлари эса ялпи миллий маҳсулот, соф маҳсулот, учинчилари миллий даромад, тўртинчилари эса кўшимча маҳсулот деб кўрса-тадилар. Биз бу ўринда санаб ўтилган фикрларнинг қайси бири тўғри эканлиги ҳақида батафсил тўхтолмаймиз, лекин шуни айтиш керакки, кўпчилик олимлар томонидан бозор иқтисодиёти шароитида самарадорликнинг бош кўрсаткичи олинган фойданинг харажатларга нисбати, яъни рента-беллик ёки фойдалилик даражаси билан белгиланади, деб тан олинади. **Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги олинган фойданинг (Ф) ишлаб чиқаришга сарфланган ресурслар қийматига (И) нисбати билан аниқланади, яъни:**

$$P' = \frac{\Phi}{I} \times 100\% ,$$

бу ерда: P' – фойда нормаси;

Φ – фойда суммаси;

И – иқтисодий ресурс сарфлари.

Мисол учун, А корхонада йил давомида 800 млн. сўмлик ресурс харажат қилиб, 200 млн. сўм ҳажмида фойда олинган бўлсин. У ҳолда фойда нормаси 25% ($200 \times 100 / 800$) ни ташкил этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп қиррали масала бўлиб, бу айtilган биргина асосий кўрсаткичда, уни тўла равишда ҳар томонлама ифодалаб бўлмайди. Шунинг учун ишлаб чиқариш самарадорлигини тўла ифодалашда унда қатнашган омилларнинг унумдорлигини, улардан самарали фойдаланиш даражасини ифодалайдиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг манба ва усуллари тавсифловчи умумий иқтисодий қонунлардан бири вақтни тежаш қонуни ҳисобланади. **Вақтни тежаш қонуни – ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиб**

бориши билан жамият томонидан ҳаётий неъматлар бирлигини яратишга сарфланаётган вақтнинг қисқариб боришини ифодаловчи умумий иқтисодий қонун. Вақтни тежаш ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий ресурсларини умумлаштирувчи даражаси ҳисобланади. Ҳар қандай тежам охир-оқибатда вақтни тежашга бориб тақалади. Вақтни тежаш қонунининг мазмуни жонли ва буюмлашган меҳнатни, яъни муайян даврда сарфланган иш вақти жамғармаси ҳамда ўтган даврлардаги иш вақти сарфларининг натижасини тежашни ўз ичига олади. Вақтни тежаш қонуни намоён бўлишининг аниқ шакли бўлиб қуйидагилар майдонга тушади:

- 1) меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- 2) машина ва жиҳозлардан фойдаланишнинг яхшила- ниши;
- 3) ишлаб чиқариш материал сиғимининг пасайиши;
- 4) хўжалик нисбатларининг оптималлашуви.

Бундан кўринадики, ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири меҳнат унумдорлигидир. **Меҳнат унумдорлиги деб ишчи кучининг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот яратиш қобилиятига айтилади ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (истеъмол қийма- тининг) сарфланган меҳнат миқдорига нисбати билан белгиланади.** Сарфланган меҳнат миқдори эса ишланган вақт билан, киши куни, киши соати ва ҳ.к. билан белги- ланади. Агар меҳнат унумдорлигини MU , маҳсулотни M билан, сарфланган иш вақтини B билан белгиласак, меҳнат унумдорлиги қуйидагича аниқланади:

$$MU = M/B .$$

Меҳнат унумдорлиги сарфланган жонли меҳнатнинг ҳар бир бирлиги эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқ- дори билан аниқланади. Мисол учун, «А» корхонада 40 киши меҳнат қилиб, улар кун давомида 8 минг дона маҳсу-

лот ишлаб чиқарган бўлсинлар. У ҳолда, бир киши кунда яратилган маҳсулот 200 донани ташкил этади. Агар маҳсулот сони 10 минг донага етса, у ҳолда бир киши кунда яратилган маҳсулот 250 донани ташкил этиб, меҳнат унумдорлиги 125% ($250 \times 100 / 200$) га ошади.

Самарадорликни аниқлашда капитал унумдорлиги кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади ва уни ишлаб чиқаришда қатнашган капиталнинг ҳар бир бирлиги эвазига олинган маҳсулот, даромад ёки фойда миқдори билан аниқланади. Агар капитал унумдорлигини – $KУ$, ишлаб чиқаришда қатнашган капитал миқдорини – K , маҳсулотни – M , яъни даромадни – $ЯД$, фойдани – Φ деб белгиласак, қуйидаги формулалар ҳосил бўлади:

$$KУ = M / K ; \quad KУ = ЯД / K ;$$

$$KУ = \Phi / K .$$

Самарадорликни аниқлашда бу кўрсаткичлардан ташқари маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, энергия сиғими деган кўрсаткичлар ҳам қўлланилиб, улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳар бир бирлигини яратиш учун кетган, ёки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат, энергия ва моддий ашёлар миқдорини ифодалайди. Бу кўрсаткичларнинг ҳар бири ишлаб чиқаришда қатнашган турли омиллар самарадорлигини ифодалаб, бир-бири билан чамбарчарс боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун унга таъсир қиладиган омилларни ҳам билиш зарурдир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бир қанча омиллар таъсир қилади:

1) фан-техника тараққиётни тезлаштириш, энергияларнинг хом-ашё ва материалларнинг янги турларини топиш ва унинг натижаларини тезлик билан ишлаб чиқаришда қўллаш;

2) табиий ва иқтисодий омилларни ҳисобга олиб ишлаб чиқаришни рационал жойлаштириш, ихтисослаштириш ва кооперациялаш;

3) иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва унинг ташкилий бўғинларини ўзгартириш;

4) ишлаб чиқарувчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб, уларнинг фаоллигини ошириш;

5) мавжуд табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш, янги, арзон, сифатли хомашё ва энергия турларини, экинларнинг янги ҳосилдор навларини, чорва молларининг махсулдор зотларини топиб, ишлаб чиқаришга жорий қилиш;

б) кишиларнинг билим савиясини, малакасини ошириш, етук ишчи ва мутахассислар тайёрлаш.

Булар ичида фан-техника тараққиёти натижаларини ишлаб чиқаришда қўллаш, ҳамма ишга инновацион ёндашиш омили ҳозирги кунда республикамиз учун долзарб ва муҳим аҳамият касб этади. Фан-техника тараққиётининг эволюцион ва революцион шакллари фарқланади. *Эволюцион* шаклда ривожланиш деганда, ФТТнинг мавжуд технологияси асосида, машиналар ва ускуналар қисман модернизациялаш асосида ривожланиши тушунилади. *Революцион* шаклда ривожланиши деганда эса, фан-техниканинг бир қанча соҳаларида бирданига катта ўзгаришлар бўлиб, техниканинг энг сўнги янгиликларини, авлодларини ишлаб чиқаришда қўллаш, тамойилиал янги технологик тизимга ўтиш тушунилади. Фан-техника тараққиётининг кейинги шаклда ривожланиши юксак самара беради. Шунинг учун ҳам айрим меъёрий ҳужжатларда ва мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев маърузаларида иқтисодиётнинг барча тармоқларини ҳозирги замон фан ва техникасининг энг янги ютуқлари асосида тайёрланган техника ва технологиялар билан қайта қуроллантириш лозимлигини таъкидламоқда. Жумладан. Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида “ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жихатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш”¹ вазифаси қўйилган.

8. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти унинг ўз олдига қўйган аниқ мақсад ва вазифалари ҳамда шулардан келиб чиққан ҳолда сўзсиз амалга оширилиши шарт бўлган стратегик режалари амалга оширилиши билан бевосита боғлиқдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони билан тасдиқланган тараққиётимизнинг келгуси беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилди.

Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизни ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши – 1) давлат ва жамият қурилишини тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари; 2) қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари; 3) иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари; 4) ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари; 5) хавфсизлик, диний

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони, 3.2-банди.

бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устивор йўналишлар каби аниқ, ҳаётий ислохотлар, уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб берилди. Бу вазифалар мамлакатимизда ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама уйғун ва жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, барча соҳани модернизация қилиш ва эркинлаштиришдек буюк мақсадларга қаратилган.

Бугун жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бормоқда. Ана шундай мураккаб вазият давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиб, амалга оширишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналишида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва либераллаштириш борасида энг долзарб масалалар ечими борасида аниқ вазифаларнинг белгилаб берилгани бу борада ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мазкур дастуриламал ҳужжатнинг учинчи йўналиши иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга қаратилган бўлиб, у 5 қисмдан иборатдир. Бунда қуйидаги тармоқ ва соҳаларда келгуси беш йилда амалга ошириладиган вазифалар ҳақида сўз боради:

1. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш;

2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш;

3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш;

4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқи ҳимоя қилиш ва уни устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш;

5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш.

Иқтисодиёт соҳасида белгиланган бу стратегик вазифалар бевосита ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш натижасида ЯИМнинг ҳажмининг турини кўпайтириш ва сифатини ошириш билан боғлиқдир.

Бу борада аввало макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш вазифаси белгиланган. Бу эса харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда, Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносиб мувозанатни сақлашни, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга йўналтирилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришни тақозо этади.

Бунда миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида sanoat, хизматлар кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш мақсад қилинган. Мазкур жараён ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш асосида амалга оширилади.

Sanoatни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳ-

сулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш, тамойилиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳам мазкур йўналишнинг энг муҳим ва устувор вазифаларидандир.

Ишлаб чиқариш маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсати давом эттирилмоқда. Энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импорти ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш, эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналарни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган зоналарнинг самарадорлигини ошириш орқали эришилади.

Хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш, туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификациялаш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш – миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим шарти.

Экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этишга ғоят катта аҳамият қаратилмоқда. Буларнинг бари йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, иқтисодиётнинг умумий ривожини, аҳоли барча қатламнинг ҳаёт даражасини ва сифатини айнан ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларининг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиб, мамлакатимиз аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини ўзимизнинг ресурс ва имкониятларимизни реал баҳолаган ҳолда, аниқ стратегик мақсадни – яъни, 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камида 2 баробарга ошириш вазифасини қўйилмоқда.

Бу масаланинг ўта муҳимлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд кўпайтиришга эришишимиз даркор”¹, деб таъкидладилар. Президентнинг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган Фармонида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини жадал ривожлантириш, ЯИМ ҳажмини кўпайтириш, макро-

¹ Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлиси тўғрисида ахборот // Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.

иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ҳар томонлама ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

Мазкур дастуриламал ҳужжатга мувофиқ макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш йўналишида халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан алоқаларни кенгайтиришга катта аҳамият қаратилган. Бу билан, аввало, халқаро молиявий институтлар пул маблағларини жалб қилиш орқали молиялаштириладиган инвестициявий лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда 2017-2020 йилларда Жаҳон банкнинг 3 млрд дол.лик кредитлари ҳисобидан 27, Осиё тараққиёт банкнинг 2,97 млрд дол.лик кредитларини жалб қилган ҳолда 20 та лойиҳа амалга оширилади.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ислом тараққиёт банкнинг 1 млрд дол.лик кредитлари жалб қилиниб, қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Бунинг амалий натижаси сифатида шу йилнинг 1 май куни Ўзбекистон ҳукумати ва Ислом тараққиёти банки (ИТБ) 300 млн. дол.лик молиявий келишувни имзолади. Тақдим қилинган маблағлар “Қишлоқ жойларида турар-жой қурилишини ривожлантириш” лойиҳасининг 2-босқичини амалга ошириш йўналтирилади. ИТБ маблағларни 15 йиллик, жумладан, 2 йиллик имтиёзли муддатга берди. Лойиҳа доирасида 2017-2021 йилларда Ўзбекистоннинг 6 вилоятида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида 6,4 мингтадан кўпроқ уй, 110,52 км кириш ва ички йўллар, 197,8 кмлик ичимлик суви тизими қурилади. Лойиҳанинг амалга оширилиши қишлоқ жойларида яшовчи 30 мингга яқин одамнинг яшаш шароитларини яхшилашга имкон беради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури бўйича ҳамда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, ЎзТТЖ, тижорат банклари кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан 2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 млрд АҚШ дол.и миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари белгиланиб, амалга оширилмоқда. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 5 йилликнинг охирига бориб саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баробар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизга, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизга ошади. 2017 йилда 75 дан ортиқ янги турдаги рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ўзлаштириш кўзда тутилган бўлиб, у жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

2017 йилда умумий қиймати 1 млрд дол.лик 145 та ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш, шу жумладан:

- мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 147 млн. дол.лик 63 та лойиҳа;
- рангли ва қимматбаҳо металлارни чуқур қайта ишлаш бўйича 217 млн. дол.лик 6 та лойиҳа;
- кимёвий хомашёларни чуқур қайта ишлаш бўйича 25 млн. дол.лик 2 та лойиҳа;
- углеводород хомашёларини қайта ишлашни чуқурлаштириш бўйича 342 млн. дол. лик 6 та лойиҳа;
- тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича 6 млн. дол. лик 9 та лойиҳа;

- фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оширишга йўналтирилган 24 млн. дол.лик 7 та лойиҳа;
- қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича 151 млн. дол.лик 29 та лойиҳа;
- тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича 178 млн. дол.лик 15 та лойиҳаларни ишга тушириш мўлжалланган.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурида 2017-2021 йилларда аҳолининг энергия таъминотини яхшилаш учун кўмир қазиб олиш соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан кўмир қазиб олишни йилига 7,8 млн. тоннага ошириш имконини берувчи инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.¹

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, уларнинг натижалари ҳозирнинг ўзидаёқ намоён бўлмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш масаласини ҳал этиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётнинг таянч тармоқларидаги 4400 дан ортиқ корxonанинг рентабеллик даражасини ошириш ва молиявий соғломлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини юксалтириш асосида ишчилар сонини кўпайтиришга эришиш режалаштирилган. Бу тадбирлар натижасида корxonаларнинг рентабеллик даражаси ошди, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ва ишчилар сони кўпаяди.

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. –Т.: ТДИУ. “Маънавият” 2017 й. 121-б.

Иқтисодиёт таркибида саноатнинг ривожланиш динамикасидаги муҳим ўзгариш корхоналар ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш асосида саноатда чуқур таркибий ўзгаришлар ва диверсификациянинг амалга оширилгани ҳисобланади.

Саноат сиёсатидаги асосий устувор йўналиш сифатида институционал ислохотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб беришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Саноат ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ўрта ва узоқ муддатда саноатни ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Ҳаракатлар стратегиясида юқори технологияларга асосланган қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш зарурати алоҳида таъкидланди.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида 2017 йил саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг таннархини ўртача 8 фоизга қисқартириш на рақобатдошлигини оширишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган. Шу жумладан, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу йўналишга корхоналарнинг маблағлари ва тижорат банклар кредитлари ҳисобидан 602 млрд сўм инвестициялар йўналтирилади, бу эса маҳаллий маҳсулотларнинг, биринчи навбатда, ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ва тармоқларнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Мамлакатда моддий ишлаб чиқариш тармоғини янада ривожлантиришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш Ҳаракат дастурининг энг муҳим вазифалари каторидан ўрин олган.

Маҳсулотлар рақобатдошлилигини ошириш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш иқтисодий еоҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Ҳозирги кунда ташқи иқтисодтй алоқаларнинг сон ва сифат жиҳ-атидан ўсиши бу жараёнларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга янада юксак талаблар қўймоқда.

Турли мулкчилик шаклларидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш, илмий-техникавий валюта-молиявий, хорижий шериклар билан савдо-иқтисодий алоқаларни амалга ошириш ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳисобланган экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, туризмни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнларида маълум бир муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳал этилиши бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни кенгайтиришда экспортчи корхоналарнинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш, уларни амалга ошириш йўналишларидан келиб чиққан ҳолда экспорт стратегиясини шакллантириш корхоналарнинг ҳозирги пайтда кучли рақобат шароитида ўз ўрни ва мавқеини тўғри белгилаб олишига ёрдам беради. Жаҳон бозорларида рақобатнинг кескин тус олиши шуни кўрсатмоқдаки, эндиликда корхоналар ўз мақсад ва вазифаларини белгилаши нафақат маҳсулотга бўлган оддий талаб ва таклифдан келиб чиқишлари керак, балки биринчи навбатда, салоҳиятли истеъмол-

чиларининг эҳтиёжлари, хоҳиш-истаклари ҳамда мақсадларини доимо диққат марказда тутиб, уларни чуқур ўрганишлари ва шу шароитда мос келадиган стратегияни амалга оширишлари муҳим бўлиб қолмоқда.

Охириги йиллар давомида диверсификация қилиш ва иқтисодий соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида жаҳон иқтисодиётида инқироз ҳолатлари ҳамон сақланиб турган ва жаҳон бозоридаги нархлар даражаси пастлиги мамлакатимизнинг асосий экспорт соҳаларига таъсирини камайтиришга эришилди.

Юртимиз экспортчиларининг ташқи бозордаги ўрнини сақлаш ҳамда мамлакатнинг салоҳиятини кучайтириш мақсадида хорижга маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш, экспорт қилинадиган маҳсулотлар тури ва географиясини диверсификация қилиш экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалб этиш ишлари давом эттирилди.

2016 йил давомида яна 877 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, маҳаллий маҳсулотларни четга етказиш географияси 60 та янги бозорга кўпайди. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликлари, Ливан, Иордания, Ироқ, Гана, Сенегал, Кот-д'Ивуар, Сомали, Нигерияга енгил автомобиллар, Швеция, Руминия, Болгария. Туркия, Индонезия. Молдова ва Озарбайжонга минерал ўғитлар, Беларусь, Озарбайжонга спорт пойафзаллари, Польша ва Жанубий Кореяга чарм буюмлар ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида «Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича комп-

лекс чора-тадбирларни амалга ошириш 2017 йилда сўзсиз ҳал килувчи фаолият йўналишига айланиши зарур»,- деб таъкидлагани бу борада келгусида улкан ишлар амалга оширилишидан дарак беради.

Ушбу маърузада давлатимиз раҳбари мазкур соҳанинг ҳолатига танқидий баҳо бериб, машинасозлик комплексида импорт ҳажми экспортдан бир неча баробар юқори булиб, маҳаллийлаштириш даражаси эса импортга нисбатан 20 фоиздан кам эканлиги ҳамда айни вақтда машинасозлик комплекси, «Ўзфармсаноат» концерни ва «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарда импорт ҳажми экспорт ҳажмидан ўнлаб марта кўп эканини айтиб ўтди. Шу билан бирга, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти ва «Ўзбекнефтгаз» компанияси тизимида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми импорт микдорига нисбатан 25-30 фоиздан ошмаслиги таъкидлаб ўтилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ҳаракатлар стратегиясидаги мамлакатимизнинг 2017 йил учун дастурида экспортга мўлжалланган маҳсулотларни юқори даражада маҳаллийлаштиришга йўналтирилган иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш кўзда тутилган. Мазкур ишларни амалга ошириш янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва модернизация қилиш, рақобатбардош, экспортбоп маҳсулот ҳамда материалларни ишлаб чиқиш учун замонавий технологияларни жорий этишга хизмат қилади.

2017-2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш концепцияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорини қабул қилиш ҳам 2017 йилдаги асосий вазифа бўлиб унда қуйидагилар назарда тутилган:

- юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш;

- Ўзбекистон учун савдо алоқаларини ривожлантириш борасидаги мақсадли бозорларни аниқлаш;
- ташқи бозорлар конъюнктурасини ўрганиш асосида катта ҳажмдаги экспортбоп товарларни ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш;
- ташқи бозорларни маркетингга ҳос ўрганиш усулини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- белгиланган бозорларни асосий иштирокчилар билан узвий ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш орқали миллий маҳсулотлар билан таъминлаш;
- халқаро сифат стандартларни (ISO 9001) кенг жорий этиш, ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорларда маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида нафақат моддий ишлаб чиқариш, балки хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳам ўрни ва роли бекиёсдир. Агар ривожланган мамлакатлар ЯИМ таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг аксариятида ЯИМ нинг ярмидан кўп қисми хизматлар соҳасига тўғри келаётганлигининг гувоҳи бўламыз. ЯИМ таркибида хизматлар улуши қанча юқори бўлса, ўша мамлакатни ривожланган мамлакатлар қаторига қўшиш нотўғри бўлмайди. Чунки хизматлар соҳаси яхлит иқтисодиёт бўйича рентабеллик даражаси анча юқори бўлган соҳалардан ҳисобланади. Хизматлар соҳаси ичида, айниқса, туризмнинг ўрни ва роли бекиёс.

Туризм тармоғи жаҳон савдосининг энг йирик тармоғига айланиб бормоқда ва ҳозирги кунда ер юзидаги жами товар ва хизматлар экспортида даромад келтириш бўйича иккита йирик тармоқ - нефть қазиб олиш ва автомобил sanoатидан кейинги учинчи ўринда туради. Туризм соҳаси жаҳонда бўладиган жами экспортнинг 10 фоизини беради, хизматлар савдосининг эса 35 фоизи туризмга тўғри келади. Буюк ипак йўлида жойлашган, асрлар давомида қадимий

шаҳарлари билан машҳур, тарихий ва маданий ўтмишга эга Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғини ривожлантириш учун реал имкониятларга эга. Ушбу масалада Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида - “Айрим мамлакатларда хорижий сайёҳлар эътиборини тортишга қаратилган туристик брендлар яратиш учун узоқ йиллар ва катта маблағ сарфлаш талаб этилади. Яъни, улар кўпинча йўқдан бор қилади. Ҳолбуки, Самарқанд шаҳри учун бутун оламга машҳур брендларни бундан неча асрлар олдин улуғ аجدодларимиз яратиб кетганлар. Ўзингиз ўйланг, Самарқанд шаҳри, Имом Бухорий, Амир Темури, Улуғбек расадхонаси, Ҳазрати Дониёл, Регистон, Шоҳи Зинда ансамбли деган номларнинг ўзи, таъбир жоиз бўлса, жаҳон микёсидаги машҳур брендлар эмасми?

Биз туризм соҳасидаги ишларимизни юксак босқичга кўтариш мақсадида 2017-2019 йилларда Самарқанднинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича алоҳида дастур қабул қилдик. Дастурга мувофиқ Самарқанд шаҳрида сайёҳлар учун махсус “Самарқанд Сити” туризм ҳудудини барпо этиш белгиланди. Янги меҳмонхоналар қуриш, транспорт хизматини яхшилаш, шаҳарни ободонлаштириш, янги туризм хизматларини жорий этиш ва соҳа учун кадрлар тайёрлаш ҳам эътиборимиз марказида бўлади. 2017 йилда Самарқанд вилоятига келган сайёҳлар вилоятда турли хизматлар ва товарлар учун жами 480 млрд сўм сарфлаган. Ваҳоланки, вилоятдаги барча фермерларнинг йил давомида оғир меҳнат қилиб етиштирган пахтаси ҳисобидан олган фойдаси атиги 52 млрд сўмни ташкил этади. Ана шу иккита рақам мисолида ҳам ўзингиз яққол кўриб турибсизки, илгари эътибордан четда бўлган туризм – бутун халқимиз йил ўн икки ой овра бўладиган пахтачиликка нисбатан бир неча баробар кўп даромад келтиради.” – деган фикрларидан туризм

соҳасининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида нақадар юксак аҳамиятга эга эканлигини тушуниш мушкул эмас.¹

Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтиришга олиб келадиган ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясига асосан, шунингдек, 2017-2021 йилларда концепцияни амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Мазкур вазифанинг амалга оширилиши туризм соҳасининг тезкор ривожланиши, унинг иқтисодиётдаги улушининг ортиши, туристик хизматлар сифатининг ошишига олиб келади. Шу билан бирга, «Туризм тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш натижасида туристик соҳани ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари аниқлаб берилади, мазкур соҳада тадбиркорликнинг кенг ривожланишига замин яратилади.

Ҳаракатлар стратегиясига асосан, 2017 йилда аэропорт ва вокзалларда хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш назарда тутилмоқда. Мазкур йўналиш хорижий туристларни кутиб олаётган ёки кузатаётган туристик фаолият субъектлари ходимларига белгиланган тартибда режим ва ҳимоя чораларига амал қилган ҳолда, махсус рухсатномалар бериш орқали аэропорт ва вокзаллар залларида ҳозир бўлишига рухсат бериш каби чора-тадбирларни ўз ичига олади

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарканд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи. <http://kun.uz/news/2017/11/10/mirziyoyev-turizm-pahtacilikka-nisbatan-bir-neca-barobar-kup-daromad-keltiradi>

Туристтик хизматларни диверсификация қилиш ва янги туристик маршрутларни яратиш, жумладан, мамлакат барча ҳудудининг туристик имкониятини ўрганиш ва янги туристик маҳсулот ва маршрутларни шакллантириш, аҳоли учун турлар ва экскурсиялар ўтказиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, ички маршрутлар бўйича янги авиаалоқалар очиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш асосида ҳудудий ва халқаро йўналишлар бўйича чартер рейсларини ташкил этиш мақсадида янги туристик маршрутларни яратиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш, уларнинг жозибadorлигини кучайтиришга оид ислохотларни янада такомиллаштириш бўйича тадбирлар Ҳаракатлар стратегиясидан жой эгаллагани туристик хизматлар кўрсатувчи субъектларнинг имкониятларини янада кенгайтиради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз туризм соҳасидаги иккита катта муаммони ҳал этиш, биринчидан, ўз фаолиятининг барча турларини миқдор ва сифат жиҳатидан кенгайтириш, иккинчидан, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришга имкон яратади.

Хизмат кўрсатиш соҳалари ичида транспорт-коммуникация хизматларининг аҳамияти жуда катта. Чунки замонавий транспорт-коммуникация хизматларисиз ҳеч қандай тараққиёт бўлмаслиги аллақачон ўз исботини топган масаладир.

Шуни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда транспорт-коммуникация тармоғини модернизация қилиш ва транзит салоҳиятини оширишга қаратилган ислохотлар изчиллик билан амалга оширилиши халқаро транспорт коммуникацияларига интеграциялашувга хизмат қилмоқда. 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурига мувофиқ, 2016 йилда Республика Йўл жамғармаси томонидан 520,1 км автомобиль йўллари қурилиши ва таъмирланиши яқунланди.

Фаргона водийсини мамлакатимизнинг бошқа худудлари билан ишончли тарзда боғловчи, Қамчик довонидан 19,2 км узунликдаги ер ости йўли орқали ўтувчи янги Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўл тармоғи қурилди. Мазкур темир йўлнинг фойдаланишга топширилиши билан мамлакатимизнинг барча худудларини камраб олувчи ягона темир йўл тизими тўлиқ яратилди.

Тошкент Бухоро ва Бухоро-Тошкент йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган «Афросиёб» йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди. 291,5 км узунликдаги Самарқанд-Бухоро темирйўл қисмини электрлаштириш лойиҳаси якунланди. Ҳаво кемалари парки 2 та замонавий «Boing 787-800 Dreamliner» самолёти билан тўлдирилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2016 йилда юк ташиш ҳажми 5 фоизга, шундан автомобиль транспортида 5,3 фоизга, ҳаво транспортида 8,8 фоизга ошди.¹

Давлатимиз раҳбари шу йил 14 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек, «Ҳаётнинг ўзи ва ўтган йиллар тажрибаси худудларни комплекс ривожлантиришни ва инфратузилма фаолиятини тубдан ўзгартиришни таъминлашдаги жиддий камчиликларни бартараф этишни талаб қилмоқда.

Шу сабабли йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича дастурларнинг прогноз параметрларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилиш ҳамда уларга эришиш лозим.

Яқиний мақсад - иқтисодиёт тармоқлари учун

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. –Т.: ТДИУ. “Маънавият” 2017 й. 121-б.

ишончли инфратузилмани шакллантириш, шаҳар ва кишлоқ аҳолисига қулай шарт-шароит яратиб беришдир»².

Соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурининг асосий мақсади – ушбу вазифаларни амалга оширишдир. Унга мувофиқ миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш учун йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодий, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича аниқ вазифалар режалаштирилган (11-жадвал).

11-жадвал

***Йўл-транспорт инфратузилмасини
ривожлантириш тадбирлари¹***

№	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажарилиш муддати	Сарф-хаража глар
1.	“Talgo-250” русумидаги 2 та юкори тезликдаги йўловчи поездини сотиб олиш	2017 йил 1-ярми	42 млн. дол..
2.	Қарши-Термиз темир йўл тармоғини электрлаштириш	2018 йил давомида	160,3 млн. дол..
3.	Бухоро-Мискин янги темир йўл тармоғини куриш	2018 йил давомида	143,0 млн. дол..

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. –Т.: ТДИУ. “Маънавият” 2017 й. 121-б.

4.	Поп-Наманган-Андижон темир йўл тармоғини электрлаштириш	217-2019 йиллар	18,0 млн. дол..
5.	Темир йўллари қайта тиклаш	2017-2019 йиллар	51,1 млн. дол..
6.	Йўловчи вагонлар таркибини янгилаш	2017-2019 йиллар	8,1 млн. дол..
7.	Тошкент шаҳар аэропорти янги халқаро йўловчи терминалини (Тошкент-4) қуриш лойиҳасини амалга ошириш	2017-2019 йиллар	343,6 млн. дол..

Автомобиль йўллари ҳолатини яхшилаш ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида инвестиция дастури доирасида Республика йўл жамғармасининг 1550000 млн. сўм маблағлари ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, у қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- умумий фойдаланишдаги халқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш;

- хўжалиқларро автомобиль йўллари таъмирлаш;

- шаҳар кўчалари, аҳоли пунктларига кириш ва ички йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш;

- йўл хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш;

- қурилиш материалларининг инновацион турларидан ҳамда замонавий илғор технологиялар ва усуллардан фойдаланган ҳолда, автомобиль йўллари сифатини яхшилашни белгиловчи стандартларни такомиллаштириш.

Дастурнинг мақсади - аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифатини янада оширишдир. Мамлакатимизда транспорт-коммуникациялари, замонавий телекоммуникация тизимларини ривожлантириш, муҳандислик-инфратузилма объект-

ларини барпо этиш бўйича изчил чора-тадбирлар режалаштирилган.

Хизмат кўрсатиш тармоғида ахборот-коммуникация соҳасининг ўрни бекиёсдир. Чунки ахборот-коммуникация хизматларисиз ҳеч қандай ФТТ, инновациялар, замонавий техника-технологиялар, умуман, тараккиёт бўлмайди.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш доирасида 2017 йилда ахборот технологиялари вазирлиги томонидан мамлакатимиз ҳудудларида 2300 км оптик толали алоқа тармоқларини қуришга 5,7 млн. дол. маблағ жалб этилади. Бунинг натижасида мамлакатимиз аҳолисининг юқори тезликда Интернетга уланиши, мультимедиа ва IP-TV хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилади.

2017-2018 йиллар давомида «Ўзбектелеком» компанияси маблағлари, хорижий инвесторлар кредитлари ҳисобидан коммутация марказларини IMS технологияси асосида модернизация қилишга 44,7 млн. дол. инвестициялар кириштириш режалаштирилган бўлиб, унинг амалга оширилиши шаҳарлараро автоматик телефон станциялар сифимини 17152 та Е1 портга оширилишига ёрдам беради.

Мобиль алоқа операторларининг тармоқлари қамрови ҳудудларини кенгайтиришга эришиш мақсадида «Ўзбектелеком» АК ва мобиль алоқа операторлари томонидан 115,2 млн. дол. маблағ эвазига 1843 та таянч станция ўрнатиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Дастур доирасида 2017 йилда мамлакатимиз аҳолисини, шу жумладан, тоғли ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражасини 100 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бу мақсадлар учун Япония халқаро ҳамкорлик банки ва Япония тижорат банклари маблағлари ҳисобидан 62,5 млн. дол. жалб этилади ва мамлакатимиз ҳудудларида 66 та юқори қув-

ватли ва 328 та кам қувватли рақамли телевидение узатгичлари ўрнатилди ва ишга туширилди.¹

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва турли хилдаги хизматлар кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш, янгидан-янги иш ўринларини яратиш, халқ фаровонлигини оширишда мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ҳар томонлама ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

Маълумки, кишлоқ хўжалиги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ажралмас қисми ва муҳим соҳаси ҳисобланади. Бу соҳада аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноати учун хомашё ишлаб чиқарилади. Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида бу соҳага алоҳида эътибор берилиб, катор вазифалар белгиланган.

Бу йўналишда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш назарда тутилмоқда. Пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқарти-

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. –Т.: ТДИУ. “Маънавият” 2017 й. 121-б.

риш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш мақсад қилинган.

Бунинг учун фермер хўжаликлар, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш режалаштирилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологиялар асосида асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналари қурилади, мавжудлари реконструкция ва модернизация қилинади. Бу мақсадларга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мўлжалланган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини тармоқларини янада кенгайтириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш – қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг муҳим шарти.

Бунда юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда ҳайвонот турларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш, глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол

денгизи ҳалокатининг кишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш ҳам назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналишидаги кишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш борасидаги ислохотларда дастлабки эътибор тизимда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширишга қаратилди.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган муҳим вазифалардан бири ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдир.

Мамлакатимиз учун ўта долзарб аҳамиятга эга суғориладиган ерлар 4,3 млн. гектарни, ёки мамлакат умумий майдонининг 9,6 фоизини ташкил этиб, уларда барча кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 95 фоиздан ортиғи етиштирилади.

Республикамиз ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, кишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, шунингдек, соҳа фаолиятини такомиллаштириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2017 йил 31 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси

фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қабул қилинган ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари белгиланди. Унга кўра, мазкур давлат қўмитаси ердан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, картография ва геодезия фаолияти бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлашни, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан тизимли давлат назоратини ҳамда қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши бўйича давлат геодезия назоратини амалга оширади.

Ҳаракатлар стратегиясида ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида кишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш, бунда пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш, қисқартирилган экин майдонларига бошқа кишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, жумладан, 8,1 минг гектарда картошка, 27,2 минг гектарда сабзавот етиштириш, 5,9 минг гектар интенсив боғ, 2,9 минг гектар токзор барпо қилиш, 10,9 минг гектарда озуқа экинлари ва 4 минг гектарда мойли экинлар етиштириш белгиланган.

Буларнинг натижасида паст рентабелли экин майдонларида пахта ва ғалла етиштиришдан кўриладиган зарарни 80 млрд сўмга қисқартириш, қўшимча 1 млн. тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ҳудудларда 48,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларини ташкил қилиш натижасида ушбу экин майдонларида банд бўлган аҳоли сонини 75,6 минг нафарга етказиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини 2 баробар ошириш мақсад қилинган. Бунинг амалий натижалари ҳақида 2017 йил 19 октябрь куни Халқаро Пресс-клубда “Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги: ислохотларнинг янги босқичи” мавзусида матбуот анжу-

манида қуйидаги факт айтилди: мамлакатимизда 2017 йилда 1 млн. гектардан ортик ерга такрорий экинлар экилди. Натижада улардан 2,5 триллион сўм даромад кутилмоқда.

Мамлакатимизда иктисодиёт тармоқларини, жумладан, аграр соҳани ривожлантириш, модернизация қилиш, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш. аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўзимизда етиштирилган маҳсулотлар ҳисобидан таъминлашга алоҳида эътибор берилиб, бу борада сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, мелиорация ва ирригация объектларини янгилаш ва ривожлантириш мақсадида давлат бюджетидан ажратилаётган инвестициялар ҳисобига ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилишга устувор вазифалардан бири сифатида ёндашилмоқда.

Харакатлар стратегиясида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларини ривожлантириш, уларнинг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш бора-сида қуйидаги муҳим вазифалар белгиланган:

734,9 км магистрал, туманлараро, хўжаликлараро коллекторларни, 348,3 км ёпиқ-ётиқ дренаж тизимларини, 6 дона мелиоратив насос станцияларини, 79 дона мелиоратив тик қудуқларни, 131 дона мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш;

14537,2 км очик коллертларни, 1330,5 км ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини, 15 дона мелиоратив насос станцияларини, 791 дона мелиоратив тик қудуқларни, 2277 дона мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш;

500 км каналларни, 74 км суғориш лоток тизимини, 106 дона гидротехник иншоотларни, 10 км босимли сув қувурларини, сифими 625 млн. м кубга тенг бўлган сув

омборларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 0,5 км қирғоқбўйи минтақасини ҳимоялаш;

142 дона мелиоратив техника ва жиҳозларни сув хўжалигида ихтисослашган пудрат ташкилотларига лизинг орқали етказиш.

Agro.uz сайтида маълум қилинишича, кейинги 5 йилда республикамиз бўйича сув хўжалиги объектларида капитал қурилиш ва реконструкция қилиш тадбирларини бажаришга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қарийб 2 трлн. сўм маблағ йўналтирилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан умумий узунлиги 1265,6 км каналлар, 260,4 км суғориш (лоток) тармоқлари, 212 дона йирик гидротехник иншоотлар, умумий қуввати 32,3 м³/сек. бўлган 23 дона насос станциялари, 62,4 км узунликдаги насос станцияларининг юқори босимли қувурлари қурилди, реконструкция қилинди, шунингдек, дарё ва каналларнинг 42,5 км узунликдаги қирғоқларини мустаҳкамлаш ва бошқа ишлар амалга оширилди.

Сув ресурсларининг шаклланиши чекланган юртимиз шароитида сув захираларини яратиш ва мавсумий сел сувларидан оқилона фойдаланишда сув омборларини барпо этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан бири озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, интенсив боғ яратишни ривожлантириш, мева-сабзавот, картошка ва узум ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишдир.

Бугунги кунда сайёрамизнинг қарийб 1 млрд аҳолиси тўйиб овқатланмаётгани ва бу борадаги муаммо тобора кескинлашиб бораётгани озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга устувор аҳамият қаратишни такозо этмоқда. Ўзбекистонда етиштирилаётган меваларга дунё мамлакатларида талаб жуда катта. Чунончи, мамлакатимиз ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ ва бошқа кўплаб кишлок хўжалиги маҳсу-

лотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда етакчи ўн та давлатдан бири экани, кейинги ўн йилда куруқ мева ва ёнғоқ экспорти ҳажми 5 карра ортгани бунинг ёрқин далилидир.

Юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавотлар саломатлик учун фойдали микроэлементлар, озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан ноёбдир. Мамлакатимизда бир йилда ўртача 320 кун офтобли бўлиши, тўрт фаслнинг изчил алмашинуви юқори сифатли хилма-хил мева ва сабзавотларнинг сархил навларини етиштириш учун қулай имкониятлар яратади. Шунинг учун ҳам саховатли ўзбек замини инъом этаётган мева ва сабзавотлар ҳақиқий брендга айланиб, дунёда маълум ва машҳурдир.

Бугун халқимиз эҳтиёжидан ортиқча 180 турдан зиёд мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар АҚШ, Бразилия, Вьетнам, Индонезия, Кипр, Македония, Малайзия, Мўғулистон, Норвегия, Россия, Саудия Арабистони, Словакия, Таиланд, Хитой, Япония каби саксондан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда. Сохада олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар самарасида экспорт доирасида кенгайиб, ҳажми тобора ошмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида замонавий агротехнологиялар асосида юқори ҳосилдорликка эга бўлган, эртапишар ҳамда ширин таъмга эга пакана ва ярим пакана дарахтларни экиш борасида устувор вазифалар белгилангани интенсив боғ ва узумчиликни ривожлантириш ва дунё бозорларида харидоргир экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш имконини бермоқда. Биргина 2017 йилнинг ўзида мамлакатимизда 13 минг гектар майдонда янги интенсив боғ ва 7,3 минг гектар токзорлар ташкил қилиш ҳамда 15,4 минг гектар боғ ва 9 минг гектар токзорларни реконструкция қилиш, мавжуд паст рентабелли боғ ва токзорларни босқичма-босқич, йилига 10 фоиздан

ёки 26,4 минг боғ ва 14,1 минг тоқзорларни интенсив усулга ўтказиш белгиланган. Янги ташкил этилаётган ва мавжуд интенсив боғ ва тоқзорларга босқичма-босқич йилига 5,7 минг гектардан томчилатиб суғориш тизими жорий қилинади. Республика тупроқ-иклим шароитига мос пакана ва ярим пакана дарахт кўчатлари ва пайвантаклари етиштириш ҳажми камида 7000 мингтага оширилади. Истиқболли ва дунё бозорларида талаб юқори бўлган экспортбоп интенсив боғ мевалари кўчатларининг навларини синаш ва уларни республика ҳудудида экишга тавсия этиладиган кишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритиш амалга оширилади. Ташкил этилаётган интенсив боғларда замонавий минерал ва органик ўғитлардан ҳамда касаллик, зараркундалар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилувчи кимёвий воситалардан фойдаланиш тизими уларни Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатилиши рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхатига киритиш орқали ташкил қилинади.

Буларнинг натижасида боғ ва тоқзорлар майдонларини кенгайтириш ва уларнинг эскирган ва яроқсиз майдонларини янгилашга, боғ ва тоқзорлар майдонларини янгилаш натижасида ер унумдорлиги ошиши ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришилади. Энг муҳими, 2016 йилда жами мевали боғлар майдонида интенсив боғлар улуши 10 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга бориб бу кўрсаткич 30 фоизга етказилади. Натижада, уларнинг ҳосилдорлиги камида 3-4 мартага оширилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 6 январдаги “Мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳа ривожига муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказида 2017-2021 йилларда мева-сабзавотчилик

ва узумчилик соҳасидаги илмий-тадқиқотларни янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, давлат ва хорижий грантлар асосида боғдорчилик, узумчилик ҳамда сабзавотчиликка ихтисослашган илмий муассасалар лаборатория биноларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, селекция ишларини ривожлантириш, истиқболли мева навларини яратиш ҳамда омборхоналар қуришга киришилди.

Бугун олманинг 60 фоиздан кўпроғи, нокнинг қарийб 50 фоизи, узумнинг 43 фоизи, қулупнайнинг 90 фоизи, ёнғокнинг 90 фоизини Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимидаги илмий тадқиқотлар натижасида яратилган навлар ташкил қилади. Интенсив технология асосида боғлар яратишда нок, ўрик, олхўри, шафтоли, гилос ва олма боғлари тез ҳосилга кириши, юқори ҳосилдорлиги билан кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Ёнғок, анжир ва хурмодан ҳам интенсив боғлар яратилиб, мўл ҳосил олиш мумкинлиги исботланди.

Бу соҳанинг яна бир аҳамиятли жиҳати – томчилатиб суғориш тизимининг қўлланилишида. Бунда сув 30-40 фоизгача кам сарфланади, минерал ўғитлар 50 фоизгача тежаллади. Бу ҳар қарич ердан унумли фойдаланиб, мўл ҳосил етиштириш имконини беради. Кейинги йилларда интенсив боғлар яратишда асосан тоғ ва тоғолди ҳудудларида, сув тақчил ерларда пайвандтагларга пакана илдизбўғиз қўйиш йўли билан етиштирилган кўчатлардан фойдаланиш технологияси кенг жорий этилмоқда. Сув билан кам таъминланган ерлар учун юқори ҳарорат ва гармселга, кескин континентал иқлим шароитларига чидамли навларни яратиш, касаллик ва зараркунандаларга қарши юқори самарали кураш усуллари ўрганилмоқда. Мева ва узум ҳосилини гектарига 25-30 центнерга оширадиган тупроққа ишлов бериш ва органик-минерал ўғитларни қўллашнинг самарали усуллари ишлаб чиқилиб, хўжаликларга тавсия қилинган.

Боғларга тежамкор технологияларни татбиқ этиб, тупроқ унумдорлигини ошириш, тоғ ва тоғолди ҳудудларда янги боғ-тоқзорлар барпо этиш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашишнинг самарали чоралари устида ҳам изланишлар давом этмоқда. Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти *in-vitro* лабораториясида 5 минг 600 донга гилоснинг К-5 ярим пакана пайвандтагини кўпайтириш ҳамда мевали экинлар пайвандтагини махсус озуқа муҳитда парваришlash технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жорий йилда *in-vitro* лабораториясида вирусиз интенсив кўчатлар (ёнғоқ, нок, тоқ, шафтоли, ўрик, бодом) пайвандтаглари кўпайтириш бўйича хорижий грантлар маблағлари ҳисобига замонавий иссиқхона қурилиши режалаштирилган.

Ҳаракатлар стратегиясида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавот, картошка ва узум ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар кескин ошишининг олдини олиш мақсадида 2017 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари, жумладан, сабзавот етиштиришни 105,7 фоизга, картошка – 106,3 фоизга, полиз – 106,1 фоизга, мева – 106 фоизга, узум – 105,7 фоизга, гўшт – 105,6 фоизга, сут – 108,1 фоизга, тухум – 111,3 фоизга, балиқ – 120 фоизга ва асал – 118,2 фоизга ошириш белгиланган. Бу жараёнда 394 гектар майдонда 503 иссиқхона хўжаликлари ва 6 минг 885 аҳолининг шахсий томорқаларидаги 176 гектар майдонда иссиқхоналар қурилмоқда.

Аҳоли томорқалари ва деҳкон хўжаликларида муқобил электр энергияси манбаларидан фойдаланиладиган енгил конструкцияли иссиқхоналар қурилмоқда, кичик паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик хўжалиklarини тузиш ва бошқа юқори самарали ва юқори даромадли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишда одамларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Хўл мева ва қайта ишланган маҳсулотларни сақлаш ва экспортга жўнатиш мақсадида умумий ҳажми 132,2 минг тонналик 184 та музлаткичли омборлар ташкил қилинмоқда, 1,4 минг тонналик 4 та музлаткичли омборларни модернизация қилиш ишлари кетмоқда.

Хорижликларни Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида эришилаётган ана шундай юксак ютуқлар билан яқиндан таништириш, мамлакатимизда етиштирилаётган экологик тоза мева-сабзавотлар, полиз экинлари ҳамда уларни қайта ишлаш орқали тайёрланаётган турли хилдаги маҳсулотларни намойиш этиш, соҳада мавжуд маҳаллий ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, янги шериклар топиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишда бу йил иккинчи марта ўтказилган халқаро мева-сабзавот ярмаркаси муҳим омил бўлмоқда. Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да 2017 йил 6-8 сентябрь кунлари бўлиб ўтган II халқаро мева-сабзавот ярмаркаси иккинчи марта ўтказилаётганига қарамай, АҚШ, Россия, Япония, Жанубий Корея, Австрия, Швеция, Швейцария, Португалия, Украина, Беларусь, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Сингапур сингари 40 дан ортиқ мамлакат вакиллари бирлаштирилди.

Халқаро ярмарка стендларида мамлакатимизнинг етакчи фермер хўжаликлари, тармоқ корхоналари томонидан намойиш этилган мева ва сабзавотлар, қуритилган ва қайта ишланган маҳсулотлар Ўзбекистонда мазкур соҳадаги ислохотлар бераётган самараларнинг амалий намойиши бўлди. Ярмаркада хўл ва қуруқ мевалар, цитруслар, сабзавотлар, полиз экинлари, дуккакли ўсимликлар, ёнғоқ, зираворлар, ичимликлар, қадоклаш технологиялари, совутиш ускуналари, транспорт ва логистикага оид кўплаб бўлимлар ишлади. Мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 150 дан ортиқ компания вакиллари ўз экспози-

цияларида кўплаб турдаги мева-сабзавот маҳсулотларини намоёни қилиб, ўз хизматларини таклиф этди. Барча ҳудудларнинг мева-сабзавотчилик соҳасидаги салоҳиятига оид тақдиротлар ўтказилди.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, томорқа ерларидан оқилона фойдаланиш. Ўтказилган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизидан ортиғи фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер майдонларида етиштирилишига эришилди.

Шу билан бирга, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда, тизимда бозор механизмларини жорий этишда, кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада ривожлантиришда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини барқарор ошириб боришда ҳамда ер майдонларидан самарали фойдаланишда қуйидаги тизимли муаммо ва камчиликлар кузатилаётгани аён бўлди:

биринчидан, фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш мақсадида бундан беш йил аввал ташкил этилган Ўзбекистон фермерлари кенгаши ўз зиммасига юклатилган вазифаларни етарли даражада бажара олмади;

иккинчидан, аҳоли ихтиёридаги 480 минг гектардан ортиқ томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада қолмоқда. Узоқ йиллар фойдаланилмаётган томорқа ер эгаларининг ерга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартириш бўйича тизимли иш олиб борилмади;

учинчидан, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг ер майдонлари ҳамда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш устидан парламент, вакиллик ва жамоатчилик назорати лозим даражада ўрнатилмагани яққол кўриниб қолди;

тўртинчидан, фермер хўжалиklarининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан чекланиб қолмоқда, уларнинг қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш каби кўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйишда мавжуд имкониятлардан фойдалана олмади;

бешинчидан, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгаларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатишда зарур инфратузилмалар яратилмаган ҳамда соҳада бозор механизмлари етарли даражада шаклланмагани ўз исботини топди;

олтинчидан, аксарият фермер хўжалиklarининг мавжуд молиявий аҳволи замонавий, ресурс тежовчи қишлоқ хўжалиги техника воситаларини харид қилиш, ишлаб чиқаришда илғор агротехнология, инновация ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини бермади;

еттинчидан, фермер, деҳқон хўжалиklари аъзолари ва томорқа ер эгаларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиш тизими, шунингдек фермер хўжалиklарида меҳнат муносабатларини ташкил этиш ҳолати бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Ҳаракатлар стратегиясида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ҳамда самарали ривожлантиришни таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш соҳаларини, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш ва зарурий қишлоқ хўжалиги техникалари билан жиҳозлаш борасида куйидаги вазифалар белгиланган эди:

– кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолияти учун меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратиш, уларни давлат томонидан, шу жумладан, имтиёзли кредитлаш йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтириш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотишда фермер хўжаликлари кооперациясини ривожлантириш, қишлоқ жойларда маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича кичик корхона ва уларнинг бўлимларини ташкил этиш;

– қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан ҳисобкитоблар тизимини такомиллаштириш.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлаш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, пировард натижада ер эгаларининг даромадларини кўпайтиришга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш мақсадида 2017 йил 9 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Фармонда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қатор устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Улардан бири фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш, ушбу соҳада меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришдан иборат. Бунда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ер майдонларидан самарали фойдаланиш борасидаги масъулиятини ошириш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

Фармонда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экин ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича вазифаларини аниқ белгилаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини кучайтириш бўйича қатор вазифалар белгиланди. Уларнинг тўлиқ ва сўзсиз ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига, тегишли вазирлик ва идораларга қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизмини яратиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Кейинги устувор вазифа – кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтиришдан иборат. Мазкур йўналишда кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қў-

шимчалар киритилади, фермер хўжалиklarини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжалиklarига айлантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Фармонга кўра фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорка ер эгаларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг тайёрлов, қайта ишлаш, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида замонавий бозор механизмларини жорий этилади. Фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорка ер эгаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ерларини суғориш учун доимий равишда етарли миқдорлардаги сув билан таъминлаш, агрофирмалар, тайёрлов ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар қабул қилинади.

Бунда ер эгаларининг билим ва тажрибаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш, фермер хўжалиklarининг меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича фаолиятини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Фермер, деҳқон хўжалиklари раҳбарлари ва томорка ер эгаларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш юзасидан бир қатор амалий чоралар кўрилади, шу жумладан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган таълим муассасалари қошида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади.

9. БЕЛГИЛАНГАН СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнининг дастлабки натижалари мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномасида қисқа, аниқ ва лўнда

қилиб кўрсатиб ўтилган. Унга асосан, мамлакатимизни ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажаришга шиддат билан киришилиб, самарали ислохотларни амалга ошириш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилиниб, улар изчил амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда 2017 йилда 161 та йирик sanoat объекти ишга туширилган бўлиб, шу корхоналар ҳисобидан 2018 йилда қўшимча равишда 1,5 триллион сўмлик ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Масалан, Тошкент иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмаси барпо этилди. Бу эса қўшимча равишда 2,5 млрд килловатт электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, Навоий иссиқлик электр станциясида иккинчи буғ-газ қурилмаси, Қизилқум бағридаги Авминзо-Амантой олтин конлари негизда гидрометаллургия заводи қуриш бўйича ишлар давом этмоқда.

Ҳозирги вақтда Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан “Ёшлик – 1”, “Ёшлик – 2” конларини ўзлаштиришга киришилди. Сардоба, Марказий Фарғона ва Тўпаланг сув омборларини қуриш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Бу йирик иншоотларнинг битказилиб ишга тушурилиши мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ЯИМни кўпайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Яна бир йирик объект – Қандим газни қайта ишлаш комплекси ишга туширилиши ҳисобидан 2018 йилда қўшимча равишда 4 млрд 100 млн. куб м табиий газни қайта ишлаш, 67 минг тоннадан зиёд конденсат, 106 минг тоннадан ортиқ олтингугурт ишлаб чиқариш имкони яратилади.

Ўзбекистон иқтисодийнинг локомотивларидан бири бўлган Муборак газни қайта ишлаш заводидида келгуси йили кўшимча равишда 6 млрд куб м табиий газни олтин-гургурдан тозалайдиган блоклар тўлиқ фаолият бошлайди. Шулар қаторида “Ўзагротех-саноатхолдинг” акциядорлик жамиятида янги йилда 5 мингдан кўпроқ замонавий тракторлар, мингдан зиёд пахта териш машинаси ва 2 мингдан ортиқ прицеплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Энг муҳими, **“амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди”¹**.

Айни шу асосда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 млн. дол.га етди.

Миллий валютага эркин конвертация қилишга киришилди. Юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларида чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди. Чет эл валютасининг олди-сотди операциялари ҳажми либерализация даврига нисбатан 1,5 баробар ошиб, ўртача 1,3 млрд дол.ни ташкил этди. Шу билан бирга, давлатимизнинг олтин-валюта захиралари йил давомида 1,1 млрд дол.га кўпайди.

Жорий йилда мамлакатимизда 12 та эркин иқтисодий ва 45 та саноат зонаси фаолияти йўлга қўйилди ва бу ташкилий чоралар ҳудудларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Яқин вақт ичида яна 50 та янги саноат зонасини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

2017 йилда янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 23 декабрь.

сут-катик тўғри келаётган экан. Дастурхонидан бундай махсулотлар аримайдиган ота-оналарнинг уйидан кўнгли тўқ бўлади, болалари соғлом ўсади. Чигитдан ёғ олсак, уларни нафақат ўз ишчиларимиз, балки Мехрибонлик уйлари ва боғчаларга бепул топширишни ҳам режалаштирганмиз, деб ёзади Муртазо Рахматов.

Яна бир гап. Кластер тизими экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ҳам жуда қулай ҳисобланади.

Тан олиш керак, ҳозир кўп ерлар “чарчаган”. Шунинг учун, энг аввало, экин майдонларининг унумдорлигини ошириш керак. Айни шу мақсадда ерларни 41-45 сантиметр чуқурликда ҳайдаб, шўрини ювиб, ер экиш учун тахт ҳолга келтирилади. Қолаверса, тупроқ таркибини яхшилаш учун алмашлаб экиш йўлга қўйилади. Бу йил 8 минг гектарнинг 700 гектарига беда уруғи сепилади. Сабаби, ушбу ўсимлик ҳаводан табиий азот, фосфор, калийни олиб тупроққа беради. Иккинчи, учинчи, тўртинчи йили ҳам 700 гектарга беда жойлаштирилиб, фақат биринчи йилги беда экилган жойга чигит қадалади. Шунда етти йил бир ерга пахта, уч йил беда экилади. Қарабсизки, ер ҳам “тирилади”, қувватга тўлади, пахта ҳосили ҳам зўр бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, алмашлаб экиш схемасини қўллаб, ерларнинг бир қисмида пахта экиш қисқариши 8000 минг гектардан олинадиган ҳосил миқдорини асло камай-тирмайди. Аксинча, ҳосилдорлик ошиши ҳисобига кўпаяди.

Шу маънода, юртимиздаги кластер тизимидаги қалдирғоч мажмуа ҳудуд иқтисодиёти равнакида қандай роль ўйнашига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман.

Чиндан ҳам, пахтачилик ва тўқимачилик саноати истиқболи кластер усули билан боғлиқ. Сабаби, илгари биргина Бухоро вилояти Ромитан туманида 8 минг гектар майдонга пахта экилганда, қиймати қарийб 10 млн. АҚШ дол.лиқ хомашё сотилган, холос. Кластер усули ёрдамида

бу кўрсаткични 15 – 25 баробар кўпайтирилиб, 150-250 млн. дол.га етказиш. ҳатто ундан ҳам ошириш мумкин”.

Таъкидлаш жоизки, “Кластер” тизимидаги пахта-тўқимачилик мажмуаси таркибида бешта фабрика очилади. Уларга дунёнинг энг илғор давлатлари компанияларидан тўқимачилик асбоб-ускуналари, технологик линияларни олиб келинапти. Жумладан, ип йигириш фабрикаси Германиядан, бўяш фабрикаси АҚШдан, мато тўқиш фабрикаси Бельгиядан, пардозлаш фабрикаси Швейцариядан, тивувчилик фабрикаси эса Япониядан келтирилади. Мазкур линиялар уйғунлигида дунёда энг қимматбаҳо бўлган “Деним-индиго” жинси матоси ҳамда бошқа харидоргир маҳсулотлар чиқарилади.

Кези келганда айтиш жоизки, дунёда мана шундай технологиялар асосида жинси тайёрлайдиган фабрикалар мажмуи саноклигина! Энди тасаввур қилиб кўринг-а, ўзи пахта экиб, жаҳон брендлари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган мажмуа эса дунёда ягона бўлади. Унинг манзили – Ўзбекистон!

Шу ўринда оддий арифметикага мурожаат этамиз. Бир килограмм пахта толаси жаҳон бозорида кўпи билан 1,5 дол.га сотилади. Кластер тизимида қайта ишланган 1 килограмм толадан тўқилган мато битта “Деним-индиго” жинси шимини тикиш учун етарли. Бундай маҳсулот дунё бозорида 500 – 1000 дол.гача турар экан, кластер лойиҳалари эса буни минимал қийматда 15-25 дол., деб баҳоланмоқда. Энди ҳисоблаб кўринг, 8 минг гектардан оладиган пахтамыздан 150 – 250 млн. дол.лик ана шундай маҳсулот тайёрланади. Оддий хомашё экспортдан келиб тушган 10 млн. АҚШ дол. қаерда-ю, бу рақамлар қаерда?

Бу эса нафақат Ромитан тумани, Бухоро вилояти, балки Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса бўлиб кўшилиши, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари турмуш

даражасини кўтаришда асосий омиллардан бирига айланиши, шубҳасиз.

Айни пайтда кластер тизимимиздаги қурилиш-монтаж ишлари қизгин паллага кирган. Хусусан, “Bukhara cotton textile” кластер корхонаси ҳудудида мавжуд ишлаб чиқариш бинолари қайта таъмирланиб, янги иншоотлар бунёд этиляпти. Аниқроғи, бугунги кунга қадар 34 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Сув йўллари ва қишлоқнинг яхлитлигини сақлаган ҳолда, аҳоли билан келишиб, 5 та худуддаги майдонлар 90 – 120 гектардан 77 та участкага бўлинган.

Бу хўжалик жорий 2018 йил ҳосилидан тайёрланган маҳсулотлар экспортини 45 млн., 2020 йилда 100 млн., 2021 йилда 150 млн. АҚШ дол.гача етказишни асосий мақсад қилиб қўйганлар. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда олий ўқув юртлари талабалари амалиёт ўташлари учун шароит яратиш, келгусида уларни ишга қабул қилишга келишилган.

Илмий ва амалий ғоядан бошланувчи илмий-тадқиқот, фан, таълим, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришнинг фаол ҳамкорлиги маҳсули бўлган бу хўжалик тизими, янгиланишларга асосланган ҳолда тўкин ва фаровон ҳаёт, ижтимоий ва иктисодий юксалишни таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Айрим кузатув ва ўрганишлар кўрсатадики, жаҳондаги йирик инновацион марказларнинг шаклланиши ва ривожига ўзига хос бўлиб, ҳар бири бетакрор тарихга эга. Уларнинг фаолияти иш юритишга ёндашуви, ходимларнинг билим даражаси, ишлаб чиқариш ҳолати, давлат сиёсати, фан ва таълим муассасалари салоҳияти, ишчи кучи омили каби қатор омиллар билан чамбарчас боғлиқдир.

Тобора жадаллашиб, шаффофлашиб бораётган ҳозирги даврда “кластер хўжалиги” инновацияларни янада кенг-роқ ўзлаштиришга интиломда. Бунинг учун ҳар хил, жум-

ладан, давлат тадқиқот ташкилотлари, илмий муассасалар, мижозлар ва таъминотчилар билан ҳам ишламоқда. Инновацион соҳада ҳамкорлик бу инновацион жараёнларни кучайтирувчи, уйғунлашган, фаол инновацион муҳитни шакллантирувчи, стратегик шериклар ва таъминотчилар ўзаро тажриба алмашинувини ҳамда юксалиши ва янгилианишини таъминлайди.

Кластер (французча сўз бўлиб, панжа, бош, боғлам, гуруҳ, занжир, тўпланиш) - 19 аср охирларида дунё ижтимоий-иқтисодий фаолиятига кириб келган тушунчадир. Иқтисодиётда кластер бу нафақат рақобат, балки мавжуд муаммоларнинг ечимини жамоавий ёндашувда, мавжуд хомашё, энергия ва меҳнат захиралардан самарали фойдаланиб, фаол билимлар алмашинувида асосланган турғун ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ўзаро ишончли ҳамкорликда бир технологик тизимга бирлашган ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари гуруҳи томонидан топиш демакдир.

Ҳозирда ҳар бир соҳа ривожини мавжуд камчиликларни теран англаш, ютуқ-ларнинг тўлақонли мувофиқлаштирилиши ва таҳлили туфайли соҳалараро кооперацияда янги босқичга кўтарилишини тезкор юксалаётган ҳаёт исботлади. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларини жадаллаштирувчи замонавий ёндашувлар доимо ҳукуматимиз эътиборида.

Мазкур илмий услубий рисолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Бухоро вилоятида замонавий пахта – тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2978 сонли қарори ва унда юклатилган вазифаларга жавобан Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминловчи, аҳоли турли қатламларининг бандлигини, реал даромадларини изчил оширувчи, миллий бойлигимиз пахтани экишдан бошлаб чуқур қайта ишлашгача бўлган

амалга оширишга киришиш учун имкон яратилди. Натижада минглаб, млн.лаб тадбиркорлар ҳаракатга тушди. Бу ҳатти-ҳаракатларнинг кучайиши иқтисодиётда таркибий ўзгаришларини амалга оширишда, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришда, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбиркорлар ва инвесторлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг янги йўналишларини кашф этмоқда. Мамлакатимизнинг турли минтақа ва вилоятларида, туманларида энергияни, ёқилғини, хомашё ва материалларни тежайдиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш кескин кўпайтиришга имкон берадиган кўплаб янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунга мисол тариқасида Бухоро вилоятида ташкил этилган тадбиркорликнинг янги йўналиши - “Ишлаб чиқариш кластери”ни кўрсатиш мумкин. Бу кластер “Бухоро коттон текстил” қўшма корхонаси томонидан чет эл инвесторлари иштирокида ташкил этилмоқда. Бу қўшма корхонада Буюк Британия “Paragilde Ltd” ҳамда Россиянинг “Петромаруз” компаниялари ўз капиталлари билан иштирок этмоқда. Бу қўшма корхона пахта ва бошқа бир қатор қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, текстил саноати, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг бошқа босқичлари интеграциясини таъминлаш, яъни фан-таълим, агросаноат интеграцияси асосида ташкил этилиб иш бошлади.

Аграр соҳа билан саноат интеграциясини таъминлаш уларнинг бир-бири билан чатишиб чирмашиб уйғунликда ривожланишига эришишга интилиш ва унга ҳаракат қилиш янги ғоя эмас, у олдиндан бор ғоя бўлиб узоқ даврлардан буён турли мамлакатларда турлича ёндашилиб, уни амалга оширишгап ҳаракат қилинаётган муаммо сифатида турган масаладир. Лекин унга қандай қилиб тўла равишда эришиш мумкин деган масала ҳалигача тўла равишда ўз ечимини

топмаган эди. Ҳаммага маълум собик шўро иттифоки ва ундан кейинги даврларда бу муаммони ечишга кўп ҳаракат қилинди. Уни амалга ошириш учун агросаноат мажмуалари ташкил қилиниб, унинг таркибига кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган соҳалар, уларни қайта ишлайдиган соҳалар, уларга ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган соҳалар, хизмат кўрсатадиган соҳалар ва ниҳоят тайёр товарларни сотадиган соҳаларни бирлаштириш кўзда тутилди. Уни амалга ошириш мақсадида аграр саноат мажмуаси иттифоқ, республика, ўлка ёки вилоят ҳамда туман даражасида тузилиб фаолият кўрсата бошлади. Лекин бу мажмуа туман даражасидан нарига ўтмади, бевосита корхона даражасига тушиб, айни ишлаб чиқариш жараёнини қамраб ола олмади. Натижада тепада тузилган мажмуа муаллақ туриб қолиб, ҳеч қандай натижа ва самара бермади. Унинг самарадорлигини, натижадорлигини ошириш бўйича бутун-бутун институтлар ташкил қилиниб, кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Лекин улардан ҳам кўзга ташланарли наф бўлмади. Бу масала бизнинг назаримизда фақатгина бизнинг мамлакатимизда эмас, балки, жаҳон микёсида ҳам ҳалигача тўла равишда ўз ечимини топмади. Мана энди иқтисод фанлари доктори, академик, фаол тадбиркор Муртазо Раҳматов томонидан хўжалик юритишнинг кластер тизими кашф қилиниб, аграр-саноат интеграциясига тамомила янгича ёндашилди ва у бевосита ишлаб чиқариш жараёнининг ўзида ташкил этиладиган бўлди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Бухоро вилоятига 2017 йил 10-11 март кунлари қилган ташрифида кластер тизими ҳақидаги гояни илгари сурган эдилар ва 2018 йил 16-17 февралдаги

ташрифлари чоғида “Пахта ва тўқимачилик кластери” лойиҳаси билан яқиндан танишиб унга алоҳида эътибор билан қарадилар. “Кластер усулига биз Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги сифатида қарамоқдамиз” деб таъкидладилар. Бу воқеа бутун республика аҳолиси, пахтакорлари учун айниқса тадбиркорлар учун муҳим воқеа бўлиб, одамларнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлади, эзгу сазй-ҳаракатларга шижоат бағишлади.


Маълумки, Ўзбекистон саноати салоҳиятини юксалтиришда тўқимачилик соҳаси алоҳида ўрин эгаллайди. Президентнинг 2016 йил 21 декабрдаги “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори тармоқ ривожидан янги босқични бошлаб берди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, инвестицияларни кенг жалб қилган ҳолда, замонавий корхоналарни барпо этиш, янги иш ўринлари яратиш, ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилаяпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг чақириқларига лаббай деб жавоб берган Муртазо Раҳматов Бухоро вилоятидагина эмас, балки мамлакатимиз ҳудудида кластер хўжалигини мукамал, тўла-тўқис ҳолда ташкил қилаётган дастлабки тадбиркордир.

Табиий савол туғилади: “Пахта-тўқимачилик кластери” нима дегани? **Кластер - бу ягона технологик занжирга бирлаштирилган аграр, саноат ва бошқа издош корхоналар мажмуи бўлиб, у илм-фан, таълим ҳамда аграр саноат соҳаларида ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги техника ва технологияларни амалиётга жадал жорий этиш имконини берувчи хўжалик тизимидир.** Бу тизимда пахта хомашёси хўжалик тамонидан етиштирилиб, қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтади ва экспортбон тайёр

маҳсулотга айланади. Кластер хўжалиги олим ва иктисодчилар, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат ходимлари салоҳияти, илғор тажрибасини ягона мақсад йўлида бирлаштиришни тақозо қилади. Шу боис янги лойиҳани ишлаб чиқишда ўзбекистонлик олимлар, илмий-тадқиқот марказлари ходимлари, мутахассислар ва тадбиркорлар билан маслаҳатлашиб, шу ернинг ўзида илмий-техник кенгаш, илмий марказ ва кадрлар тайёрлаш бўйича кенгаш тузиш белгилаб олинди.

Бу лойиҳага кўра, мазкур кластер тизимида жами саккизта компания фаолияти йўлга қўйилади. Пахта экиш агрокомплекси, пахтани қайта ишлаш ва тозалаш заводи, бешта фабрикани ўз ичига олган тўқимачилик мажмуаси, ёғ-мой заводи, 12 минг бош қорамол парваришлагга мўлжалланган чорвачилик фермаси, биогаз ишлаб чиқариш заводи, тежамкор технологияларга асосланган 20 гектарлик иссиқхона, 25 турдан ортик сут ва гўшт маҳсулотлари тайёрланадиган корхона шулар жумласидандир. Матони бўйишда ишлатиладиган қимматбаҳо табиий бўёқ олинадиган индиго-ферум ўсимлиги ҳам айнан шу кластер хўжалиги худудида экиляпти.



16-расм. Пахта тўқимачилик кластери фаолияти (чиқиндисиз ишлаш) тизими¹

¹ Рахматов М.А., Зарипов Б.З. Кластер – интеграция, инновация ва иктисодий ўсиш. -Т.: Замин Нашр, 2018. 19- бет.

Кластернинг инновацион тўқимачилик корхоналари учун саноатбоп хом ашё томчилатиб суғориладиган экин майдонларида етиштирилади. Ёғ-мой заводида чигитни қайта ишлаш ҳисобига олинган ёғ истеъмолчиларга жўнатиlsa, кунжара ҳамда шулха шу ердаги ферма эхтиёжларини таъминлашда қўл келади. Ўз навбатида, чорвачилик мажмуаси ва ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган органик чиқиндилар келгусида бунёд этиладиган 20 гектарли иссиқхонани иситиш манбаи бўлган биогаз ҳамда қимматбаҳо ўғит — биогумус ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Буни тушуниш осон бўлсин учун юқоридаги 16-расмни келтирдик.

Энди бевосита пахта-тўқимачилик кластерининг бошқа ишлаб чиқариш тузилмаларидан афзалликларига тўхталадиган бўлсак, бу ягона технологик занжирга бирлаштирилган корхоналар мажмуи ва аҳоли турли қатламларини ўзида жамловчи боғлам, айна пайтда соҳада инновацион иқтисодиётга ўтишнинг муҳим босқичидир. У илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги инновацион технологияларни амалиётга жадал жорий этишда долзарб аҳамиятга эга. Чунки бу ерда хомашё қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, экспортбоп тайёр маҳсулотга айланади. Шундай экан, кластерни яратиш олим ва иқтисодчилар, қишлоқ хўжалиги, саноат ходимлари, дизайнерлар салоҳияти, илгор тажрибасини ягона мақсад йўлида бирлаштиришни тақозо қилади. Шу боис янги лойиҳани ишлаб чиқишда нафақат ўзбекистонлик, балки хорижлик етакчи олимлар, илмий-тадқиқот марказлари ходимлари, мутахассислари ҳамда тадбиркорлар билан маслаҳатлашилди. Шу ернинг ўзида илмий-техник кенгаш, илмий марказ ва кадрлар тайёрлаш бўйича кенгаш тузиш белгилаб олинди.

Оддий қилиб айтганда, инновацион кластер, бу – бир мажмуа доирасида бир жамоа бўлиб ерларни шудгорлаш,

чигит экиш, пахтани парваришлаш, хосилини йиғиб-териблиш, хомашёни чуқур қайта ишлаш билан боғлиқ қорхоналарни бирлаштирувчи ишлаб чиқариш мажмуасидир.

Мазкур жараёнда ҳамма меҳнаткашларнинг манфаатлари уйғунлашади. Яъни хомашё етиштирувчидан тортиб, уни қайта ишлаш, йиғириш, бўяш, тўқиш, тикиш каби босқичларда ишлаётган барча ишловчиларгача бўлган барча ишчи-ходим маҳсулот сифатига бирдек жавобгар бўлади. Чунки шунга яраша охириги товарни сотишдан пайдо бўладиган қўшимча маҳсулотнинг бир қисми шу ишга бош қўшган меҳнаткашларга тақсимланади. Умумий белгиланган тартиб қоида бўйича ҳамма замонларда ва мамлакатларда қўшимча маҳсулот тадбиркорларга ер эгаларига, давлатга, яъни бутун жамиятга тегишли бўлиб, меҳнаткашлар ўртасида тақсимланмайди. Бу кластер хўжалик тизимида эса ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш мақсадида қўшимча маҳсулотнинг бир қисми улар ўртасида тақсимланади. Бундай рағбат уларни номигагина эмас, балки сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди. Ҳаёт ҳақиқати шуки, агар охириги маҳсулот олувчилар билан ерга ишлов берувчилар манфаатлари бир-бирига боғланмас экан, бундан нафақат деҳқон ёки инвестор, балки давлат ҳам ютқзади.

Айни пайтда кластер тизимига Ромитан туманидан 8000 гектар ер ажратилган. Илгари шунча майдонда атиги 436 киши меҳнат қилган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 2 мингдан ошди. Келажакда бу рақам янада ортади. Энг муҳими, ишчидан тортиб, менежер-раҳбарларгача ҳар томонлама мақбул ойлик иш ҳақлари белгиланган.

Шу ўринда кўпчиликда савол туғилиши табиий: ойлик маош миқдорининг коникарли эканлиги тушунарли хол, лекин меҳнат қилиш муддати мавсумий-ку?

Аслида ундай эмас. Бу кластер тизимида деҳқон ҳам, ишчи ҳам, раҳбар ҳам қишин-ёзин ишлайди. Яъни улар йил

давомида нафақат маош, балки яхши ишласа, қўшимча ҳақ ва мукофот пули ҳам олади. Қандай қилиб дерсиз?

Мисол учун, қиш мавсумида кластер хўжалиги ишчилари бир неча гуруҳга бўлиниб, чорва чиқиндиларини йигади. Ҳар бир бригадага 100 гектардан майдон ажратиб берилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўз участкаларида йирик чуқурлар (ҳандаклар) казилади. Бу қазилган катта-катта ҳандакларда биогурус тайёрланади. Маълумот учун айтиб ўтаман, мутахассислар ҳисоб-китобларига қараганда, чорвачиликда гўшт-сут маҳсулотларидан кўра, биогурус икки баробар кўп даромад келтирар экан.

Айни пайтда чорвачиликни ривожлантириш учун Германиядан жихозлар олиб келинаёпти. Шунингдек, 230 та замонавий трактор ва қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилинаёпти. Бунинг натижасида муҳандислар, ҳайдовчилар, механизаторлар каби мутахассисликлар бўйича қўшимча 500 та иш ўрни яратилади. Умуман, келажакда кластер тизими тўлиқ ишга туширилса, жами ўн мингга яқин доимий иш жойлари пайдо бўлади.

Бундай янгиликни эшитиб, ҳозир ота-оналар Россия ёки Қозоғистонга кетган фарзандларини чақириб олмақда. Келганларини ишга қабул қилинмоқда. Тасаввур қилинг, битта оилада уч-тўрт фарзанд бўлса, ойига қарийб 8 млн. сўм даромад олади, бу даромад кейинчалик яна кўпайиши мумкин.

Яқин кунларда қўшимча чорва мажмуаси ҳам куриб битказилади. Эътиборлиси, мавжуд 12 бош қорамолларнинг 2 минг бошидан олинандиган сут қатик, гўшт, сариеғ, колбаса сингари сут-гўшт маҳсулотлари ишчи-ходимларга маошлари ҳисобидан имтиёзли нархларда берилади. Масалан, гўштни бозордагидан беш-олти баробар арзон баҳода олишади. Шундай қилиб, жамоа аъзолари ҳам ойлик иш ҳақи, ҳам сифатли маҳсулотга эга бўлади. Ҳисоблаб кўрсак, ҳар бир ходим оиласига ҳафтасига беш килограммдан гўшт,

хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу масалага нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг фоят муҳим йўналиши бўлган **ижтимоий соҳани** ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси ҳам босқичма-босқич таъминланмоқда.

Маълумки, аҳолимизни, айниқса, бюджет соҳаси ходимларини, кам таъминланган оилаларни уй-жой муаммоси оғир ва қийин ижтимоий муаммолардан биридир. Бу масалани ҳал қилиш учун аҳолининг талаб ва истаклари инobatга олиниб, 2017 йилда имтиёзли ипотека кредитлари асосида **арзон уй-жойлар қуриш** лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Шаҳар ва қишлоқларимизда жами 3,5 млн. квадрат мдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу рақамни аввалги йилларга таққослайдиган бўлсак, 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар, 2014 йилга нисбатан эса 2 баробар кўп уй-жой қурилганини кўрамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, кейинги 25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арзон, барча қулайликларга эга бўлган кўпқаватли уй-жойлар қуриш бошланди. 2017 йилнинг ўзида 800 минг квадрат мдан зиёд ана шундай уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида жорий йилда 420 минг квадрат м кўпқаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилга нисбатан қарийб 3 баробар кўпдир.

Одамларимизнинг ҳаётгий эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашда бу муҳим масаланинг нақадар ўткир ва долзарб муаммо бўлиб турганини ҳисобга олиб, бу ишларнинг ҳажмини оширган ҳолда, янги 2018 йилда ҳам бу ишлар давом эттирилади.

Шу йилда Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан аниқ чоралар кўрилди. Молия вазирлиги хузурида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси тузилди ва унга 200 млрд сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Ана шу маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг сув таъминоти, турмуш шароити яхшиланмоқда. Шу билан бирга, мазкур ҳудудларда 3 минг кмдан ортиқ ички йўллар капитал таъмирланди ва реконструкция қилинди.

2017 йилда янги **таълим муассасаларини** қуриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. 12 та умумтаълим мактаби янгитдан барпо этилди, 320 таси реконструкция қилинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди. Шунингдек, 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди ва қурилди, 195 та боғча капитал таъмирланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг берган дастлабки маълумотларига қараганда 2017 йилда ЯИМ 249136,4 млрд сўмни ташкил этиб (жорий нархларда) 5,3 фоизга ўсган. Шу йилда ЯИМни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 7692,0 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 3,6 фоизга ошган. ЯИМ таркибида қўшилган қиймат улуши 89,8 фоизни, соф солиқларнинг улуши эса 10,2 фоизни ташкил этди.

ЯИМ ўсишида хизматлар кўрсатиш соҳаси муҳим роль ўйнаб, унинг махсули ўтган йилга қараганда 6,9 фоизга ўсган.

Кўп квартиралли турар жой бинолари, намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари, ижтимоий инфратузилма объектлари ва бошқа турдаги қурилишларнинг амалга оширилиши натижасида қурилиш тармоғининг ўсиш суръати 5,6 фоизни ташкил этди. 2017 йилда саноат тармоқларидаги қўшилган қиймат (амортизация ва янгидан яратилган

қиймат) 4,6фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эса 2 фоизга ўсган.

Бутун жаҳон мамлакатлари тажрибасидан ва бевосита мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги реал воқеалардан биламизки, мамлакат иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда ички ва ташқи инвестицияларнинг роли беқиёсдир.

2017 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига, хусусан, ишлаб чиқариш соҳасига сарфланадиган инвестицияларни кўпайтириш, уларни жалб қилиш чора-тадбирлари кўрилганлиги туфайли инвестиция жозибадорлиги ошди. Бу жозибадорликнинг ошиши қуйидаги омиллар билан белгиланади.

А) мамлакатимизда сиёсий барқарорликнинг таъминланганлиги;

Б) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўлидаги ғов ва тўсиқларнинг бартараф қилинаётганлиги, хусусий мулк ва соғлом рақобатни ҳимоялаш имкониятига эга бўлган қонунчилик базасининг яратилганлиги;

В) ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг етарли даражада ривожланиб бораётганлиги;

Г) мамлакатимизнинг минерал хомашё ресурсларига бойлиги;

Д) юқори малакага эга бўлган кадрлар, илмий салоҳият ва ишчи кучи ресурсларининг етарли даражада мавжудлиги;

Е) ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун ички талаб, бинобарин ички бозорнинг нисбатан кенглиги;

Ж) кўплаб эркин иқтисодий ва саноат зоналарининг ташкил этилганлиги ва бошқалар.

Мана шу шарт-шароитлар ва имкониятларнинг мавжудлиги туфайли кейинги йилларда мамлакатимизда жалб қилинган ички ва ташқи инвестициялар ҳажми ошиб бормоқда. Олинган маълумотларга қараганда 2017 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 60719,2

млрд сўмни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 4 мартага ошган (2010 йилда бу кўрсаткич 15338,7 млрд сўмни ташкил этган).

Агар биз бу инвестицияни молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил қилсак, корхоналар ва аҳоли маблағлари сал кам 44 фоизни, банк кредитлари ва бошқа турли хил қарзлар 11 фоизни, давлат бюджети 5,5 фоизни, бюджетдан ташқари жамғармалар 12,7 фоизни, чет эл инвестициялари ва кредитлари 26,9 фоизни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, амалга оширилган инвестицияларнинг (капитал сарфларнинг) 73 фоиздан кўпроғини ички капитал сарфлари ташкил этади. Бу кўрсаткичнинг ошиб бориши мамлакатимиз аҳолисининг, тадбиркорларнинг эртанги кунга, келажакка ишончи ортиб бораётганлигини кўрсатади.

2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили”да қабул қилинган давлат дастурининг амалга оширилиши ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтириш йўлида муҳим босқич бўлиб хизмат қилади.

10. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ – “КЛАСТЕР” ҲАҚИДА

2017-2021 йилларда мамлакатимизни жадал ривожлантиришнинг 5 та устивор йўналишлари бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси иқтисодий тараққиётда янги босқични бошлаб берди. Бу стратегик дастур мамлакатимиз аҳолиси учун эртанги кунга ишонч, меҳнатқашларга эса шижоат, тадбиркорларга ва инвесторларга жозибадорлик бахш этди. Улар учун кенг миқёсли ишларни олиб бориш учун яратувчилик йўлини очиб берди. Мамлакатимизда кўпгина тадбиркорлар ва чет эл инвесторлари учун кўплаб истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиб, уларни тезлик билан

тизим, тўқимачилик ва энгил саноатни янада ривожлантирувчи, турли фан, таълим соҳалари олимлари, ишлаб чиқариш мутахассислари, иқтисодчилар ҳаётий тажриба, малака, билимларини мужжасамлаштирувчи қалдирғоч лойиҳа тўғрисида фикр юритилди. “Пахта - тўқимачилик кластери” “Bukhara Cotton Textile” Ўзбекистон-Британия ҚК, “Paraglides LTD” ҚК ва “Petromaruz” (Россия) компаниясининг 123,1 млн. АҚШ дол. ҳажмидаги хорижий сармояларни киритиш билан шакллантирилмоқда. Лойиҳанинг Бош мувофиқлаштирувчиси (Буюк Британия) ва маҳаллий хокимият томонидан бошқарилувчи ушбу кластерга киритилаётган сармоя асосан мавжуд йиғириш, тўқув ва тикув-трикотаж қувватларини жойида йириклаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилади. Бу мажмуа ички ва ташқи бозорга йилига 1,5 млн. дона тайёр маҳсулот, 2,5 минг тонна калава ип, қарийб 4 млн. погоно м тўқима етказиб бериш имконини яратади.

Биз бу ерда мисол тариқасида биргина “Бухоро каттон текстил” кластер хўжалигини келтирдик. Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг турли вилоятларида бундай хўжалик типи ёйила бошлади. Агар уларнинг ҳаммаси юқоридаги “қалдирғоч” ҳисобланган “кластер хўжалиги” ташаббусини, улар томонидан илгари сурилган янги илмий инновацион ғояларни амалга оширса, бу мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1. Иқтисодий ва ҳаёт равишлари жадал ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишда ишлаб чиқариш жараёни ўта муҳим роль ўйнайди. Чунки, инсоният зарур неъматлар истеъмолсиз яшай олмайди. Шунга кўра, бу неъматларни мунтазам равишда ишлаб чиқариш муҳим ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида инсоннинг яшаши ва камол топиши учун зарур бўлган барча ҳаётий воситалар яратилади.

2. Ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар умумий иқтисодий муносабатларнинг асосий негизини ташкил этиб, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларида бўладиган муносабатларнинг йўналишини белгилаб беради. Шунинг учун уларни билиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш омиллари – табиат, капитал, ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилиятидан иборат бўлиб, уларнинг ҳамжиҳатликдаги ҳаракати билан ишлаб чиқариш содир бўлади. Улар ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатади. Бу омиллардан бирининг сифат ва миқдор жиҳатидан ўзгариши пировардида бошқа омилларнинг ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатади.

4. Ишлаб чиқариш жараёнини тўхтовсиз ва самарали олиб бориш учун унинг омиллари билан бир қаторда инфратузилмаси ҳам ривожланган бўлиши зарур.

5. Ишлаб чиқариш жараёнида барча омиллар ҳаракатда бўлади, лекин улар ичида жонли меҳнат, яъни ишчи кучи фаол бўлиб, у барча ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракатга келтиради, уларга «жон киритади», асосий капитал қийматининг йўқолиб кетмаслигини таъминлаб, янги яратилган товар ва хизматларга ўтказилади. Ва ниҳоят, бу жараёнда янги нафли товар ва хизматлар вужудга келади.

6. Ишлаб чиқариш жараёни икки томонлама табиатга эгадир. Бир томондан, у меҳнат жараёни, яъни ишчи кучи томонидан табиат ашёларининг шаклини ўзгартириб, инсон истеъмолига ярокли ҳолга келтириш жараёни нафлиликни яратиш жараёнидир. Иккинчи томондан эса қийматнинг ўсиш жараёнидир.

7. Ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган янги товар ва хизматлар яъни, ЯИМ икки хил хусусиятга – нафлилик ва қийматга эга бўлиб, улар икки томонлама ҳисобга олинади: натурал-ашёвий (нафлилик) ва қиймат томонидан. Натурал-ашёвий томондан у уч қисмга: ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари ва турли хизматларга бўлинади. Қиймат тарафидан ҳам уч қисмга: истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати, зарурий маҳсулот қиймати ва қўшимча маҳсулот қийматига бўлинади. Яратилган маҳсулотнинг учала қисмининг ҳар қайсиси маълум иқтисодий функцияни бажаради: масалан, истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари (амортизация фонди) асосий капитални қайта тиклаш, янгилаш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни такрор олиб бориш манбаи бўлиб хизмат қилса, зарурий маҳсулот ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, ишчи-хизматчи ходимлар фаровонлигини таъминлаш манбаи бўлиб, қўшимча маҳсулот эса ижтимоий иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга манба бўлиб хизмат қилади.

8. Бундан 100 йил илгари маржиналистлар томонидан кашф қилинган ва иқтисодиётнинг универсал қонуни деб аталган қонун – «кейинги қўшилган омил (қўшилган капитал, қўшилган меҳнат) унумдорлигининг пасайиб бориш қонуни» кўр-кўрона исрофгарчиликка, талон-тароажликка, беҳуда ортиқча харажатларга йўл қўйилмаса, ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, инновацион тараққиёт шароитида амал қилмайди.

9. Ишлаб чиқариш жараёни доимо ўзгариб, такомиллашиб ва кенгайиб боради. Унинг ривожланиб боришида ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш, диверсификациялаш ва таркибий жиҳатдан ўзгартириб бориш муҳим роль ўйнайди.

10. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий мезони фойда ҳисобланади. Бунда фойда миқдорининг харажатлар миқдорига нисбати олинади.

11. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда аҳоли сонининг тўхтовсиз кўпайиб бориши ҳамда ҳар бир кишининг истеъмол товарларига бўлган талабнинг ошиб бориши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнини жадал ривожлантиришни объектив зарурият қилиб қўймоқда.

12. Мамлакатимизда ҳар бир инсон манфаати, унинг ҳаёт даражаси ва сифати биринчи ўринга қўйилиб, аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини ривожлантиришнинг жуда катта стратегик вазифалари белгиланган ва уни амалга оширишга фаол киришилган.

13. Белгиланган катта вазифаларни амалга оширишнинг дастлабки натижалари ЯИМ нинг ўсишида, аҳоли даромадларининг, уй-жой билан таъминланганлигининг, умуман турмуш даражасининг ошишида намоён бўлмоқда.

14. Дастлаб Бухоро вилоятида ташкил этилиб, бошқа вилоятларга ҳам тарқалаётган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг янги инновацион тизими “кластер” истеъмол товарларини кўпайтиришда улар таннархини пасайтиришда, фан, таълим аграр-саноат интеграциясини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини тўхтовсиз равишда барқарор ва жадал ривожлантириш зарур-

лигини ҳисобга олиб узоқ муддатга мўлжалланган, ҳамма тармоқлар, ҳудудлар, корхоналар учун умумий бўлган қўйидаги концептуал йўналишларни тавсия этиш мумкин.

1. Мамлакатимизда мавжуд бўлган табиий омиллардан малакали ишчи кучи моддий, молиявий, илм-фан, энергия ресурсларидан унумли ва самарали тежаб-тергаб фойдаланиш, уларнинг бир мисколининг ҳам исроф бўлишига йўл қўймаслик. Шу йўл билан беҳуда сарфлар, йўқотишларга барҳам бериш.

2. Фан ва техника тараққиётининг энг янги ютуқларини, хом-ашё материал ва энергиянинг янги турларини, янги имкониятларини топиб, жадаллик билан ишлаб чиқаришга жорий қилиш; Бунда жаҳоннинг турли мамлакатларида яратилган янги инновацион ғояларини, фан-техника янгиликларини тез олиб келиб ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва ўзимизда янги ва самарали техника-технологияларни (тўхтовсиз ишлаб чиқиб, қўллашни йўлга қўйиш).

3. Эскирган 40-50 йиллардан бери ишлаётган техникалар ва жиҳозларни тезлик билан янгилаш, хомашё материал, ёнилғи, энергиялар ва ишчи кучи сарфини кескин камайтиришга имкон берадиган янги техника ва технологияларни жорий қилиш;

4. Ишчи ва хизматчиларнинг янги техникалар ва энергия билан қуролланиш даражасини ошириш эвазига меҳнат унумдорлигининг кескин ўсишига эришиш;

5. Маҳсулот таннархини камайтириб, фойда даражасининг (рентабелликнинг) ошишига эришиш;

6. Ишлаётган ишчи-хизматчи, ходимларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини етарли даражада ошириб, уларни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

7. Ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари, ҳудудлари, омиллари ва бўлаклари ўртасида, ишлаб чиқарилган товарлар

ва хизматлар ҳажми билан муомаладаги пул миқдори ўртасида мувозанатлик ва муносибликни таъминлаш, шу йўл билан инкирозларнинг олдини олиш. Бунда истеъмол ва инвестицион ҳамда экспорт товарларининг турлари бўйича талаб ва таклиф пухта ўрганилмоғи лозим.

8. Ҳамма тармоқларда, корхоналарда, ҳар бир иш жойида ишчи ёки ходим томонидан яратилган қўшимча маҳсулот миқдорини ва шу йўл билан ватан тараққиётига қўшган хиссасини аниқлаш ва шу орқали ҳар бир ишчининг қўшимча маҳсулотни кўпайтиришга қизиқишини рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Ишлаб чиқариш омиллари – ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қўлланилувчи барча ресурслар.

Ишчи кучи – инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси.

Меҳнат қуроллари – инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметларига таъсир қиладиган воситалар.

Меҳнат предметлари – бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсалар.

Ишлаб чиқариш жараёни – кишилиқ жамиятининг ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятдир.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш – жамият миқёсида ишлаб чиқариш жараёнларининг мунтазам равишда янгиланиб ва такроран амалга оширилиб туриши.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш – ишлаб чиқариш миқёсларини мунтазам равишда ошириб боришга асосланган ҳолдаги такрорланиши.

Одий такрор ишлаб чиқариш – ишлаб чиқариш миқёсларининг ўзгармаган ҳолда такрорланиши.

Ишлаб чиқаришнинг умумий натижаси – мамлакат бўйича яратилган ялпи ички маҳсулотнинг йил давомидаги йиғиндиси.

Ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси – тугалланган ишлаб чиқариш натижаси бўлиб, жамият

абзоларининг эҳтиёжларини кондиришга яъни истеъмолга тайёр маҳсулот.

Соф маҳсулот – яратилган маҳсулотдан истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати чегириб ташлангандан қолган қисми, жонли меҳнат томонидан яратилган янги маҳсулотдир.

Зарурий маҳсулот – ишчи ва хизматчилар иш вақтининг бир қисми бўлган зарурий иш вақтида зарурий меҳнат билан яратилган, ишчи кучини нормал ҳолатда сақлаш ва қайта тиклаш учун зарур бўлган маҳсулот.

Қўшимча маҳсулот – соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортиқча қисми, яъни қўшимча иш вақтида қўшимча меҳнат билан яратилган маҳсулот.

Қўшимча маҳсулот массаси – йил давомида олинган қўшимча маҳсулотлар йиғиндиси.

Қўшимча маҳсулот нормаси – қўшимча маҳсулот массасининг зарурий маҳсулотга нисбати.

Ишлаб чиқариш функцияси – ишлаб чиқариш омиллари билан унинг самараси ўртасидаги боғлиқлик.

Умумий маҳсулот – жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш эвазига олинган маҳсулотнинг мутлақ ҳажми.

Ўргача маҳсулот – жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларининг бир бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми.

Сўнгги қўшилган маҳсулот – энг сўнгги қўшилган омил (капитал ёки ишчи кучи) эвазига ўсган маҳсулот ҳажми.

Меҳнат унумдорлиги – ишчи кучининг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот яратиш қобилияти.

Стратегия – узоқ муддатга белгиланган мақсад.

Кластер – ягона технологик занжирга бирлаштирилган аграр, саноат ва бошқа издош корхоналар мажмуи бўлиб, у илм-фан, таълим ҳамда аграр саноат соҳаларида ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги техника ва технологияларни амалиётга жадал жорий этиш имконини берувчи хўжалик тизимидир.

Фойдаланилган Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони.

2. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” -

http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4931-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 3-сон,

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2746-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.10.2017 йилдаги ПФ-5199 - сонли «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва

конуний манфаатларини ҳимоя қилиш, кишлок хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 41-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Бухоро вилоятида замонавий пахта – тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2978 сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 23 декабрь.

9. Мирзиёев Ш. “Танқидий таҳлил, қатъи тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак” // Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

10. Мирзиёев Ш. «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қўрамиз» // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи газетаси, 2016 йил 15 декабр

11. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси тўғрисида ахборот // Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи.

<http://kun.uz/news/2017/11/10/mirziyoyev-turizm-pahtacilikkanisbatan-bir-neca-barobar-kup-daromad-keltiradi>.

13. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришди” // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 31-б.

15. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В., Тўхлиев Б.К. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.-120 б.

16. Xodiyev B.Yu., Shodmonov Sh.Sh. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). – Т.: «Barkamol fayz media», 2017. – 784 bet.

17. Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). – Т.: «Iqtisod va moliya» nashriyoti, 2010. – 756 b.

18. A.A.Razzoqov, Sh.H.Tashmatov, N.T. O'rmonov. Iqtisodiy ta'limotlar tarixi. Darslik. – Т.: Iqtisod-moliya, 2007. – 320 b.

19. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. –Т.: ТДИУ. “Маънавият”, 2017 й. 121-б.

20. Раҳматов М.А., Б.З.Зарипов. Кластер – интеграция, инновация ва иктисодий ўсиш.– Т.: Замин Нашр, 2018 й. 167 бет.

21. Ахмедов Ф.А. Бозор муносабатлари шароитида хонадон хўжаликларини ривожлантиришнинг иктисодий-ижтимоий жиҳатлари. Т. 2011. 13-бет.

22. И.К.Станковская, И.А.Стрелец. Экономическая теория.: Учебник. / 3-е изд., испр. – М.: «Эксмо», 2009. – 448 с.

23. Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика: Учебник. / 17-изд. - М.: ИНФРА-М, 2014. – 916 с.

24. Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004, 217-бет.

25. Комаров М.П. Инфраструктура регионов мира. – М.: 2006. – С.20.

26. Ю.Иванов Доля сферы услуг в ВВП России. –М.: Вопросы статистики. 2017 й. №3.

27. Смит А. «Исследование о природе и причинах богатства народов»; Рикардо Д. «Начало политической экономии и налогового обложения». Анталогия экономической классики.– М.: 1993. С.46,199.

28. Акулов В.Б., Акулова О.В., “Экономическая теория”, Учебное пособие.– Петрозаводск: Петр ГУ, 2002. Стр. 156.

29. Ш.Ш.Шодмонов Кўшимча маҳсулот иқтисодий тараққиётнинг мезони ва манбаидир // “Иқтисод ва молия” илмий журнали. –Т.: 2017 й. №8 сон, 11-б.

30. Рахматов М.А. “Ишлаб чиқариш кластери инновацион иқтисодиётга ўтишнинг муҳим босқичидир”. Халқ сўзи, 2017 йил 28 март.

31. Рахматов М.А. Кластер интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш мезони. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 27 февраль.

32. <https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2027-o-zbekiston-respublikasida-xizmatlar-sohasining-rivojlanishi> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий сайти.

33. <http://stat.uz/136-tahliliy-ma-lumotlar/1477-o-zbekiston-respublikasida-aholi-turmush-darajasi-va-faravonligining-rivojlanishi-tahlili> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий сайти.

Илмий-услубий рисола

Б.Ю. ХОДИЕВ, Ш.Ш. ШОДМОНОВ

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИ ЖАДАЛ
РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИНГ АМАЛГА
ОШИРИЛИШИ**

Мухаррир – Ё.Қ.Иноғомов
Саҳифаловчи – А.А.Ахмедов

Нашриёт лицензияси АИ№296.22.05.2017 й.

Босишга 13.07.2018 йил рухсат этилди.

Times New Roman ҳарфида терилди.

Қоғоз бичими 60x84 ^{1/16}. Шартли б.т. 11,2. Нашр.б.т. 6,4.

Адади 50. 2018-24-сонли буюртма.

Оригинал-макет “Extremum-press” МЧЖ нашриётида

тайёрланди ва босмаҳонасида чоп этилди.

100053, Тошкент шаҳар, Боғишамол 160.

Тел: 235-44-82.

E-mail: Extremum-press@mail.ru